

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИГА
ЯНГИ ЧИЗГИЛАР**

**Даврий тўплам
№ 2**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—1999**

Таҳрир ҳайъати: Д. АЛИМОВА, М. ИСҲОҚОВ,
Ф. ҚОСИМОВ, С. АЪЗАМХУҶАЕВ,
Д. ЗИЁЕВА, Ш. АСАДОВА

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори,
профессор Д. АЛИМОВА

Тақризчилар: тарих фанлари доктори
Р. КАРИМОВ,
тарих фанлари доктори, профессор
Н. АБДУРАҲИМОВА

Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги
чизгилар: Даврий тўплам, № 2 // Таҳрир ҳайъати: Д.
Алимова (Масъул муҳаррир) ва бошқ. — Т.: Шарқ, 1999.
— 208 б.

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Та-
рих институти.

63.3(5У)

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 1999

С Ў З Б О Ш И

Тарихга кириб бораётган бутунги ҳар бир кун ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ўнлаб йилларга тенгдир. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳар куни узоқ давр мобайнида тўпланиб, ўз ечимини кутиб ётган кўпгина муаммолар ҳал қилинмоқда, айрим жабҳаларда юзага келган мураккаб вазиятни ижобий йўналишга буриш ва ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бу ўринда тарих фани соҳасида тўпланган масалаларни ҳал қилиш ҳамда халқнинг қалби ва хотираси бўлмиш бу қадим фаннинг нуфузини кўтариш, масъулияти ва вазифаларини белгилаб олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 июль қарори катта аҳамият касб этади. Қарорда тарих соҳасида ўз ечимини кутиб ётган асосий назарий ва амалий масалалар билан бир қаторда «жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч» — маърифатнинг асосий устунларидан бири бўлган тарих фанини ривожлантириш мақсадида, Ватан тарихининг долзарб муаммоларини ёритувчи даврий тўплам нашр этиш кўзда тутилган эди. Ушбу тўплам бу борадаги иккинчи қадамдир.

Тўпламнинг «Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар» деб номланиши бежиз эмас. Чунки ўтмишга кириб борган ҳар бир кун, воқеа-ҳодиса ўзининг мураккаб ёки содда моҳияти, зиддиятли ёки раво кечиши, катта ёки унча муҳим бўлмаган аҳамиятидан қатъи назар, тарихдир. Тарих эса доимо таҳлилни, ўзига нисбатан илмий хулосаларга асосланган муносабатни, хусусан, турли мутахассисларнинг ўз дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда билдириладиган, замонга ҳамоҳанг фикр-ўйлари, илмий талқинларни талаб қиладиган ибтидодир. Шу боисдан Ўрта Осиё халқларининг ўтмиши ва кечмишига доир бир қатор масалаларни бу-

гунги кун нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқиш, англаш ва мушоҳада қилиш, уларга «янги чизгилар» орқали сайқал бериш жуда муҳимдир.

Қайд этиб ўтиш лозимки, «Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар» тўпламининг ушбу сони ягона мавзу ва алоҳида олинган хронологик давр билан чегараланмаган. Унда Ватан тарихидаги қадим ўтмишдан бошлаб бутун XX аср давомида кечган турли воқеалар, тарихий жараёнлар, сиёсий, маърифий ва илмий қарашлар ва бошқа масалалар ўз тавсифини топган. Жумладан, тўпланда бутунги кунда асосий эътибор қаратилаётган масала — ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихига оид мақолалар акс эттирилган. Уларда асосий эътибор Сўғд ёзма ёдгорликларида давлат ва жамият қурилиши масалалари, IX—X асрларда Ўрта Осиёда кечган этник ва маданий жараёнлар, бу қадим ҳудудда илк сўфийлик анъаналарининг шаклланиши ва унда Аҳмад Яссавийнинг ўрни, темурийлар ва шайбонийлар даврида аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида кечган суронли сиёсий воқеалар замирида амалга ошган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва унинг омиллари, Ўрта Осиёнинг Фарб мамлакатлари билан бўлган тарихий алоқалари каби масалаларга қаратилган. Шунингдек, тўпланда Ўзбекистон тарихининг XX аср бошидаги муҳим масалалари — Туркистонда миллий давлатчилик барпо этиш лойиҳаси ва уни амалга ошириш йўлидаги муваффақиятсиз уринишлар, Бухоро давлатчилигининг сўнгги йилларида демократик янгиланишга бўлган интилиш ва унинг оқибатлари, Совет даври тарихида илгари ёпиқ ҳисобланган мавзулар ҳам акс этган бўлиб, уларда илгари сурилган ғоя ва илмий хулосалар Ватан тарихини ўрганиш борасидаги кейинги тадқиқотларга замин бўлиб хизмат қилади.

Ўз тараққиётида мукамалликка интилаётган ҳар бир жамият тараққиётининг асоси таълим, тарбия ва маърифатдир. Шу боис маърифат, таълим, тарбия соҳасида Туркистон жадидларининг қарашлари очиб берилган мақолалар ҳам тўпланда ўз ўрнини топгандир.

Бундан ташқари тўпланда кейинги йилларда тарих фанида ўзининг ижодий ривожини топган тарихшунослик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, улар жумласига XX аср бошларидаги мустақиллик учун кураш тарихшунослиги ҳамда тарихий ме-

рос намуналаридан бири — Бухоро тарихнависи Садр Зиёнинг «Рўзнома» асари ва унинг илмий қиммати, шунингдек, XIX аср охири — XX аср бошларида яшаб ижод этган жадидчилик ҳаракати намояндаси Исҳоқ-хон Ибратнинг тарихий асарлари таҳлили кабиларни киритиш мумкин.

Тўпلامда этнография масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилгандир. Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган маҳаллалар, жумладан, Тошкент шаҳри маҳаллалари, Тошкент аёлларининг XX аср миллий кийимлари тарихини баён этган мақолалар улар жумласига киради.

Кўҳна тарихнинг ечим талаб кўпгина муаммолари бўйича бугунги кун нуқтаи назаридан турли манбаларга янгича ёндошув асосида юритилган мулоҳаза, мушоҳада, айрим воқеа-ҳодисалар ҳақида билдирилган илмий фараз ва фикрларни ўзида мужассамлаштирган ушбу тўпلام тарихни тўғри англаш ва ҳаққоний тарихни битишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

*Д. А. АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори*

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Ўзбекистон ҳудудида, умуман, Ўрта Осиё минтақасида энг қадим замонлардан кечган давлатчилик тарихи масаласи ҳеч қачон махсус ўрганилмаган. Ҳеч қачон шу тарзда мавзу ва мақсад қўйилмаган. Шунинг учун ҳам биз мазкур йўналишда илгари амалга оширилган бирор махсус ишни келтира олмаймиз. Аммо мамлакатимиз доирасида, минтақада давлатчилик тизими бўлгани ҳеч қачон инкор этилмаган.

Худди шунингдек, мазкур давлатчилик тизимлари тўғридан-тўғри ўзбек жамияти билан боғлиқ тарзда ва шу юртда узулуксиз кечган бир жараён сифатида ҳеч қачон қаралмаган. Бунинг камида учта сабаби бор.

Биринчи сабаб тўғридан-тўғри евроцентризм билан боғлиқ. Сўнгги асрларда сиёсий-иқтисодий марказнинг Шарқдан Ғарбга «кўчиши», халқаро муносабатларда Ғарб давлатлари, улар намояндаларининг илғор, ташаббускор, тажовузкор бўлишлари каби омил ва сабаблар натижасида гўёки ғарбий (европавий) ва шарқий тарихшунослик фанлари вужудга келгандай бўлган эди. Шу маънода «тарих» тушунчасига бағишланган академик тадқиқотлардан бирида берилган қўйидаги фикрлар диққатни тортмай қолмайди: «Умуман олганда қадимги давр (Европанинг қадимги давр тарихи назарда тутилмоқда — А. З.) тарих (фани) ривожига муҳим босқич бўлиб, замонавий Европа тарихшунослиги унинг бевосита меросхўридир. Европалик бўлмаган халқлар (таъкид бизники — А. З.) — Хитой, Ҳиндистон, Колумб давригача бўлган Америка, Яқин ва Ўрта Шарқ — ёзма ёдгорликлари уларда ҳам тарихшунослик қарашлари тараққий этганидан далolat беради. Бироқ европавий тафаккур мазкур маданий ўлкалар ютуқлари билан ниҳоятда кеч танишгани сабаб, улар (Европа тарихшунослик қарашларига) бирон-бир сезиларли таъсир кўрсата олмадилар»¹. Мазкур тадқиқот билан танишар экансиз, унда Шарқдаги тарихшунослик фа-

¹ Ерофеев Н. А. Что такое история. Москва, 1976, с. 10.

ни тўғрисида бирон сўз айтилгани, қиёсий фикр қилинганини кўрмайсиз. Ваҳоланки, мавзу умуман «тарих» тушунчаси, тарихшунослик фани тарихи, соҳалари, йўналишлари, тадқиқот усуллари ҳақида. Гўёки фақат европавий тарихшунослик якка-ягона мавжуддай. Бошқача айтсак, давлатчилик мавзуси у ёқда турсин, умуман тарихшуносликда евроцентризм кучли намоён бўлган.

Тарихий мавзуларга ёндашувлар ҳам шунга яраша. Машҳур рус тарихшуноси В. В. Бартольд (1869—1930) сўзлари билан айтганда, Европа «мактабининг олими Шарқ тарихи баёнига Европа илми зиёсини олиб киради... Шарқ халқлари бизнинг маданиятимиз устунлигига шундагина ишонадиларки, қачонки биз уларни улар ўзларини билганларидан кўра яхшироқ билишимизга тан берсалар»¹.

Дарҳақиқат, Европада вужудга келган шарқшунослик фанининг амалий жиҳатлари кучли бўлган. Европаликлар Осий, Шимолий Африкадаги мустамлакаларни бошқаришда қарам халқлар тарихи, маданияти, урф-одатлари, диний қарашлари, феъл-атворини ҳар томонлама пухта билиш фақат ва фақат фойда келтиришини яхши тушунганлар. Буни нафақат сиёсатчилар, балки олимлар ҳам жуда яхши англаганлар. Яна Бартольдга мурожаат қиладиган бўлсак, у «(қарам) мамлакат тарихини билишлик маъмурлар ва дипломатларга тўғридан-тўғри амалий наф беришини» ўз пайтида таъкидлаб ўтганининг гувоҳи бўламиз².

Хуллас, мазкур амалий жиҳатлар орқали ҳам арабшунослик, мисршунослик ривожига Франция, ҳиндшуносликда Англия, туркистоншуносликда Россия каби давлатларнинг ўрни яққол кўриниб туради. Мустамлака шароитида қарам мамлакат олимларининг метрополия ижтимоий-илмий қарашлари таъсирида қолишлари ҳам турган гап. Буни биз Россия империясида бўлган давримиздан яхши биламиз. Очигини айтганда, бу касалдан бугун ҳам узил-кесил қутилигани йўқ.

Иккинчи сабаб Россиянинг шовинистик ва улур давлатчилик сиёсати билан боғлиқ. Уни бизнинг мавзуга алоқадор томонини Бартольднинг қуйидаги айтганларидан топамиз: «Шарқ халқларининг Россия билан тинч йўсинда яқинлашишларида, бизнинг буюк

¹ Бартольд В. В. Сочинения. Т. 1. Москва, 1963, с. 607—608.

² Уша жойда.

шоиримиз орзу қилган, бироқ ҳали ҳозир жуда узоқ бўлмиш кунни, яъни Россиянинг барча халқлари, жумладан, «ва бугунги ваҳший тунгус, ва дашт кезувчи қалмоқ» ҳам, рус маданиятининг улуғ вакилига бош эгиш учун бирлашадиган куннинг келишида рус шарқ-шуносларининг камтарона меҳнатлари, балким, рус маданиятининг бошқа ютуқларига нисбатан кўпроқ фойда келтирар»¹.

Бир сўз билан айтганда, империя таркибидаги бошқа халқлар олдида рус тарихи, рус маданиятининг устунлигини кўрсатиш, шуни тан олдириш. Бунга ҳеч бир ажабланмаса ҳам бўлади. Зеро, «буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади»².

Давлатчилик тарихи масаласида ҳам ёндашув шундай бўлган. «Қадимги Рус давлати» IX асрда шаклланидан келиб чиқилиб, империянинг бошқа бирон-бир халқи (арманлар ва грузинлардан ташқари) давлатчилик тарихи мазкур кўрсаткичдан (IX аср) қадимроқ бўлмаслиги керак эди. Бу каби муносабатни империя халқларининг этник тарихи ва этногенези масаласида ҳам кўриш мумкин. Яъни ўзбеклар, озарбойжонлар, украинлар, туркманлар ва бошқа халқларнинг тарихий шаклланиши рус халқи шаклланиган асрлардан (IX—XII) эртaroқ асрларга бориб тақалиши мумкин эмасди.

Учинчи сабаб эса Россия империясини коммунистлар бошқарган даврлардаги ҳукмрон мафкура моҳияти орқали белгиланади. Давлат, давлатчиликка муносабат коммунистик мафкура «доҳийлари» қарашлари асосида куриб келинган. Масалан, «давлат умуман ва асосан ишлаб чиқаришда ҳоким бўлган синфнинг иқтисодий эҳтиёжини концентрациялашган шаклда ифода этишдир» (Энгельс)³. «Давлат бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлик қилиши учун хизмат қиладиган машинадир» (Ленин)⁴.

Кўриб турганимиздек, давлат тушунчасига синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилган. Тарихга муносабат ҳам шу кабидир: «тарих синфий курашнинг бир

¹ Ўша жойда.

² *Каримов Истам*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ханфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997, 53-бет.

³ *Маркс К. и Энгельс Ф.* Сочинения. Т.1, с. 310.

⁴ *Ленин В. И.* Асарлар, 29-жилд, 497-бет.

қатор лавҳаларидан иборатдир»¹. Бу ерда ҳам синфийлик. Давлатчилик тараққиёти босқичларига ҳам баҳо беришда синфийликдан келиб чиқилган, яъни «қулдорлик» давлати, «феодал» давлат, «капиталистик» давлат, «социалистик» давлат. Коммунизмга бориб эса давлат деган тушунча гўё йўқолиб кетади. Хуллас, бундай қарашларда ҳамма нарса бор, аммо энг асосийси, давлатчиликнинг манбаи халқ эканлиги тушунчаси йўқ. Натижада ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги VII асрдаёқ қарор топган бўлса-да, аммо марксизм-ленинизм таълимоти бўйича юртимиздаги ижтимоий-сиёсий тузум милодий VI асрга қадар қулдорлик, 1924 йилга қадар феодал, 1991 йилгача эса социалистик мазмунга эга бўлиб келганлиги совет тарихшунослигида доимо уқтириб борилган.

«Социалистик давлат синфий давлат бўлиб, ишчилар синфи раҳбарлигидаги ишчи-деҳқонлар давлатидир»². Демак, у бирон халққа тегишли эмас, балки миллати ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, ишчи, деҳқонларнинг, хуллас, синфларнинг манфаатини ўзида акс эттирган. Миллат деган моҳият умуман йўқолиб кетган, аниқроғи, шу йўл билан йўққа чиқарилган. Аммо пировардида коммунистик таълимотнинг ўзи чилпарчин бўлиб, унинг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатлардан асоссиз эканлигини тарих исботлади. «Капиталистик» давлатлар яшамоқда, бироқ СССР типидagi «давлатлар» йўқ бўлиб кетди.

Совет тарихшунослиги мактаби тадқиқотчилари минтақамизда умуман давлатчилик анъаналари бўлганлигини ҳеч қачон инкор қилмаганлар, қилолмасдилар ҳам. Аммо жараёни бирон миллат ва жамият билан узвий боғлиқликда эмас, формациялар ва синфийлик нуқтаназаридан баҳолаганлар. «Социалистик» давлатни кўкка кўтариш ниятида унғача бўлган давлатчилик жараёнидаги барча босқичларни салбий деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам масала моҳиятидан ва мавзуга ўзгача ёндашишлар ҳам борлигидан беҳабар киши кўз ўнгида бирданига бир қатор давлатлар намён бўлиши турган гап эди: Буюк Хоразм давлати, Бақтрия давлати, Кушонлар подшоҳлиги, Эфталлийлар давлати, Амир Темур давлати, Темурийлар давлати, Абдуллахон давлати, Бухоро амирлиги ва ҳоказо. Улар-

¹ Ленин В. И. ПСС. Т. I, с. 157.

² Марксча-ленинча философия асослари. Тошкент, 1976, 400-бет.

нинг баёни, шарҳида ҳукмдорлар, сиёсатчилар, лашкарбошилар, олимлар, шоирлар ва бошқалар бор, аммо ўзбек жамияти, ўзбек халқи, ўзбек давлатчилиги йўқ. Яъни барча-барчасига манба бўладиган моҳият йўқ, йўққа чиқарилган. 1924 йили «ЎзССР» барпо этилиши муносабати билан қабул қилинган мурожаатномадаги «ўзбек халқи улуғ Октябрь инқилоби галабаси натижасида илк бор ўзининг миллий ўзбек давлатчилигини кўриш имконига эга бўлди. ...Аммо янги республика улуғ Совет Иттифоқининг кўшни халқлари билан тинч меҳнатда ва қардошларча ҳамкорликда яшаши керак ва яшайди ҳам»¹ фикри, аниқроғи, кўрсатмаси ўзбек заминида кечган давлатчилик тарихини ўрганиб, оммалаштиришга совет тарихчилари учун асос бўлган. Яъни 1924 йилга қадар ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлмаган, унгача мавжуд давлатчилик жараёни кушонларга, хоразмшоҳларга, Амир Темуруга (ва ҳоказо) тегишли, зинҳор-базинҳор ўзбекка эмас. Фақат Октябрь туфайлигина ўзбеклар ўз давлатига эга бўлди, энди эса улар совет иттифоқи, яъни Россия билан бирга, ундан ажралмасдан яшашлари керак ва шарт, деган фикр тарих китоблари орқали омма онига қуйилиши керак эди. Кўряписизми, бу ерда империяпарастлик, шовинизм, коммунистик мафкура талаблари усталик билан «уйғунлаштирилган». Аслида эса Россиянинг худди шу босқинчилик сиёсати туфайли ўзбек давлатчилиги тараққиётига болта урилган эди.

Мустақиллик шарофати билан биз ўтмиш тараққиёт йўлимизни ҳеч бир мафкуравий ақидасиз ўрганиш ва ёритиш имконига эга бўлдик. Чунки «тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳақиқий тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди»². Хусусан, давлатчилигимиз тарихи масаласида ҳам. Шу ўринда ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тараққиётида 1991 йилнинг алоҳида тарихий ўрни борлигини уқтириб ўтиш лозим. Яъни айнан ушбу санадан бошлаб давлатимиз миллатимиз номи билан атала бошлади.

¹ «Правда Востока» газетаси. 1924 йил, 5 декабрь; *Турсунов Ҳ. Ўзбекистон совет социалистик республикасининг барпо этилиши*. Тошкент, 1958, 148-бет.

² *Каримов Ислам. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...* 140-бет.

СРЕДНЯЯ АЗИЯ — ЗАКАВКАЗЬЕ — РИМ

(История международных культурных связей)

Проблеме историко-культурных связей Рима и Средней Азии в научной литературе посвящено не столь большое количество исследований. Связано это в первую очередь с незначительным до недавнего времени числом находок римских предметов на территории Средней Азии и ограниченностью сведений письменных источников о пребывании здесь выходцев из Римской империи. Пионером в изучении этих связей являлся М. Е. Массон, опубликовавший в 1950 году статью о находках римских монет в Средней Азии¹. В последующие годы появились статьи Б. Я. Ставиского², В. Д. Жукова³, Е. В. Зеймалю⁴, Г. А. Пугаченковой⁵, Т. Шерковой⁶, посвященные тем или иным аспектам римско-среднеазиатских связей, но в целом эта проблема остается слабо изученной. Последние годы увеличилось число находок римских предметов в Средней Азии. Особо отметим открытие здесь первых латинских надписей и митреума в Кара-Камаре⁷.

Вместе с тем зарубежные ученые мало знакомы с данной проблемой и почти не используют римские материалы, обнаруженные на территории Средней Азии⁸.

¹ Массон М. Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики//Труды САГУ. Новая серия. Выпуск XXII.— Ташкент, 1951.

² Ставиский Б. Я. Средняя Азия, Индия, Рим (К вопросу о международных связях в кушанский период)//Индия в древности (сборник статей).— М., 1964.— С. 176—181.

³ Жуков В. Д. Археологические раскопки на шахристане Хайрабат-тепе//ИМКУ.— Ташкент, 1961.— Вып. 2.— С. 184—185.

⁴ Зеймаль Е. В. Клад римских денариев из Таджикистана//НЭМ — М., 1962. Вып. III. — С. 141—146.

⁵ Пугаченкова Г. А. Предметы иноземного импорта на среднеазиатских трассах Великого шелкового пути//На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. — Ташкент, 1990. — С. 25—29.

⁶ Шеркова Т. А. Египет и Кушанское царство: торговля и культурные контакты: Авторсф. дис. — М., 1988; О н а ж е. Египет и Кушанское царство. — М., 1991.

⁷ Устинов Ю. Наскальные латинские и греческие надписи из Кара-Камара//ВДИ, 1990.— Вып. 4.— С. 145—147.

⁸ К примеру, в классическом труде: М. Wheeler. Rome beyond the imperial frontiers.— London, 1955 — связи Рима со Средней Азией никак не отмечены.

Особую роль в расширении культурных, экономических и политических связей Рима с Востоком, в том числе и Средней Азией, сыграл Великий шелковый путь.

Рим — столица великой империи — является одной из отправных точек Великого шелкового пути. Отсюда и из других римских городов шли на Восток сухопутными и морскими путями торговые караваны, отправлялись дипломатические посольства и воинские легионы для борьбы с извечным соперником Рима — могущественным Парфянским царством (середина III в. до н. э. — 226 г. н. э.).

Римско-парфянские войны шли с переменным успехом, но именно они способствовали первому появлению на территории Средней Азии в качестве пленных большого числа римлян, хотя не исключено, что отдельные их представители могли попасть сюда еще раньше.

Парфянское царство явилось как бы преградой на пути проникновения римских товаров на Восток по основной трассе Великого шелкового пути — через территорию собственно Ирана. В истории Старшего Дома Хань прямо сказано, что «владелец Дацинь (Рима) давно искал случая открыть сообщение с Китаем, но ансийцы (парфяне), желая одни снабжать Дацинь китайскими шелковыми тканями, не пропускали дацинцев через свои пределы в Китай»¹. Исследователи этой проблемы считают, что основной поток римских товаров шел северным путем из античных городов Северного Причерноморья через Нижнее Поволжье в Среднюю Азию и далее на Восток, а также южным морским путем из подвластного Риму Египта в порты, расположенные на западном побережье Индии, особенно в порт Баригаза². Не случайно именно в Индии известно наибольшее количество находок римских монет³. Отсюда римские товары шли на север в Бактрию, подвластную Кушанам, и на восток — в страны Дальнего Востока.

¹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. — М.—Л., 1950. — С. 226—227.

² Хаостов М. М. История восточной торговли греко-римского Египта (332 — 284 г. до н.э.) — Казань, 1907; Шеркова Т. А. Египет и Кушанское царство: торговля и культурные контакты: Автореф. дис. — М., 1988. — С. 4—7; О н а ж е. Египет и Кушанское царство. — М., 1991. — С.15—52.

³ Gupta R. Roman coins from Andhra Pradesh. — Hyderabad, 1965//Andhra Pradesh government Museum series. — № 10; Sewel R/ Roman coins found in India // JRAS 1904. — P. 307—407. P. Turner Roman coins from India. Royal Numismatic Society. Special publications. — № 22. — London, 1989.

Возможно также их поступление из Египта, через подвластную римлянам часть Закавказья вокруг Каспийского моря, посредством контролирующих эти дороги сарматских племен. Не случайно в могильниках Северного Кавказа сарматского времени находят много предметов египетско-римского происхождения. В этом отношении интересные сведения приводит греческий историк Страбон (I в. н.э.), что аорсы — одно из сарматских племен — контролировали дорогу, шедшую вдоль Каспийского моря, и вели караванную торговлю на верблюдах индийскими и вавилонскими товарами, получая их в обмен от армян и мидян (Страбон, XI, V, 8).

Не исключено использование для этих целей и другого, более прямого пути, соединявшего Закавказье с Средней Азией через Каспийское море.

Наиболее ранние сведения о связях между Закавказьем и Средней Азией относятся к концу IV в. до н. э. и приведены Аррианом и Квинтом Курцием Руфом.

Согласно Арриану, в 329 г. до н.э. в Мараканду к Александру Македонскому прибыл хорезмийский царь Фарасман с предложением союза. Он рассказал Александру, «что живет по соседству с племенем колхов и амазонок» и вызвался в дальнейшем быть ему проводником к Понту Эвксинскому (Черное море) (Арриан, IV, 15).

Этот пассаж вызвал определенного рода сомнения у исследователей, основанные на географической отдаленности Хорезма (низовье Амударьи) от мест обитания грузинского племени колхов — Колхиды (низовье реки Рион в Западной Грузии).

Так, С. П. Толстов считал, что в этих словах Фарасмана имеется указание на политическую гегемонию Хорезма над северо-каспийскими областями, вплоть до Меотиды (Азовского моря) — места якобы традиционного обитания амазонок¹. Однако предполагать такое — значит признать власть Хорезма в то время над всем Северным Кавказом, что никак не подтверждается источниками.

Более вероятно, что в то время политическая гегемония Хорезма простиралась на юго-западе и западе, вплоть до Каспийского моря, включая русло Узбоя,

¹ Толстов С. П. Древний Хорезм. — М., 1948. — С. 17—18.

которое в это время было обводнено¹. Колхида же в середине I тыс. до н.э. была одним из самых могущественных государств Закавказья, сведения о котором распространились далеко за пределами этого региона. По-видимому, по этим причинам Фарасман и сказал Александру, что его царство (Хорезм) соседствует с колхами.

В это же время, по-видимому, уже функционировал водный путь по Узбою, по которому и через Каспийское море осуществлялись связи с Закавказьем. Подтверждением этому являются находки вещей закавказского происхождения на хорезмском городище Калалыгыр II, время обживания которого относится к IV—II вв. до н.э., и расположенного в северо-восточной части этого пути². Позднее на наличие сообщения по нему указал Страбон, согласно которому, со ссылкой на Аристобула и Патрокла, приводятся сведения о водном пути из Средней Азии в Закавказье и далее. «Эта река (Окс), — пишет Страбон, — судоходна и много индийских товаров привозят вниз по течению в Гирканское море (Каспийское море): оттуда их переправляют в Албанию (Азербайджан) и через реку Кир (р. Кура), следующие затем местности (т. е. территорию древнегрузинских царств Иберия и Колхида — Э. Р.) и доставляют в Понт Эвксинский» (Страбон, XI, VII, 3). Отсюда несомненно эти товары попадали на территорию Римской империи, которой в первых веках нашей эры подчинялись почти все территории, прилегающие к Черному морю. Сведения о существовании этого торгового пути подтверждает Плиний со ссылкой на Варрона (127—116 гг. до н. э.), который пишет: «индийские товары, перевезенные по Оксу через Каспийское море в Куру, могут быть перевезены не более чем в пять дней сухим путем до Фасиса, который впадает в Черное море» (Плиний, VI, 50). По данным Шицзы «по реке Гуйшуй (Амударья — Э. Р.) живут торговцы и купцы, которые и сухим путем и водой развозят свой товар по соседним владениям, даже за несколько ли»³.

¹ Юсупов Х. Археологические памятники Узбоя и проблема водного пути из Индии в Каспий//Туркменистан в эпоху раннего железного века. — Ашхабад, 1984. — С. 77—97.

² Vainberg B. U. The Kalali-Gir II. Ritual Center in Ancient Kharazm//Bulletin of the Asia Institute. New Series IV. 8. 1994.—P. 67—81.

³ Бичурин И. Я. Указ. соч.

Уточняет маршрут из Индии в Среднюю Азию и Закавказье Солин: «...Из Индии в Бактрию до реки Дилиера (вероятно, Кундуздаря — Э. Р.), где она впадает в реку Окс, затем к Каспийскому морю, а оттуда через Каспий можно проникнуть к течению реки Кира, которая течет по границе Армении и Иверии».

Таким образом, эти сведения свидетельствуют о существовании древнего торгового пути, соединявшего Индию, Среднюю Азию, Закавказье и области Черного моря, подвластные Римской империи.

Торговые, дипломатические и культурные контакты народов Средней Азии с Римом стали отчетливо проявляться с возникновением, по-видимому, в первой половине или середине I в. н. э., Кушанского государства.

Кушанское государство находилось во враждебных отношениях с Парфией, так же, как и Рим, что способствовало установлению дипломатических отношений между ними. По данным письменных источников известно, что в 99 г. в Рим для участия в качестве почетных гостей в триумфе императора Траяна, разгромившего племена дахов, прибыло кушанское посольство. Известно также, что император Адриан (117—138 гг.) принимал посольство «бактрийских царей», а Антоний Пий (138—161 гг. н.э.) — послов от «индийцев, бактрийцев и гирканцев»¹.

В Средней Азии найдены предметы римского происхождения и среди них монеты. М. Е. Массон отметил, «что римских золотых монет ему совсем не встречалось, а серебряные монеты попадаются не столь часто». От долины Зарафшана до Иссык-Куля им зафиксированы находки монет римских императоров: Веспасиана (69—79 гг.), Домициана (81—96 гг.), Траяна (98—177 гг.), Антония Пия (138—161 гг.), Марка Аврелия (161—180 гг.), а также некоторое количество монет III в. н.э. и среди них — Аврелиана Августа (270—275 гг.)².

Вблизи Уратюбе в кишлаке Худжум в северном Таджикистане был найден клад серебряных римских монет в несколько сот экземпляров, от которого сохранился 21 денарий, переданные Тарзи в дар Эрмита-

¹ Хаостов М. М. История восточной торговли... С.395; Ставиский Б. Я. Кушанская Бактрия. Проблемы истории и культуры. — М., 1977. — С.171.

² Массон М. Е. К вопросу... С.93.

жу. Е. В. Зеймаль определил среди них денарии Веспасиана, Траяна, Адриана, Антония Пия, Марка Аврелия и Люция Вера, Марка Аврелия Коммода (176—192 гг. до н.э.). Он высказал предположение о том, что денарии из этой находки — небольшая часть потока римского серебра, поступавшего с юга на рынки Кушанского царства и севернее — в области, не имевшие собственного регулярного чекана, не исключая, что проникновение римских монет в данный район могло быть связано с торговыми операциями на северном участке Великого шелкового пути¹.

Римские монеты обнаружены и в Сурхандарьинской области: на городище Хайрабадтепа сестерций Нерона (54—68 гг. н.э.)², а в Старом Термезе — медная монета Константина I (306—337 гг. н.э.). В коллекции священника Зампаева, составившего ее в основном на сборах с данного городища, также имелись римские монеты.

Из района Иссык-Куля происходит медный посеребренный «антониан» александрийского чекана Диоклетиана (284—305 гг.)³.

Интересны и другие предметы римского импорта, найденные в этой области. На месте распаханного Илонтэпа, вблизи Шурчи была найдена мраморная мужская головка, стилистическая трактовка лица и манера прически которой весьма схожи с изображениями на римских рельефах I в. до н.э. — I в. н.э. и в какой-то мере напоминающие изображения императора Августа⁴. На городище Кампыртепа, расположенном в 30 км к западу от Термеза, была найдена терракотовая плитка, на которой в невысоком рельефе оттиснуто изображение изготовившегося к бою воина в бронированных доспехах и шлеме. В правой руке воина — короткий меч, в левой — большой овальный щит так называемого «кельтского типа» с изображением ящера, по-видимому, тотема рода, к которому принадлежал воин, или своего рода оберег. Г. А. Пугаченкова считает, что на ней изображен римский воин⁵.

¹ Зеймаль Е. В. Клад... С. 141—146.

² Жужов В. Д. Находка сестерция Нерона в кушанском слое в Южном Узбекистане//ЭВ.-Вып. XXVII. — М., 1960. — С. 125—127.

³ Шеркова Т. А. Указ. соч. — С. 114.

⁴ Пугаченкова Г. А. Новые данные о художественной культуре Бактрии// Из истории античной культуры Узбекистана. — Т., 1973. — С. 127—128.

⁵ Пугаченкова Г. А. Предметы иноземного... — С. 25.

Римского происхождения, по-видимому, и мраморная головка маскарона, обнаруженная на городище Шахри-Гульгуля на западном берегу Южно-Сурханского водохранилища. В Халчаяне и Кампыртепа найдены фрагменты разнообразных стеклянных изделий, поступивших в Бактрию из Египта или других римских провинций, а на городище Дальверзинтепа — гемма-инталия из сердолика с изображением богини Фортуны¹.

Большой интерес в плане римско-среднеазиатских связей представляют предметы, поступившие в Среднюю Азию из подвластного Риму Египта².

Свидетельством этих связей являются найденные на городище Кампыртепа фрагменты древнейших бактрийских рукописей, датированных первой половиной II в. н. э. Надписи выполнены черной тушью на тончайшем папирусе, как это было определено в научно-исследовательском институте реставрации (г. Москва).

Как материал для письма папирус был изобретен в Древнем Египте, где его культивировали так же, как и в Палестине. Причем основным центром мировой торговли папирусом являлся г. Александрия в Египте. Возможно, что именно отсюда в Бактрию был доставлен папирус, использованный впоследствии как материал для бактрийских рукописей. Находки папирусов на Кампыртепа исключительно важны и в силу того обстоятельства, что это первый случай их обнаружения в Средней Азии и сопредельных странах.

Многочисленны изделия из голубого египетского фаянса, центром производства которого были египетские города Александрия и Навкратис. Однако существует мнение, что они могли изготавливаться также и в античных городах Северного Причерноморья.

Египетские предметы почти повсеместно находят на поселениях и в могильниках Средней Азии кушанского времени, в особенности в Хорезме, Согде и Северной Бактрии. Чаще всего это амулеты-обереги в виде кулака-«кукиша», лягушки, черепах, священных жуков-скарабеев (*Scarabeus sazer*), виноградных гро-

¹ Пугаченкова Г. А. и др. Дальверзин-тепа — кушанский город на юге Узбекистана. — Ташкент, 1978. — С. 9, рис. 138.2.

² Подробно об этом: Шеркова ~~Т. А. Узбек-ром — С. 57—136~~

здьев, а также различных форм бус. Более редки статуэтки божеств. Среди них особенно популярны образы Гарпократа, Беса, Птах-Сокар-Осируса.

Гарпократ (Гор-па-херд/Египет) в египетской мифологии — одно из воплощений Гора — сына богини Исиды и бога Осириса — солнечного божества, изображался в виде мальчика с так называемым «локоном юности» и с пальцем у рта. Этот жест истолковывался греками как знак «молчания». Статуэтка Гарпократа найдена, в частности, на Мунчактепа, расположенном на берегу Сырдарьи неподалеку от Ходжента¹.

Изображение другого, весьма почитаемого в античном мире египетского божества — Беса — в виде голого безобразного существа с подчеркнутыми половыми признаками, олицетворяющего плодородие и живородящие силы природы, найдены в Хорезме (Базаркала), Согде (Афрасиаб) и в Северной Бактрии (могильник Тупхана, Дальверзинтепа)².

В ряде могильников и на городищах Средней Азии (Тупхана, Рабат)³ найдены фигурки обнаженного лысого мужчины из голубого фаянса. Исследователи считают, что это амулеты, изображающие Птах-Сокара — божества, совместившего две ипостаси — бога Птаха, покровителя правящего рода священного египетского города Мемфиса и создателя мира, а также Сокара — мемфисского божества умерших.

Нередки здесь находки фаллических подвесок и амулетов в виде священного жука-скарабея. Почитание фаллоса, олицетворяющего идею плодородия и животворящих сил природы, было широко распространено в древности, а кое-где и сейчас, у многих народов мира, в том числе в Средней Азии, где разного рода изображения фаллоса встречаются уже в погребениях эпохи бронзы.

В то же время о каких-либо формах почитания жуков в Средней Азии, в отличие от Египта, не имеется никаких свидетельств. По словам В. А. Коростовцева, «это насекомое во все времена Египта играло огромную роль в религии и мифологии, оно было оли-

¹ Гайдужевич В. Ф. Могильник близ Ширин-сая в Узбекистане // СА, № 6. — М. — Л., 1952; Кабанов С. К. Археологические находки на Фархадстрое // АН УзССР. — 1948. — № 5. — С. 75—76, рис. 3.

² Литвинский Б. А., Седов А. В. Культы и ритуалы Кушанской Бактрии // М., 1984. — С. 60—61.

³ Там же. С. 62—63.

цветворением жизни, самовозрождения»¹. Амулеты-скарабеи из Египта распространились по всему Ближнему и Среднему Востоку, югу России, Закавказью и Средней Азии. Их находки происходят и из Восточного Туркестана.

Среди предметов из египетского голубого фаянса интересны также подвески-амулеты в виде «кукиша» или кисти руки с вытянутыми пальцами, найденные на многих поселениях и в могильниках. Ритуальный жест в виде кукиша у многих народов мира издревле воспринимался как символ оберега от злых сил. Имел он и другое значение: Ф. Петри, в частности, полагал, что в Древнем Египте подобные амулеты употреблялись для увеличения половой потенции.

Другого типа амулеты в виде кисти руки с вытянутыми пальцами также получили весьма широкое распространение. Подобного рода изображения, венчающие отдельные предметы, в частности булавки, в Средней Азии встречаются уже в эпоху бронзы. Так, они найдены на поселении Сапаллитепа, датирующемся серединой — второй половиной II тысячелетия до н. э.

В античную эпоху, наряду с амулетами из голубой египетской пасты, в Средней Азии встречаются также отдельные, довольно крупные по размерам изображения кисти руки, выполненные из хорошо обожженной глины и мрамора. Такие же изображения являются навершием особых костяных предметов в виде заостренного на одном конце стержня, которые некоторые исследователи называют «стилями» — своего рода «ручками» для письма.

Ритуальное значение подобного рода изображений весьма широко. Они являлись оберегами от злых сил, символами здоровья и силы, олицетворяли в себе плодородие «небесной руки».

Изображение руки является символом Сабазия — фракийского божества плодородия, культ которого, перенесенный вначале во Фригию из Малой Азии, затем широко распространился на территории Римской империи от Испании до античных городов Северного Причерноморья. Здесь известны многие находки бронзовых рук, трактуемых как вотивные пос-

¹ Коростовцев М. А. Религия Древнего Египта. — М., 1976. — С. 24.

вящения богу Сабазию¹. Не исключено, что культ этого божества мог проникнуть вместе с римскими легионерами в Среднюю Азию, где он сливается с тождественными ему по значению культами плодородия, природы и солнца.

Исключительно интересна в этом отношении бронзовая литая шпилька (12,6×0,4 см) из Каваткалинского оазиса в Хорезме, датированная I—II вв. н. э., увенчанная изображением руки, в большом и указательном пальцах которой помещен шарик, а на запястье — рельефное изображение змеи². Это изображение аналогично навершию римского знамени II в. н. э., найденному в Приднепровье. Оно представляет собой бронзовую руку высотой 11,5 см, указательный и большой палец которой держат аналогичный шарик, но ниже кисти руки посвятельная надпись — «Командир I когорты испанского легиона посвятил ее Великому Юпитеру Долихену»³. Юпитер Долихен — это сирийский верховный бог. Опираясь на сходство двух этих предметов, можно предположить и их культовую аналогию. Хорезмский предмет, вероятнее всего, связан с культом Сабазия. Это подтверждается, помимо изображения руки, шариком, скорее всего символизирующим шишку хвойного дерева пинии — неперемного атрибута Сабазия, а также изображением змеи, зачастую присутствующим в изобразительных сюжетах, связанных с культом Сабазия.

Если все эти находки констатируют лишь наличие римско-среднеазиатских связей, причем далеко не прямых, а посредством других стран и народов, то некоторые письменные источники свидетельствуют о наличии самих римлян в Средней Азии.

В ходе римско-парфянских войн римские легионеры зачастую попадали в плен, и доподлинно известно, что после сокрушительного поражения Марка Красса в Месопотамии парфяне отправили 10 тысяч римских пленников на поселение в Маргиану (область низовьев р. Мургаб в Туркменистане) для охраны северовосточных рубежей парфянского царства.

Согласно Гомеру Г. Добсу, эти римские легионеры

¹ Кобылина М. М. Изображение восточных божеств в Северном Причерноморье в первых веках нашей эры. — М., 1978. — С. 19—20.

² Культура и искусство Древнего Узбекистана. — М., 1991. — С. 195.

³ Кобылина М. М. Указ. соч. — С. 14, рис. 24 а.

затем проникли далее в глубь Средней Азии, на что, по его мнению (впрочем, не разделенному всеми учеными), указывает один пассаж из «Истории раннего Хань»¹.

Он заключается в следующем. Претендент на гуннский престол Шаньюй Шиши, убив китайского посланника, бежал в Согдиану, куда его пригласил местный правитель для того, чтобы отразить нападение вторгшихся в эту область кочевых племен. В Средней Азии Шаньюй Шиши решил создать новую гуннскую державу и построил ее столицу на р. Талас.

Помощник китайского наместника западных пограничных районов Чень Тан решил устранить грозящую интересам Китая опасность. В 36 г. до н. э. он на свой страх и риск выступил в поход, имея при себе армию, сформированную из китайцев и вспомогательных войск местных государств.

Пройдя несколько тысяч миль, войска подошли к столице Шиши, взяв ее штурмом. В отчете об этом событии, посланном императорскому двору Чень Танем, есть сведения о том, что в начале приступа около города Шиши имелось «более ста пехотинцев, выстроенных в линию с каждой стороны ворот и построенных в виде рыбьей чешуи».

Гомер Г. Добс доказал, что такого рода воинское построение характерно только для римских легионеров. Он пишет, что «построение в виде рыбьей чешуи» представляет собой маневр, при котором солдаты должны были сгруппироваться вместе и накрыться щитами. Его выполнение требовало высокой дисциплинированности и организованности, свойственной профессиональной армии. В то время такие армии имели только греки и римляне, тогда как кочевые племена подобными приемами не владели. Однако у воинов македонской фаланги щиты были маленькие и круглые, и только у римских воинов были большие овальные и прямоугольные щиты, которые можно было соединять вместе и тем самым защищать сомкнутые ряды воинов от стрел. Кстати, такого рода щит изображен на терракотовой плитке из Кампыртепа, о которой говорилось выше. Гомер Г. Добс пришел к выводу, что «более сотни пехотинцев, выстроенных в ли-

¹ Добс Гомер Г. Военные соприкосновения между римлянами и китайцами в античное время //ВДИ. — 1946. — № 2. — С. 45—50.

нию в виде рыбьей чешуи» почти несомненно и были некоторыми из легионеров Красса, служившими в качестве наемных солдат у Шаньюя Шиши.

Примечательно также наличие у города, который штурмовали китайцы, двойного частокола. Такого рода укрепления римляне устраивали для укрепления рвов, особенно перед воротами, причем «если был при этом мост над водой, то устраивались частоколы с обеих сторон на насыпях над и под мостами».

О пребывании римлян непосредственно в Средней Азии свидетельствуют и первые латинские надписи из этого региона, найденные в местности Кара-Камар, расположенной в Сурхандарьинской области, на границе Узбекистана и Туркменистана.

Всего здесь выявлено две латинские надписи¹ в одной из которых, согласно чтению Ю. Виноградова и Ю. Устиновой, содержится имя некоего Гая Рекса из легиона Апполиарис. Этот римский легион, первоначально дислоцированный в Панонии, в 662 г. н. э. был переброшен в Армению, где римляне потерпели поражение от парфян. Вторая — двухстрочная надпись, в нижней строке содержит стандартную аббревиатуру IM, что означает *Invicto Mithrae* (Непобедимому Митре)².

Очевидно, что латинские надписи из Кара-Камара принадлежали воинам (воину?) XV легиона Апполиарис, исповедовавшему митраизм, а сам пещерный комплекс Кара-Камар был митреумом. Они могли быть пленены в ходе римско-парфянской войны и переселены на крайний восток Парфянского царства. Подобная судьба постигла легионеров Марка Красса, переселенных в Маргиану, откуда до Кара-Камара всего лишь немногим более 300 км. Может быть, эта территория (Маргиана, среднее течение Амударьи) была традиционным местом ссылки римских легионеров?

Римские товары и монеты через Среднюю Азию проникли и далеко на Восток — в Китай и Восточный Туркестан. Здесь еще в конце прошлого века в провинции Шаньси было найдено 25 римских монет пер-

¹ Устинова Ю. Б. Наскальные латинские и греческие надписи из Кара-Камара. // ВДИ. — 1990. — № 14. — С. 145—147.

² Сомнения, высказанные Д. Брандом, в правильности чтения этих надписей необоснованны, так как они базируются не на обследовании на месте самих надписей, а на общетеоретических размышлениях; D. Braund. A new volume of the *Prosopographia Militarium Equestrum* // *Zeitschrift für Papyrologie und Epigraphik*. Band. 89. — Bonn, 1991. — P. 188—190.

вых веков нашей эры, сведения о которых были опубликованы С. В. Бушеллем. А на одной из фресок Мирана, датированных III в. н. э., в Турфанском оазисе Восточного Туркестана начертано типично римское имя «Titus».

Не менее интересно предположение австралийского ученого Д. Харриса, который считает, что находящиеся к западу от города Ланьчжоу в провинции Ганьсу руины городища Личжин являются остатками города, населенного в начале нашей эры римлянами.

Итак, связи Средней Азии с Римом могли осуществляться по четырем основным дорогам: по Северному пути в Причерноморье; через Закавказье в области, прилегающие к Черному морю; через Иран в Восточное Средиземноморье; морским путем из Бактрии в Индию и далее морем в Египет.

Все эти дороги несколько веков спустя были использованы для связей со Средней Азией и Дальним Востоком наследницей Рима — Византией.

А. ОТАХЎЖАЕВ

СЎҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИГИ «ВЕСАНТАРА ЖАТАКА» АСАРИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбек давлатчилик ва ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини сўғдлар ва Сўғдиёнаси тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳозиргача сақланиб қолган тарихий ҳужжатлар шундан далолат беради. Шу юртнинг заҳматкаш ва жафокаш фарзандлари бўлмиш сўғдлар ўзларидан ўрганишга арзигулик яхшигина ёзма мерос қолдирганлар. Эндиликда ушбу халқнинг бевосита авлодлари бўлган Ўрта Осиё халқлари ва шу жумладан ўзбек халқи мазкур мероснинг ворисларидир. Сўғд халқининг тилига, сиёсий-ҳуқуқий қонунларига, иқтисодий-ижтимоий ҳаётига, маънавиятига даҳлдор бўлган барча ҳужжатларни ва манбаларни тадқиқ қилиш тарихимиз олдида турган муҳим муаммолардан биридир.

Ҳозирги тадқиқот манбаларининг хронологияси милoddан аввалги II—I асрлардан (илк сўғд тангала-

ри)¹ то милоднинг XI аср биринчи чораги (Талас водийсидан топилган, 1025 йилга тааллуқли тош битик)² билан ўлчанади.

Мавжуд манбаларда ва олимларнинг сўғдшуносликка оид асарларида кўрсатилишича, сўғд халқи Ўрта Осиё ва Тохаристонга, Туронзамин ва Шарқий Туркистон ҳамда Турк давлатларига будда, моний, насронийлик динлари таълимотларини ёйишда фаол миссионерлик вазифасини ўтаганлар. Шу мақсад билан илк ўрта асрларда бир қанча диний-ахлоқий мазмундаги асарлар сўғд тилига таржима қилинган. Улар минтақамиз давлатчилиқ ва ижтимоий тарихи учун ҳам манба сифатида қимматлидир.

Кўхна Туроннинг қоқ марказида жойлашган Сўғдиёнада туркийзабон аждодларимиз ва сўғдларнинг бой тарихи, маданияти ва маънавияти ўзаро чатишиб кетган. Бу масалани ҳар тарафлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль «ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори туфайли янада долзарблашди. Бинобарин, фанда туркий халқларнинг ўз асл макони Туронда азалий этнос эканлигини, бу ерда сўғдий, хоразмий, бохтарий каби халқлар билан бирга ҳамжиҳат ҳолда яшаганини инкор қилишга уришишлар кўзга ташланиб келмоқда.

Сўғд ёзма ёдгорликларининг асосий кўпчилиги Ўзбекистон, қисман Тожикистон, Қирғизистон, Шарқий Туркистондан топилган. Бунга сўғдларнинг «Буюк ипак йўли» бўйлаб халқаро савдо муносабатларида фаол иштирок этганлари сабаб бўлган. Нима бўлганда ҳам, сўғдлар Ватанимиз тарихида қадимги ва илк ўрта асрлар даврида яшаган халқ сифатида салмоқли ўринга эга. Уларнинг Ўрта Осиё бўйлаб қадимдан туркий аҳоли нуфузи катталиги туфайли кўп ҳолларда туркийлаша борганлари ҳақида ҳам етарли маълумотлар бор³. Бу халқ милoddан аввалги IV—III асрлардан бошлаб ўлкамизда ёзув маданиятини яратишдек буюк жараёнда муносиб ўрин тутган. Хусусан, сўғд ёзуви хоразмий, парфиён, бохтар ёзувлари билан бир қаторда шаклланган ва шарққа томон оромийча ёзув асосидаги фоне-

¹ *Оранский И. М.* Письменные памятники на иранских языках народов Средней Азии. В кн.: История таджикского народа. Т. I.—М., 1963, с. 452—454.

² *Джумагулов Ч.* Эпиграфика Киргизии. Вып. I. Фрунзе, 1968. Рис. 24.

³ *Махмуд Қошгорий.* Девону лугатиг-турк. Т., 1960.

тик ҳарф белгили алифбо яратувчилик анъанасининг ёйилишига хизмат қилган.

Сўғдлар эрон аҳамонийларига, юнон-македон босқинчиларига, араб фотиҳларига қарши Ватан озодлиги учун мардонавор курашда туркий аجدодларимиз билан елкама-елка туриб қатнашганлар, қурбонлар берганлар. Юнон-бохтар давлати, Кушонлар салтанати даврларида ҳам ўз мустақилликлари йўлида тинмай ҳаракат қилганлар. Айнан шу даврларда улар ўз мустақил ички сиёсий ҳаётларининг ифодаси сифатида турли-туман тангалар зарб этиб, давлатчилик майлларини бевосита кўрсатганлар. Сўнгра Қанғ давлати ва Буюк Турк хоқонлиги даврларида нисбий мустақилликни сақлаб қолганлар. Жумладан, Турк хоқонлигининг сиёсий ҳукмронлигини тан олган ҳолда Сўғд давлати бошқарувининг марказий ва маҳаллий «ихшидлик» (подпюлик), «хвабу» (маҳаллий ҳокимлик) таркибий тизими амал қилган. Айни шу VI—VIII асрларда Сўғд мамлакати Кеш, Бухоро, Панжикент каби шаҳарлари мисолида, Самарқанд марказий ҳокимияти атрофида бирлашган давлат эди¹. Араб истилоси даврида Турк хоқонлигининг ташкилий раҳнамолиги остида туркийлар билан елкама-елка туриб сўғдлар ҳам юрт озодлиги учун кураш олиб боришган².

Сўғдларнинг ўз Ватанларида қолган қисми X—XI асрдан туркий ва тожик халқлари таркибига сингиб кета бошлади. Табиийки, уларнинг тиллари ҳам йўқола борди. Натижада бутун бир тарихий халқнинг ўлкамиз муштарак маданиятини шакллантиришдаги иштироки ҳам тарихнинг сирли пардаси ортига яширина бошлади. Ниҳоят, XIX асрнинг сўнгги чораги — XX асрнинг бошларида Ўрта ва Марказий Осиё, хусусан, Шарқий Туркистон ҳудудида кенг тус олган археологик ва бошқа йўналишдаги қидирув-тадқиқот ишлари туфайли сўғдлардан қолган ноёб ёзма ёдгорликлар ҳам топила бошлади. Ҳатто дастлаб бу ёдгорликларнинг тили ҳам баҳсли эди. Кейинроқ, 1904 йили Берунийнинг «Асар ул-боқия...»³ асаридаги сўғд тақвими атамалари билан ўша номаълум тил матнларидаги атамалар бир хиллиги бу тилнинг сўғдча эканлигига асос бўлиб хизмат қил-

¹ Лившиц В. А. Правители Панжикента VII — начало VIII в. // НАА, — 1979.

² История аг-Табарии (700—723 гг). -Т., 1988.

³ Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар тўплами 1-жилд. — Т.: «Фан», 1968, 104—105-бетлар.

ди. Шундай қилиб, XX аср бошларидан сўғдшунослик тадқиқотлари бошланди.

Археологик изланишлар натижасида топилган сўғд ёзма ёдгорликлари орасида буддавий китобот ва адабиётларнинг салмоғи жуда катта бўлиб чиқди. Жумладан, будда дини ақоидлари, аҳқомлари, буддасафлар ҳаётига бағишланган адабиёт, сутраларнинг талай намуналари топилди. Бу ёдгорликлар китоблар, ўрамлар, қаватланган таҳламалар кўринишларида бизгача етиб келган.

Буддавий битиклар сўғдча таржималарининг асосий қисми Дуньхуан атрофидаги «Минг будда ғори» деб аталмиш жойдан топилган. Қолган бир қисми Турфон воҳасида олиб борилган археологик қидирувлар жараёнида юзага чиқди. Олимлар хулосасига кўра, уларнинг ёзилиш даври VIII—IX асрлар билан белгиланади.

Сўғд-будда ёдгорликлари ичида энг йириги ва қимматлиси «Весантара Жатака»дир. Асар 34 варақдан иборат бўлиб, жами 1500 дан зиёд сатрни ташкил қилади.

«Весантара Жатака» ҳам бошқа диний асарлар каби жамиятда инсоннинг дунёқараши, фалсафаси, маънавий олами, тафакқурини барча жиҳатлари билан ўз ичига қамраб олади. «Весантара Жатака» бошқа будда динига тааллуқли асарлардан шуниси билан ажралиб турадики, унда давлат қурилиши, бошқарилиши, фуқаролар ҳаёти масалалари илк ўрта асрлар шаклидаги ҳолатида ёритилиб берилган. Шу нуқтаи назардан мазкур асар қадимги ва илк ўрта аср давлатчилиги тарихини манба сифатида ўрганишга молик, деб ўйлаймиз.

Жатакалар муқаддас диний тушунчалар бўлиб, асосан буддавий таълимотларнинг асосчиси Будда Гоатама Шакьямун¹ ҳаёти ва фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Буддавийлик каби унинг жатака ва сутралари ҳам милоднинг I асри — Кушонлар салтанати даврида ўлкамизга кириб кела бошлаган. Сўнгра VII—X асрлар ичида бу таълимот Турондан Хўтанга (Хитойга) хижрат қилган сўғдлар орасида кенг тарқалган.

«Весантара Жатака» сўғд тилига ўрта асрларда таржима қилинган бўлиб, унда Буддаликка эришиш, нирванага етишиш йўлида буддасафлар босиб ўтган ҳаёт манзарасини ёритиб бериш билан бир қаторда, илк

¹ Будда Гоатама Шакьямун. Будда дини асосчиси, милоддан аввалги 563—483 йилларда яшаган.

ўрта аср давлатчилиги, давлат тузилиши, бошқарилиши, олий ва қуйи табақалар муносабатлари ҳар томонлама кўрсатиб берилган. Айнан биз давлатчилик тарихига оид долзарб томонларини ўрганишни мазкур мақолага мақсад қилиб қўйдик. Асар икки бора Р. Готью (1912)² ва Э. Бенвенист (1946)³ лар томонидан нашр этилган эди. Парижда сақланаётган фотонусхаси орқали илк бор ўзбек тилига 1997 йили тарих фанлари доктори М. Исҳоқов ва мазкур мақола муаллифи томонидан адабий таржимаси амалга оширилди.

Асар барча буддавий сутра ва рисоаларга хос тарзда шогирд Ананданинг устоз Будда Шакьямунга саволи билан бошланади. Ривоят қилишларича, Будданинг ўлимидан сўнг Ражагрих шаҳрида бўлиб ўтган буддавийларнинг биринчи анжуманида Ананда ва Будда ўртасидаги савол-жавоблар ҳамда Будданинг диний таълимоти ва ахлоққа оид барча ваъзалари Буддавий канон, яъни тартиб сифатида жатака ва сутраларга бирлаштирилган.

«Весантара Жатака» шулар жумласидан бўлиб, унда чексиз хайру эҳсонлар бериш, яхшиликлар қилиш, афсусу надомат қилмай беғараз саҳоват йўли билан ўзини бу дунё молу давлати, ҳаёт ғаниматларидан тўла фориг қилиш ва шу аснода Буддаликка эришиш ҳақидаги ҳикоядир. Асарда бу ғоя Судастан исмли шахзоданинг бошидан кечирганлари орқали ифодаланади.

Асар бошида Шиватхоши шаҳар-давлатининг подшоши Шиви ўз салтанати тахтига меросхўр илинжида бўлади. Чунки давлат монархия бўлганлиги боис, уни бошқариш отадан болага васият орқали мерос қолдирилиши керак эди. Малика илоҳий нурдан ҳомиладор бўлиб, ўғил фарзанд кўради. Бу фарзанд тарбияси, унинг камолоти сарой аёнлари ва махсус муаллимлар қўлида эди. Подшо саройидаги мунажжимлар ва башоратчилар эса бола келажаги ҳақида подшони хабардор қилиб турадилар. Унга Судастан деб исм берадилар. Дунёни фақат роҳат-фароғат ва бахт-саодат деб билган Судастан, иттифоқо ташқи дунёдаги воқеликдан хабар топади³. Шунда у баъзи инсонларнинг ночор аҳволи, хасталиги, очлиги, қашшоқлиги каби ҳолатларининг

¹ Gauthiot R. Une version sogdienne du Vessantara Jataka // JA. set. 10.-19128 t. 19.

² Benveniste E. Vessantara Jataka. Text sogdien ed., trad. et com. Paris, 1946. CS. 2-113.

³ Бу тафсилот Будда дини таълимотидаги модел ҳисобланади.

гувоҳи бўлади. Судашиан роҳат-фароғат дунёсидан воз кечиб, тарки дунёчиликни ўзига муносиб билади. Асар давомида Судашиан жамиятнинг яна бир табақа вакиллари — праманлар¹ билан бир неча бор мулоқотда бўлади. Улар Судашианнинг шаҳзодалиги ва саҳоватпешалигини синовдан ўтказадилар. Шаҳзода ўзида мавжуд нарсаларни беғараз, надомату афсуссиз праманларга эҳсон билиб сарой аҳли олдида «катта гуноҳ»га қўл уради. Ҳатто у праманларнинг бирига салтанат рамзи бўлмиш олти бебаҳо хусусиятга эга оқ Ражварт исмли филни совға қилиб юборади.

Ота шу муносабат билан сарой аҳли ва вазирларини қошига тўплаб кенгаш ўтказди. Демак, давлат аҳамиятига молик ишлар вазирлар билан бомаслаҳат амалга оширилиши шу ўринда яққол ўз ифодасини топган. Кенгаш Судашианга турли жазолар белгилайди. Барибир охириги сўз Бош вазирга тааллуқли бўлиб, унинг ҳукмини шоҳ Шиви инобатга олади. Судашиан Дандарак тоғига² ўн йилга сургун қилинади.

Судашианнинг сургун қилинишига ҳатто шоҳ ҳам қарши чиқолмайди. Сарой аҳли ва оддий халқ уни йиғлаб-сиқтаб кузатиб қолишдан ўзга чора топа олмайди. Судашиан хотини Мандри, фарзандлари Кришнайон ва Жолина билан саройни тарк этадилар. (Бу ўринда жамиятнинг патриархал оила муносабатларига аниқ ишорат бор.) Йўлда у яна праманларга дуч келиб бор-будини, ҳатто Бош вазир совға этган олтин атиргулни ҳам эҳсон қилиб юборади. Охир-оқибат шу даражага бориб етадики, у ўз фарзандларини ва ниҳоят хотинини ҳам праманларга инъом қилади. Буларнинг барчаси Судашиан ягона эзгу йўл — Буддаликка эришиш, инсонларни қайта туғилиш сансарадан озод қилиш учун амалга ошираётган эди.

Совға қилиб юборилган болалари бир жоҳил праман қўлига тушиб қолади. Праман эса болаларни сотиш мақсадида бозорга олиб боради. Бозор эса мамлакат Бош вазири назоратида эди. Бош вазир болаларни таниб қолиб, уларни 1000 та хўкиз ва 1000 статер (мисқол) олтин эвазига сотиб олади. Подшо Шиви бўлган воқеадан хабардор этилади. Судашиан қошига чопар-азгангни³ юборади. Судашиан эса жазо муддати туга-

¹ Буддавийликка хос дарвешлар жамоаси.

² Афсонавий жазо манзили.

³ Чопар-азганлар — давлатнинг ташқи алоқаларини таъминлашга хизмат қилганлар.

маганлигини айтиб рози бўлмайди. Шунда Бош вазир Судашан ҳузурига келиб уни саройга болалари ва хотини билан қайтиб бориб, сарой хизматига кўндиради.

Подшо Шиви ўғли Судашаннинг тахтга муносиб меросхўр бўлиб етишганидан мамнун бўлади. Салтанат тожи Шаҳзодага топширилади. Шу ўринда давлат бошқарувидаги монархия кўринишининг шакли очиб берилган. Бош вазир мақоми эса бу жамиятда салмоқли ўрин тугади. Вазирлар Кенгашининг қарорини ҳатто шоҳнинг ўзи ҳам ўзгартира олмаслиги илк ўрта асрлар давлатчилиги анъаналарининг бир кўринишидир.

Асар Судашаннинг Будда даражасига эришгани, Будда эса ўз умрининг бир ҳикоятини сўзлаб бераётгани билан интиҳо топади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур асарда давлат ва жамият муносабати, илк ўрта асрларда кўплаб Шарқ мамлакатларига хос бўлган манзара очиб берилди. Мутлоқ ҳукмронлик ўрнига ҳокимиятнинг маълум даражада чекланганлиги кўзга ташланади. Подшо фикри Вазирлар Кенгаши фикрига зид келмаслиги, айтилиши вақтда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб қолади. Бу эса минтақамиздан шу каби давлатчилик бошқарувининг ўзига хос маслаҳатли шакллари бўлганлигини кўрсатади.

К. ШОНИЁЗОВ

IX—X АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ МИНТАҚАЛАРИДА ЭТНИК ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁН

Ўрта Осиё минтақаларида IX—X асрларда Қарлук, Ўғуз, Ўйгур, Сомонийлар ва Хоразмшоҳлар давлати мавжуд эди. Бу давлатлар ҳудудида турғун аҳоли ҳамда бир қанча қабила иттифоқлари ва элатлар вужудга келган.

IX—X асрларда Ўрта Осиёда яшовчи аҳолининг аксарий кўпчилиги туркий тилли халқлар бўлиб, буларнинг бир қисми қадим замонлардан турғун яшаб келган бўлса, иккинчи қисми кўчманчи ва ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб келган. Кўчманчи қабилалар асосан чорвачилик билан, ярим ўтроқ гуруҳлари чорвачи-

лик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келган.

Туркий тилли турғун аҳоли Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларида яшаб, деҳқончилик, тижорат ва хунармандчиликнинг турли соҳалари билан шуғулланиб келган. Буларнинг аксарий кўпчилиги икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралигида, яъни Мовароуннаҳрда ва Хоразм ўлкасида жойлашган. Араб-форс муаллифларининг тарихий ва жўрофий асарларида бу ҳудудлар жуда обод бўлганлиги, шаҳар ва қишлоқларнинг кўплиги, экин ерлари, боғ-роғлари ва оқар сувлари сероблиги қайта-қайта таъкидлаб ўтилган¹.

Туркий тилли аҳолининг талай қисми Сирдарё соҳилларида, Етгисувда ва Шарқий Туркистондаги шаҳар ва қишлоқларда яшаган. Бу ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқлар ҳам IX—X асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирмунча ривожланган. Мазкур ҳудудлардан ҳамда Мовароуннаҳр ва Хоразм воҳасидан қадимий ипак йўли ўтган бўлиб, тижорат ишларининг ривожланиб бориши, минтақалар орасидаги алоқалар кучайиши жараёнида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ва маданий даражаси бирмунча тараққий этган эди.

Ўрта Осиё минтақаларида қадимги туркий тилли турғун аҳоли билан ёнма-ён, гоҳо аралаш сўғдийлар ҳам яшаб келган. Буларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрда ва Хуросонда жойлашган эди. Сўғдийларнинг айрим гуруҳлари IX—X асрларда Шарқий Туркистонда ва Етгисувда ҳам яшаган².

Араб-форс тилли манбаларда қайд этилишича, туркий халқлар қайси ҳудудда яшамасинлар сўғдийлар ҳам ўша ерда яшаб келганлар. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Маҳмуд Қошғарий (XI аср) «Тотсиз (сўғдийларсиз) турк бўлмас, бошсиз бурк бўлмас», яъни бошсиз бурк (қалпоқ) бўлмагандек, тотсиз турк ҳам бўлмайди, деган халқ мақолини келтирган эди³.

¹ *Ал-Истахри*. Кътоб ал-Масалик ва ал-мамалик. Изд. де Гюе М. Я (de Goete M. J.), ВГА, I, Лейден, 1867, с. 297—325. *Яна қаранг*: Материалы по истории киргизов и Киргизии (МИКК), вып. I, М. 1973, с. 16—34. «Худуд ал-алам». Рукописи Туманского с введением и указателями В. Б. Бартольда, 1930б; *Яна қаранг*: Бартольд В. В. Рукопись Туманского. Соч. Т. VIII, М., 1973, 432—434—66. *Бақр Муҳаммад ибн Жалфар Наршахий*. Бухоро тарихи, 1966.

² *Кляшторный С. Г.* Древнетюркские рунические памятники. М., 1964, с. 78—85.

³ *Маҳмуд Қошғарий*. Девону луғотит турк. I-том, таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов, 1960, 333-бет.

Шаҳар ва қишлоқларда туркий тилли аҳоли билан бирга сўғдийлар (Маҳмуд Қошғарий уларни сўғдак деб атайди) икки тилда — сўғд ва турк тилида эркин сўзлашганлар. «Боласағунликлар сўғдча ва туркча сўзлайдилар. Тароз ва Мадинатулбойза (Сайрамнинг иккинчи номи — *К. Ш.*) шаҳарларининг халқлари сўғдча, ҳам туркча сўзлайдилар», деб таъкидлаган эди Маҳмуд Қошғарий¹. Ўз навбатида туркий тилли айрим этник гуруҳлар, масалан, Еттисувда яшаган қанжак ва арғунлар ҳам иккала (сўғдий ва туркий) тилда баробар сўзлаганлар². Сўғд ва туркий тилларда бирдек сўзловчи кишилар Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларида ҳам оз бўлмаган албатта.

Тарихдан маълумки, Сўғд аҳолисининг баъзи гуруҳлари туркий тилли аҳоли муҳитида яшаб, вақт ўтиши билан она тилларини унутиб, туркий тилга ўтишган³.

Туркий тилли этносларнинг ҳам айрим гуруҳлари бошқа тилдаги ва маданиятдаги халқлар таркибига кириб, маълум вақт ўтиши билан шу халқнинг тилини ва маданиятини қабул қилиб, унга аралашиб, қоришиб кетган. Мисол тариқасида, Афғонистон заминига бориб, ўрнашиб қолган⁴, қарлуқ қабиласидан ажралиб чиққан халажларни эслатиб ўтишнинг ўзи kifоя.

Икки тилда бирдек сўзлаш, ёки ўз она тилини унутиб, бошқа тилга ўтиш жараёни осонлик билан бўлмаган албатта. Бунинг учун бошқа тилли этнослар бир неча асрлар давомида бир ҳудудда яшаб, улар этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бирлари билан яқин алоқада бўлиб келишлари лозим эди. Мовароуннаҳрда ва унга туташ минтақаларда яшаган сўғдийлар ва туркий халқларнинг этник тарихи бунинг аниқ мисоли бўла олади.

IX—X асрларда Хоразм иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган ўлкалардан ҳисобланган. Бу ўлкада ҳам шаҳар ва катта-кичик кўрғонлар мавжуд бўлиб, суғориш иншоотларига бой эди.

Хоразм давлати бу вақтларда Амударёнинг пастки оқимларини, унинг (чап ва ўнг) соҳилларидаги ҳудуд-

¹ Ўша асар, 66-бет.

² Ўша асар, 65-бет.

³ *Шаниязов К. Ш.* К вопросу о тюркоязычных компонентах в сложении узбекской народности. В книге: Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана, выпуск III. Этнография, 1991, с. 44—45.

⁴ *Муҳаммад ибн Нажиб Бекран.* «Джахан-наме», перевод А. А. Ромаскевича. *Қаранг:* Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. I. М.-Д, 1939, с. 349.

ларнинг катта қисмини эгаллар эди. Унинг марказий шаҳри Кат бўлиб, у дарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Амударёнинг чап соҳилларидаги шаҳарлардан энг йириги Гурганч (Урганч) ҳисобланган. 995 йили Хоразм пойтахти Кат шаҳридан Гурганчга кўчирилган¹ ва шу санадан бошлаб бу шаҳар Хоразмшоҳлар сулоласининг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Хоразм воҳасида асосан турғун аҳоли яшаган. Бу аҳолининг ўзига хос тили — хоразм тили бўлган. Лекин бу тил қадимий эрон тили асосида шаклланган бўлса ҳамки, ундан бирмунча фарқ қилган². Илк ўрта асрларда хоразмликлар ўз ёзувига, ўз этник номига ва уларга хос моддий ва маънавий маданиятига эга бўлганлар.

IX—X асрларда Хоразм ўлкасида Хоразм тилида сўзлашувчи аҳоли билан бир вақтда туркий тилли этник гуруҳлар ҳам яшаганлар. Буларнинг талай қисми ўтроқлашиб воҳадаги шаҳар ва қишлоқларда ўрнашиб қолганлар. Воҳа атрофларидаги чўллардаги кўчманчи ва ярим кўчманчи (қанғли, печенег, ўғуз ва бошқ.) қабилалар жойлашган. Туркий тилли этник гуруҳлар давлатнинг этник, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келганлар.

Беруний Хоразмда алан, ас (бу атамалар бир-бирларига яқин этносларнинг номи бўлган) қабилалари яшаганлигини ўз асарида қайд қилган³. Аланлар эрон тил туркумидаги халқлар бўлиб, буларнинг катта қисми милодий I—II асрлар давомида Дон дарё ҳавзасига, Азов олди чўлларига кўчиб бориб ўрнашган эдилар. Аммо аланларнинг бир қисми Сарикамиш ҳавзаси атрофларида қолиб, кейинчалик (IX—X асрларда) Амударёнинг қуйи оқимларига келиб жойлашадилар. Шу асрлар давомида Хоразм аланларининг талай қисми Хоразм воҳаси ва унга туташ чўлларда яшовчи печенеглар (бижанаклар) таъсирида туркий тилга ўтган эдилар⁴. Лекин Беруний даврида (X аср охири — XI

¹ Ал-Истахри. В6А, I, 301—304. Ибн Хауқал В6А, П. 1873. с. 351, 354; Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. 1963, с. 197—209. Фулатов Я. Ф. Хоразмнинг сугорилиш тарихи, 1959, 145—165-бетлар.

² Лившиц В. А. Иранские языки народов Средней Азии. Қарағ: Народы Средней Азии и Казахстана. (Серия Народы мира). 1962, с. 131—132, 138—140; Фрейман А. А. Хорезмский язык. М. -Л. 1951.

³ Абу Райхон Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояния между населенными пунктами (Геодезия). Избранные произведения., Т. III. 1966, с. 95—96.

⁴ Ўша асар, 96-бет.

аср бошлари) Хоразм асларининг туркий тилга ўтиш жараёни ҳали ниҳоясига етмаган эди. Шунинг учун ҳам алан, асларнинг «ҳозирги тили (Беруний давридаги тили — *К. Ш.*) хоразмийлар ва печенеглар тилидан ташкил топган деб ёзган эди. Демак, IX—X аср биринчи яримларида Хоразм аланлари ҳали батамом туркийлашмаган, буларнинг бир қисми туркий-печенеглар тилида, иккинчи қисми Хоразм тилида сўзлашганлар.

Ўрта Осиёда жойлашган йирик туркий этник уюшмалардан бири ўғуз (гуз) этноси бўлиб, улар IX—X асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида ва Орол денгизига туташ чўлларда яшаганлар¹. Ўғузларнинг айрим гуруҳлари шу асрларда Шош (ҳозирги Тошкент воҳасида)² ва Каспий денгизининг шарқида, Балхан тоғларида ҳам жойлашган эдилар³.

Ўғуз этноси бир қанча уруғлардан (тўғрироғи, қабилалардан) ташкил топган. Маҳмуд Қошғарий 22 уруғни тилга олади⁴, Рашидиддин ва Абулғози 24 уруғ номларини келтирадilar⁵. Буларнинг ичида етакчи қабила қиноклар бўлган.

Ўғуз қабила иттифоқи илк ўрта асрларда юз берган мураккаб этник жараёнда шаклланган. Унинг таркибига Сирдарё ва Орол денгизига туташ чўлларда қадимдан яшаб келган сак-массагет, қанғар этносларининг кейинги авлодлари (қангли, печенег), Сибирдан ва Хитойнинг шимоли-шарқий минтақаларидан силжиб келган этник гуруҳлар (абдал, қай, сариқ, баёт, мукри ва бошқалар) ҳам кирган. Ўғузлар таркибидаги байандур этноними аслида Иртиш ва Урол тоғ олди минтақаларида (IX—XI асрларда) жойлашган кимақлар таркибига кирган⁶. IX аср (балки олдинроқ) бошларида буларнинг бир қисми кимақлардан ажралиб ўғуз қабила иттифоқига қўшилган бўлиши керак.

¹ Ўғузлар ва улар ҳақидаги тарихий ва жўғрофий асарлар ҳақида батафсил маълумот олиш учун қараг: *Агаджанов С. Г.* Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв. Ашхабад, 1989.

² Уша асар, 75-бет.

³ *Абу Райхон Беруни.* Геодезия. Избранные произведения, Т. III, с. 95, 212. Канон Масуда. Избранные произведения. Т. У. 1973, с. 470.

⁴ *Маҳмуд Қошғарий.* Курсатилган асар, 89—90-бетлар.

⁵ *Рашид ад-дин.* Сборник летописей. Т. I. Книга первая, М.-Д. Кононов А. Н. Родословная туркмен. Сочинение. Абулгази хана Хивинского, М.-Л, 1958, с. 53—54.

⁶ *Кумекоев Б. Е.* Государство кимаков. IX—XI вв, по арабским источникам. Алма-Ата, 1972, с. 44.

Шундай қилиб ўғузлар VIII—IX асрларда Сирдарё ва Орол денгизи яқинидаги минтақаларда йирик қабила иттифоқини ташкил қилган эдилар. IX аср охирида бу қабила иттифоқи асосида ўғуз давлати ва ўз тилига, этник номига, иқтисодий ва маданий тараққиётига эга бўлган элат — ўғуз элати вужудга келади. Ўғуз ябгуларининг қароргоҳи Янгикент шаҳрида бўлган.

IX—X асрларда Еттисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, Фарғона воҳасининг шимолий минтақаларида қарлуқлар ҳукмронлик қилган¹. Шу асрлар давомида Қарлуқ ва Мовароуннаҳр ҳудудида яшовчи туркий халқларнинг ўзаро яқинлашиб бориши натижасида уларда иқтисодий, маданий умумийлик, тил бирлиги ва бир қанча бошқа этник кўрсаткичлар ҳосил бўлиб, ўзбек халқининг ажлодлари алоҳида элат бўлиб шаклланди. Бу элатнинг шаклланишида аввало Мовароуннаҳрда ҳамда Еттисувда яшовчи туркий аҳолининг ҳиссаси бениҳоят катта бўлган. Сомонийлар давлати таркибида ўзбек, тожик ажлодлари ва бошқа этник гуруҳлар ҳам яшаганлар. Шунинг учун баъзи тарихий адабиётларда Сомонийлар давлатининг фақат тожик давлати деб қаралиши тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ўзбек ажлодларининг элат бўлиб шаклланишида қарлуқ ва улардан ажралиб чиққан халач, чигил қабилалари фаол қатнашганлар. Ўзбек элатининг таркибида абдал, яғмо, аргу, тухси, туркеш, аз, уз, кейинчалик қипчоқ ва бошқа этник гуруҳлар ҳам иштирок этганлар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Қарлуқ давлати таркибидаги баъзи этник гуруҳлар IX—X асрлар давомида ажралиб, бошқа ҳудудларга бориб ўрнашганлар. Уларнинг баъзилари бошқа туркий этнослар таркибига ҳам кирганлар.

IX—X асрларда Орол денгизи яқинидаги чўлларда қарлуқларнинг бир гуруҳи яшаганлиги ҳақида Масъуди ўз асарида таъкидлаб ўтган. Маҳмуд Қошғарий Масъуди «Қарлуқ туркманлари» деб эслатган² ўғузлар таркибидаги қарлуқларни эътиборга олган бўлса керак. Туркманлар ўша асрларда ўғузлар ичидаги йирик этник компонентлардан бири бўлган. Бошқа бир ерда Маҳмуд Қошғарий «Қарлуқлар туркманларнинг бир

¹ Қарлуқлар ҳақида батафсил маълумот олиш учун қarang: Шониязов К. Ш. Узбеки-карлуки. 1964.

² *Ал-Масъудий*. «Китоб ат-танбир на-л ишраф». Қarang: Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. I М-Л. 1939, с. 166.

гуруҳи. Улар кўчманчи бўлиб, ўғузлардан бошқа, улар ҳам туркманлар», — деб ёзган эди¹. Олимнинг бу айтганлари, қарлуқларнинг аслида ўғузлардан бошқа халқ бўлганлиги, уларнинг бир қисми туркманларга қўшилиб кетганлигидан далолат беради. Туркманлар таркибига кириб қолган қарлуқлар XX аср бошларига қадар ўз этник номларини сақлаб қолганлар.²

Қарлуқ давлати ичидаги айрим этник гуруҳлар (қарлуқ, чигил, уз, абдал, қанғли ва бошқалар) силжиб Кичик Осиё ҳудудларига бориб, кейинчалик усмонли туркларнинг таркибига кириб, уларга қоришиб кетган. Бу этносларнинг Туркия заминида бўлганлигидан ҳозиргача сақланиб қолган этнопонимлар далолат беради³.

Шарқий Туркистоннинг катта қисмида IX—X асрларда уйғурлар яшаган. 840 йили Мўғулистон ҳудудидаги Уйғур хоқонлиги Енисей қирғизларининг зарбаси билан инқирозга учраган эди. Шундан кейин уйғурларнинг бир қисми Гансу вилоятига бориб ўрнашадилар ва бу ерда 847 йилда Ганжау номи билан аталган мустақил давлат вужудга келади. Бу давлат фуқаролари асосан уйғурлардан иборат бўлган. Уйғурларнинг иккинчи қисми ўша йиллари (847—850 йиллари) Турфан воҳасига келиб ўрнашиб, Турфан давлатини ташкил этадилар⁴.

Уйғурларнинг айрим гуруҳлари Ганжау ва Турфан давлатидан ташқари Дунхуан, Гаучжау, Сичжау, Корашар, Бешбалиқ, Куча ва Шарқий Туркистоннинг бошқа бир қанча вилоятларида ҳам яшаганлар. Уйғурлар билан бирга Мўнғулия ҳудудида яшаб қолган айрим қарлуқ, басмил ва бошқа этник гуруҳлар ҳам келиб Шарқий Туркистон минтақаларида ўрнашиб қолган⁵.

Шарқий Туркистонда уйғурлар келмасдан олдин хун, усун ҳамда сак, тохар, сўгдаклар (сўғдиёналиклар) ва бошқа этносларнинг қолдиқлари ҳам яшаган. Асрлар давомида бу этник гуруҳлар уйғурлар ва бошқа туркий халқлар таъсирида туркий тилга батамом ўтиб

¹ Маҳмуд Қашғарий. Кўрсатилган асар, 432-бет.

² Джикиев А. Очерки происхождения туркменского народа в эпоху Средневековья. Ашхабад, с. 298—299.

³ Еремеев Д. Е. Этногенез турук, 1971, с. 94—95.

⁴ Малавкин А. Г. Уйгурское государство IX—X вв. Новосибирск, 1983, с. 171, 195.

⁵ Уйғурлар билан бирга келган қарлуқларнинг бир қисми Хами шаҳрининг шимолидаги тоғ минтақаларида жойлашади. Қаранг: Малавкин. Кўрсатилган асар, 204-бет.

туркий халқларга аралашиб кетган эдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, агар Еттисувда ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида IX—X асрлар давомида қарлуқ ва чигил қабилалари етакчилик қилиб келган бўлса, Шарқий Туркистоннинг катта қисмида (Турфан водийси, Ганжоу ва бошқалар.) уйғурлар етакчилик қилиб келганлар. IX—X асрлар давомида бу минтақаларда яшовчи бошқа туркий тилли этник гуруҳлар уйғурлар атрофида жипслашиб уйғур элатининг шаклланишида фаол қатнашадилар.

Тарих фанида, собиқ СССР даврида чоп этилган айрим тарихий асарларда (шахсан ўрта мактаблар ва юқори илмгоҳлар учун ёзилган тарихий китобларда) кўчманчи ва ярим ўтроқликда яшовчи халқларнинг маданияти турғун аҳолига нисбатан паст деган фикр ҳукмронлик қилиб келар эди. Сўзсиз, бу нотўғри, ғайриилмий фикр. Маданиятсиз халқ бўлмаган. Ҳар бир халқ ўз тараққий даражасида маданиятли ҳисобланади. Буни IX—X асрлар давомида Ўрта Осиё минтақаларида яшаган кўчманчи туркий халқлар мисолида аниқ исботлаб бериш мумкин.

Сирдарё, Еттисув ва Шарқий Туркистон минтақаларида яшаган кўчманчи қабилалар тўғрисида тарихий ва археологик асарларда кенг ёритилган¹. Шунинг учун ҳам бу масалани мазкур мақолада кенг ёритишни ўз олдимишга вазифа қилиб қўймадик, фақат айрим масалаларга қисқача тўхтаб ўтмоқчимиз.

Авалло уқдириб ўтиш жоизки, IX—X асрларда Сирдарё ҳавзасида, Еттисувда ва Шарқий Туркистонда яшовчи кўчманчи аҳолининг аксарий кўпчилиги ярим ўтроқликка ва турғунликка ўтиб бўлган эдилар. Ярим ўтроқликка ўтган этник гуруҳлар воҳаларда ва тоғ олди минтақаларида жойлашиб, буларнинг хўжалигида чорвачилик билан бир вақтда зироатчилик ҳам муҳим ўрин олган. Турғунликка ўтган аҳоли шаҳар ва қишлоқларда яшаб асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик, айримлари эса тижорат билан ҳам кун кечирган. Мисол тариқасида қарлуқ қабила иттифоқини олайлик.

¹ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркистана. Соч. Т. П. Часть I. М. 1963. с 169—433; Бернштам А. Н. Основные этапы истории культуры Семиречья и Тянь-Шаня // Советская Археология, 1949, Труды Семиреченской археологической экспедиции «Чуйская долина». Составил под руководством А. Н. Бернштама // Материалы и исследования по археологии СССР (МИА № 14) М.-Л., 1950; Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая (МИА № 26). М.-Л., 1952.

Ўтмишда булар кўчманчи чорвадорлар бўлганлар. Ет-тисув, Шарқий Туркистон ҳудудларига келиб (776 йил) ўрнашгандан кейин улар турғунликка ўтабошлайдилар. «Ҳудуд ал-олам» қўлёзмасида қайд этилишича, IX—X асрларда «Қарлуқлар кўп сонли, нуфузли халқ бўлиб, уларнинг бир қисми чорвачилик, бир қисми эса ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар»¹. Қарлуқлар яшайдиган ҳудудда 20 дан ошиқ шаҳарлар бўлган². Бу шаҳарларнинг кўпчилиги Турк хоқонлиги даврида (VI—VIII асрлар) бунёд этилган албатта. Археологларнинг таъкидлашича, қарлуқлар даврида (IX—X асрлар) бу шаҳарларда янги иморатлар қурилиб, бирмунча кенгайтирилган, шаҳар меъморчилик ишларига катта аҳамият берилган.

Қарлуқлар даврида Чу ва Оқсу дарё ҳавзаларида бир қанча янги шаҳарлар (жумладан, Сариг, Кимироу, Турак, Оқтерак ва бошқалар) ва қўрғонлар бунёд этилган. Сирдарё соҳилларида ҳам шу даврларда янги шаҳарлар пайдо бўлган. Демак, IX—X асрларда қарлуқлар даврида шаҳар қурилиши ва меъморчиликка катта аҳамият берилган.

IX—X асрларда Сирдарё ҳавзасида Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг шаҳар ва йирик қишлоқларида ҳунармандчиликнинг барча соҳалари (темирчилик, кулчилик, ганжкорлик, ўймакорлик, нақш солиш ва бошқалар) кенг ривожланган, тасвирий санъатга ҳам эътибор катта бўлган. Ҳунармандчиликнинг барча турлари мавжудлиги археологларнинг илмий асарларида батафсил ёритилган.

Кўчманчи қабилалар асосан воҳа атрофларида, чўл жойларда яшасалар ҳам туркий аҳоли билан доим иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Улар турғун аҳолини чорва моллари ва хом ашё (жун, тери ва бошқалар) билан таъминлаб турганлар. Турғун аҳоли эса кўчманчиларга зироат маҳсулотлари, мато ва ҳунармандчилик товарларини етказиб берганлар. Ўзаро товар алмаштириш кўпинча бозор орқали бўлган. Бозор товар алмаштириш жойи бўлиши билан бир вақтда (турғун, кўчманчи, ярим турғун) аҳолининг иқтисодий ва маданий алоқа ўрнатиш жойи ҳам эди.

VIII—IX асрлар давомида Хоразм ва Мовароуннаҳр ўлкасида ислом дини доимий ўрнашиб қолган эди. Бу

¹ Ҳудуд ал-олам, 17-варақ.

² Уша жойда.

худудларда ислом динига эътиқод кучайиб кўплаб ма-
чит ва мадрасалар қурилади, дин пешволари кўпайиб
Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари Ўрта Осиё-
нинг йирик мусулмон дини марказларига айланади.

Ислом дини кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли
орасида ҳам кенг тарқалган. Мовароуннаҳр ва Хоразм
ўлкаларида, уларнинг атрофларида яшовчи чорвадор
қабилалар турғун аҳоли билан деярли бир вақтда му-
сулмон динига ўтган эдилар. Сирдарё соҳилларида ва
ундан шимолда ва шимоли-шарқий минтақаларда
яшовчи кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли эса IX—X аср-
лар давомида ислом динини қабул қилдилар.

Тарихдан маълумки, Сирдарё ва Орол денгизига ту-
таш ҳудудларда, Еттисув ва Шарқий Туркистонда
яшовчи кўчманчи аҳоли орасида шаманлик, мани-
хейлик, христиан (несторианлик мазҳаби) ва бошқа
диний ақидалар мавжуд эди. Бу диний эътиқодлардан
мусулмон динига ўтиш улар учун осон бўлмаган албат-
та. Лекин шунга қарамасдан ислом дини IX аср даво-
мида юқорида эслатилган ҳудудларга кенг тарқала бор-
ган. Тарихчи Ибн ал-Асирнинг маълумотига қараган-
да, 960 йили Сирдарё соҳилларида Исфижоб, Тароз
вилоятларида яшовчи 200 минг уй туркийлар мусулмон
динига ўтган¹.

IX—X асрларда ислом дини Талас дарёсининг ши-
молидаги ҳудудларга, Чу водийсига ҳам кириб борган.
X асрнинг иккинчи ярмида Чу ҳавзасидаги қарлуқ ша-
ҳарлари Марки ва Кулонда мачит мавжуд бўлган.

Ислом динининг Ўрта Осиёда тарқалиб доимий ўр-
нашиб қолиши илм-фаннинг бу ҳудудларда ривожла-
ниб кетишига йўл очиб берди. Бир аср давомига (IX
аср) Мовароуннаҳр ва Хоразм фан оламига йирик
олимларни — Аҳмад Фарғонийни (тахминан 797—865)
ва Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмийни (783—850)
берди. Мовароуннаҳр ва Хоразмда тараққий этган
илм-фан X—XI асрларга келиб Абу Райҳон Берунийни
(979—1048), Абу Али ибн Сино (980—1037) ва шулар
қаторидаги бошқа номдор олимларни етиштирди.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда ривож топган илм-фан
Сирдарё соҳилларида, Талас ва Чу водийларида яшов-
чи туркий халқларга таъсир қилмасдан қолмаган². Бу

¹ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. Т. 1. СПб, 1898, с. 145.

² МИА, № 14, 90—91-бетлар; Кожемаков П. Н. Раннесредневековые горо-
да и население Чуйской долины Фрунзе. 1959, 107—111-бетлар.

худудларда ҳам илмга интилувчан кишилар оз бўлмаган. Улар орасидан йирик файласуф Абу Наср Форобий (873—950) ва тилшунос олим Исҳоқ ал-Форобий етишиб чиққан. Боласагун ва Қошғар шаҳарларида ҳам илмий муҳит вужудга келиб фозиллар етишиб чиққан. Шулардан XI асрда яшаб ном чиқарган олим ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб тилшунос олим Маҳмуд Қошгарийни тилга олишнинг ўзи кифоя.

Номлари эслатилган олимлар илк ўрта асрларда нафақат ўз юртларининг фанига, балки дунё фанига ва маданиятига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

Қарлуқлар ва ўғузлар худудида, Мовароуннаҳр чўлларида ва тоғолди районларида яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилаларда халқ оғзаки ижоди катта ўрин олган. Булар урф-одатларини, турмуш тарзидаги мавжуд барча анъаналарни оғзаки ижодлари орқали авлоддан-авлодга ўтказиб, мерос қолдириб келганлар, йирик дostonлар яратганлар.

«Бобо Қўрқут» дostonи VII—VIII асрларда хазарларда мавжуд бўлганлигини тарихчи олима Емел Есен қайд қилган эди¹. Мазкур дoston Сирдарё, Орол денгизига туташ чўлларда яшовчи ўғузларда ва Еттисувда жойлашган қарлуқларда ҳам VII—IX асрларда мавжуд бўлган албатта. Дoston саҳифаларида эслатилган йирик этник уюшмалар: ўғуз, қарлуқ, қанғли, қипчоқ ва бошқа атамалар фикримизнинг далили бўла олади. Шу фикрга асосланиб, айтиш мумкинки, «Бобо Қўрқут» дostonи Ўрта Осиё минтақаларида халқлар орасида пайдо бўлиб, бу ерлардан Волга бўйларига VII асрда кўчиб ўтган дулу қабиласи билан бориб қолгандир. Маълумки, улар ўзларини Ашина авлодларидан ҳисоблаб, Хазар хоқонлигини бошқарган эдилар.

Айрим олимларнинг фикрича, «Ўғузнома» дostonи IX—X асрларда пайдо бўлган. Бу дoston ҳам шу асрларда Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқларда мавжуд оғзаки ижодиётнинг ёрқин намунаси.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, IX—X асрларда Ўрта Осиё минтақаларида яшовчи туркий халқларнинг этник, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берган бўлиб, уларда давлат (қарлуқ, ўғуз, уйғур) ва элатлар ҳамда йирик қабилалар уюшмалари

¹ Емел Есен. Кўрсатилган асар, 159-бет.

(қанғли, қипчоқ ва бошқалар) ташкил топган. Шу асрлар давомида кўчманчи қабилаларнинг катта қисми ўтроқликка ва ярим ўтроқликка ўтади, буларнинг маънавиятида ҳам ўзгаришлар юз беради. Исломи дини қабул қилинади, илм-фан шайдолари, маърифатли кишилари пайдо бўлади. Худудларда янги шаҳарлар, қишлоқ ва кўрғонлар вужудга келади, хунармандчиликнинг ҳам барча соҳалари буларнинг ҳаётида қатъий ўрнашиб қолади. Қисқа қилиб айтганда, кўчманчи ва ярим кўчманчиликда яшовчи аҳолининг маданий даражаси, исломгача бўлган даврга нисбатан, анча тараққий этган эди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, IX—X асрларда юз берган тарихий ўзгаришлар Ўрта Осиё халқларининг кейинги асрларда рўй берган сиёсий, этник ва маданий ўзгаришларига ҳам замин тайёрлаган.

Э. КАРИМОВ

АХМАД ЙАСАВИ И РАННЯЯ СУФИЙСКАЯ ТРАДИЦИЯ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Обращение к ранней суфийской традиции Средней Азии поднимает ряд проблем, непосредственно затрагивающих основы формирования суфийских учений, а в дальнейшем — и суфийских братств.

В этой связи особую актуальность представляет личность Ахмада Йасави (ум. в 562/1166 г.), с именем и учением которого связан целый этап исторического развития исламской традиции Средней Азии¹. Необходимость прямого обращения к Йасави и всему тому, что с ним связано, определяется сутью самого суфизма: суфийская традиция сосредоточена вокруг личности наставника (*шайх, пир, муршид*).

Согласно этому учению шайх является символом невидимо-беспредельного полюса (*кутб*), на котором держится мир. В основе этой концепции лежит требование постепенного растворения в личности своего

¹ Автор выражает благодарность профессору Индианского университета (Блумингтон, США) Девину Де Визу за предоставленные исследовательские материалы и консультации, которые были положены в основу настоящей статьи.

пира, чтобы через духовную трансформацию в своего шайха ученик (мурид) был представлен Пророку¹. Наставник поэтапно обучает неопита суфийской символике, контролирует его успехи и постепенно усложняет задания. Такое же руководство осуществляется и по зикру². Считалось, что, практикуясь в зикре, в молитвах верующий приближается к восприятию того, чему нельзя научить, — к интуитивному, духовному постижению Истины. Поэтому так важны были самые различные аспекты суфийского обучения, поэтому так длительны и многосложны этапы обучения неопита.

Существовала опасность, особенно на начальных этапах утверждения суфизма, обвинения учителей «пути» мистического познания в ереси. Хотя следует отметить, что в исламе не установлены абсолютные и общепризнанные критерии в определении «правоверия» и «ереси»³. Вот почему для суфизма было так важно отстоять свою «правоверность». Основатели первоначальных суфийских организационных структур (таифа)⁴ очень заботились о том, чтобы доказать свою приверженность исламу. Как правило, для этого существовал испытанный способ — нужно было заручиться достоверным иснадом, то есть передачей пророческих и мистических преданий, цепью передатчиков, устанавливающих подлинность преданий.

По этой причине для шайхов было так важно продемонстрировать свою приверженность авторитету какого-нибудь широко известного в исламе лица. После этого в своей просветительской и религиозной практике они могли опираться на санад⁵ своего учителя и всех предыдущих в генеалогической цепи шайхов

¹ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе // Перевод с англ. А. А. Ставиской, под редакцией и с предисл. О. Ф. Акимускина. Москва: Наука. Глав. ред. вост. лит-ры, 1989. С. 137.

² Зикр (мн. ч. *азжар*; упоминание, память) — поминание как прославление имени Бога. Ранние суфийские авторитеты особо выделяли зикр, считая его столпом, на котором зиждется весь мистический Путь. Считалось, что постоянное отправление зикра приводило суфия в состояние приближения к Богу и погруженности (истиграк) в него. Зикр — особый способ поминания имени Бога, сопутствующий метод психологического воздействия на мурида с целью подготовки к постижению божественной сущности.

³ *Аш-Шахрастанани, Мухаммад ибн Абд ая-Карим*. Книга о религиях и сектах. Часть I: Ислам // Перевод с арабского, введение и комментарий С. М. Прозорова. Москва, 1984. С. 11.

⁴ *Таифа* (мн. ч. *тавайф*; часть, доля) — здесь: сообщество, группа, организация. Терминологически употребляется как синоним суфийского братства.

⁵ *Санад* (мн. ч. *аснад*; авторитет, опора) — здесь терминологически: звенья генеалогической цепи.

вплоть до одного из первых четырех халифов. Это и была цепь передачи преемственной власти, именуемая силсила¹.

Исходя из теоретической и практической важности поднятых выше проблем, необходимо обратиться к вопросу об учителях-наставниках Ходжа Ахмада Йасави. Важность обращения к личности человека, с чьим именем связывают образование суфийского пути йасавийа, уже обоснована выше. Кроме этого, немаловажным фактором является и то, что Ахмад Йасави был и продолжает оставаться на сегодняшний день одной из популярнейших фигур истории Средней Азии.

Обычное представление о духовном ученичестве и духовных руководителях Ахмада Йасави, которое дается в справочной и исследовательской литературе, большей частью является цитированием материалов известного средневекового трактата Али ас-Сафи «Рашахат айн ал-хайат», из которого следует:

Ходжа Ахмад Йасави — третий халифа² Ходжа Йусуфа (имеется в виду Хамадани). Тюрки называют его Ата Йасави, что значит «отец тюрков». Родина имама — известный туркестанский город Йаса. Там же находится и могила имама. В детстве он был под присмотром Баб Арслана, который, как отмечено в манускрипте, является одним из древнейших тюркских шайхов. После смерти Баб Арслана имам отправляется в Бухару и идет на службу к Ходжа Йусуфу. Через некоторое время он возвращается в Туркестан, оставив всех своих сподвижников (асхаб) хазрату Абд ал-Халику Гидждувани, сам же устремляет свое внимание к городу Йаса.

Далее в «Рашахат» перечисляются преемники Ахмада Йасави: Мансур Ата — Абд ал-Малик Ходжа — Саид Ата — Суфи Мухаммад Данишманд Ата — Хаким Ата — Зенги Ата — Узун Хасан Ата — Саид Ата — Исмаил Ата — Исхак Ата — Садр Ата — Алмумин Баба — Шайх-Али-шайх — Мавлуд Шайх — Камал Шайх — Хадим шайх³.

¹ Под термином *силсила* (цепь, ряд) понимают обычно два значения: в узком смысле — это цепь инициации, посвящения и приобщения к божественной благодати; в широком смысле — суфийское братство.

² *Халифа* (мн. ч. *хулафа*; заместитель) — в суфизме звание прямого преемника, основателя суфийского братства или руководителя ветви.

³ *Ас-Сафи, Фахр ад-Дин Али ас-Кашифи*. Рашахат айн ал-хайат. Литография. Лакноу, 1905. С. 8—18.

Приблизительно такая же информация содержится в большинстве агиографических источников позднейшего времени. Данные «Рашахат» фактически представляют собой ранние сведения, затрагивающие традицию йасавийа. Но тем не менее эти сведения — скорее предание. Здесь можно использовать формулировку даже еще категоричнее — не более, чем предание. Причем, это предание, распространенное не столько ранней традицией последователей йасавийа, сколько их соперниками и конкурентами из кругов ходжаган-накшбандийа.

Вообще агиографические источники полны историй, представляющих собой комбинирование и согласование ряда традиций, которые, по всей вероятности, имели оригинальное и независимое происхождение. Примеров тому можно обнаружить достаточно много. Так, в «Рашахат» ученичество Ахмада Йасави у Йўсуфа Хамадани предваряется его обучением в юные годы у Арслан Баба¹. Этот же факт — ученичество Ахмада Йасави у Йусуфа Хамадани — подтверждает в своем труде «Насаим ал-мухаббат»² и Алишер Навои. Но разница этих двух биографических версий в том, что Арслан Баб в варианте Алишера Навои не фигурирует.

Напрашивается вывод, что история об Арслан Бабе появилась самостоятельно, на независимой основе, и была перенесена на другую традицию автором «Рашахат». В подтверждение «искусственности» такого переноса можно отметить то, что Али ас-Сафи упускает наиболее характерные черты истории об Арслан Бабе и его взаимоотношениях с Ахмадом Йасави, которые фигурируют в других средневековых рукописных источниках.

Говоря о духовных воспитателях и учителях Ахмада Йасави, следует обратиться к малоизвестному трактату «Талим аз-закирин», автор которого, рассуждая в защиту громкого зикра Ахмада Йасави, спрашивает, как может кто-то отвергать кого-либо, кто обучался у двух совершенных наставников (таких, как Сухраварди и Хамадани) и одного пророка (Хизр). Согласно «Талим

¹ В написании этого имени в рукописях имеются разночтения. Существует несколько традиций написания данного имени: Арслан Баба, Баб Арслан, Арслан Баба. Для простоты восприятия в дальнейшем воспользуемся лишь одним вариантом — Арслан Баб.

² «Насаим ал-мухаббат мин шаманим ал-футуват». Рук. ИВ АН РУз. Инв. № 5420. 293 лл.

аз-закирин», Ахмад Йасави имел трех пиров — для ирадат (духовной приверженности), халват (духовного уединения) и тарбийат (духовного обучения). Его пир-и ирадат был Ходжа Абу Йусуф, пир-и халват — Шихаб ад-Дин Сухраварди, пир-и тарбийат — Хизр¹.

При изучении трактата обращают на себя внимание следующие интересные моменты. Автор «Талим аз-закирин» не упоминает Арслан Баба. Более того, в этом трактате не прослеживается влияние «Рашахат» на описание духовной биографии Ахмада Йасави. Это делает данный средневековый источник весьма ценным. Можно сделать вывод о происхождении вышеуказанных сведений «Талим аз-закирин» непосредственно от йасавийской традиции.

Тут же следует отметить еще одну немаловажную деталь. Трактат «Талим аз-закирин» представляет собой один из наиболее ранних источников, дающих сведения о связях Ахмада Йасави с Шихаб ад-Дином Сухраварди.

Данный факт представляет особый интерес, учитывая важность в истории суфизма упомянутой личности. Как известно, Шихаб ад-Дин Абу Хафс Умар ас-Сухраварди (1145—1234—35) считался основателем братства ас-сухравардийя как самостоятельного пути мистической философии и духовно-религиозной практики (тарики). Согласно существующей по этому поводу традиции, Шихаб ад-Дин Сухраварди действовал под влиянием своего дяди Абу-н-Наджиба ас-Сухраварди (1097—1168) — ученика Абу-л-Футуха Ахмада б. Мухаммада ал-Газали (ум. в 1126). О последнем можно сообщить, что он был младшим братом знаменитейшего теолога-этика Абу Хамида ал-Газали (ум. в 1111), прошел полный курс ученичества, после чего полностью посвятил себя мистическому «пути». Отрешившись от всякой активной деятельности в миру, он не связал себя с определенной ханакой, а стал странствующим проповедником.

Вместе с тем Абу-л-Футух Ахмад ал-Газали является главной фигурой в тарики, где он и его знаменитый учитель Абу Али ал-Фармази (Фармади) ат-Туси (ум. в

¹ «Талим аз-закирин». Рук. Ленинградского отделения ИВ АН СССР, ныне Санкт-Петербургского филиала Института востоковедения Российской Академии Наук (в дальнейшем как в каталогах — ЛО ИВ). Инв. № С 1563. Лл. 886, 1136.

1084) объединили практику нескольких суфийских течений.

Дж. С. Тримингэм представляет духовную генеалогию этого тарика следующим образом:



Данная схема специально приведена полностью¹, учитывая то, что указанные в ней имена составляют часть ранней йасавийской традиции.

Более поздние суфийские источники вынуждены были считаться с полным кругом сообщений о духовном ученичестве и преемственности Ахмада Йасави. Одним из наиболее блестящих и искусно скомпилированных источников в этой связи можно назвать «Ламахат мин нафахат ал-кудс».

Этот трактат, несмотря на искусственность и компилятивность, по своему влиянию и значению является одним из очень важных источников изучения среднеазиатского суфизма. Сведения «Ламахат» представляют целостную картину о наставниках Ахмада Йасави, хотя и несколько отличную от более ранних источников.

Немаловажным моментом версии «Ламахат» является утверждение о связи силсила Йасави с Сухраварди. В данном трактате, так же, как и в «Талим аз-закирин», упоминаются три указанных ранее наставника Ахмада Йасави. Сюда же добавляется Арслан Баб из «Рашахат». Но между этими версиями существует немаловажное отличие, кстати, подчеркивающее достоинство и значение как важного рукописного исторического и агиографического источника «Талим аз-

¹ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. С. 38.

закирин». Специфическая терминология последнего, используемая для различения трех наставников Ахмада Йасави, в версии «Ламахат» исчезает, зато добавляются цитаты из других источников.

На страницах «Ламахат» представлена традиция духовного обучения Ахмада Йасави под руководством четырех наставников. Делается это без комментариев и учета хронологической последовательности. Автор трактата просто допускает, что все фигуры могут быть хорошо знакомы.

Так, в рукописи отмечается, что Суфи Данишманд в «Манакиб хазрата» (имеется в виду хазрат Ахмад Йасави) сообщает, что «наставником (уstad) хазрата [Йасави] был Хизр¹, его пиром был Ходжа Йусуф [Хамадани], который хорошо представлен в знаменитых книгах². Далее автор «Ламахат» сообщает, что в «Манакиб» [Ахмада Йасави], автором которого является Суфи Данишманд, говорится следующее: Ахмад Йасави имел ирадат с шайхом Шихаб ад-Дином ас-Сухраварди».

Вслед за этим автор «Ламахат» пишет, что «написавший «Нихайах» имам Сигнаки в некоторых из своих рисала, где он записывал высказывания (манкабат) [Ахмада Йасави], указывал, что после своего ирадата с шайхом Шихаб ад-Дином Сухраварди [Ахмад Йасави] отправился поступить в сулук³ на манер простых людей и охотился на животных. Также имам Сигнаки отметил, что «у ишана [Ахмад Йасави] имелось три тысячи животных (жанвар); и как сообщается в том же рисала, якобы, двенадцать тысяч принцев (падшах-заде) достигли степени святости, служа ему и общаясь с ним»⁴.

Далее сведения «Ламахат» перекликаются с данными «Рашахат»: после обучения у Арслан Баба Йасави, по указанию учителя, отправляется к ходже Йусуфу Хамадани, став его третьим халифа. Затем в тексте рукописи приводится изложение силсила ходжа Йусуфа Хамадани в следующей последовательности: хазрат Йусуф Хамадани — шайх Абу Али Фармади — Абу-л-Касым Гургани — шайх Абу-л-Хасан Харакани —

¹ «Ламахат мин нафахат ал-кудс». Рук. ЛО ИВ. Инв. № С 1602/1. Л. 126. (В дальнейшем — «Ламахат»).

² «Ламахат», л. 13 б.

³ Процесс прохождения мистического «Пути».

⁴ «Ламахат». Л. 13 б.

шайх Абу Йазид Бистами — имам Джафар ас-Садык — шайх Абу Талиб Макки¹.

Потом излагаются сведения, которые имеют важное значение сами по себе, а также могут быть оценены как серьезный вклад автора «Ламахат» в освещение поднимаемых проблем. Это — утверждение о связи Ахмада Йасави с силсила Сухраварди. После изложения генеалогии Хамадани автор «Ламахат» дает силсила Сухраварди: Шихаб ад-Дин — Абу-н-Наджиб ал-Кахир ас-Сухраварди — Ахмад Газали — Абу Бакр Нассади — Абу-л-Касим Гургани². Как уже явствовало из предыдущего текста, ученик-последователь Абу-л-Касима Гургани — Абу Али Фармади был учителем Хамадани. Таким образом, две генеалогические линии слились в одной точке.

Принимая во внимание упомянутую выше месопотамскую суфийскую традицию, где вокруг фигуры Ахмада ал-Газали и его учителя Абу Фармади объединена практика нескольких течений, можно предположить, что средневековые среднеазиатские авторы пытались подчеркнуть происхождение местной суфийской традиции (в данном случае йасавийской) от багдадской (месопотамской) школы. Или, иными словами, старались подчеркнуть традиционное исламское происхождение практики суфийского «пути» знаменитых среднеазиатских шайхов.

Далее автор «Ламахат» переходит к изложению некоторых чудес, сотворенных Йасави и наконец обращается к обширному отрывку из «Манакиб» Ахмада Йасави, приписываемого Суфи Данишманду.

Следующий трактат, который может быть использован как источник по истории жизни и деятельности Ахмада Йасави, был написан через полвека после «Ламахат». Это — «Худжат аз-закирин». В данном труде его автор поначалу повторяет сведения «Ламахат», но когда сообщения о Йасави доходят до силсила Сухраварди, начинаются расхождения с данными предыдущих источников.

Автор «Худжат аз-закирин» добавляет несколько рассказов-легенд, цитируя их из трактата Имама Сигнаки. Например, сообщается, что Сигнаки написал в своем трактате о том, что Ахмад Йасави говорил: «Я

¹ «Ламахат». Л. 14 а-б.

² «Ламахат». Л. 14 б.

служил 170 пирам, получил обучение у них всех и стал восприимчивым к их благословенным высказываниям. Мой последний пир был шайх Шихаб ад-Дин Сухраварди». И далее в тексте: «Также написано в этом трактате, что он был учеником имама Фахр-и Рази в эзотерических науках, он научил его 83 наукам, и тонкости и подлинная сущность тех наук были открыты ему»¹.

Затем в «Худжат аз-закирин» следуют общие сведения о жизни Ахмада Йасави. Отмечается, что он будто бы прожил 120 лет, проведя 30 из них в обучении, и получил образование у Хизра.

Следует отметить, что существует несколько списков «Худжат аз-закирин» на арабском и персидском языках, хранящихся в Ташкенте. В этих рукописях часто цитируется трактат Сигнаки. Кроме того, арабский список дополнен тем, что Йасави общался с Хизром и Илийасом².

Персидские списки более объемны и информативны. Они также сообщают, что Ахмад Йасави, служа 170 пирам, принял «иджазат» от каждого и приступил к обучению в зикр-и джахр, сама³ и ракс, а дожил он до 130 или 120 лет. В эзотерических науках он был учеником имама Фахр-и Рази, овладел 73 науками, а также обучался у Хизра и провел, путешествуя, среди каландаров 40 лет. В данных списках трактата «Худжат аз-закирин» упоминается и то, что Ахмад Йасави был сотоварищем Абд ал-Халика Гидждувани и «обошел вокруг Кааба в Гидждуване» вместе с четырьмя другими «Совершенными Наставниками», чьи имена: Баба Мухаммад Хутани, по прозвищу «Баба Мачин», Хаким Ата, Суфи Данишманд Ата и Ходжа Дути⁴.

Имена людей, названных в рукописи, как сопровождавших Ахмада Йасави в его паломничестве в Гидждуван, хорошо известны. В тексте «Худжат аз-

¹ «Худжат аз-закирин». Рук. ЛО ИВ. Инв. № В 3787. Л. 151а-б.

² «Худжат аз-закирин». Рук. ИВ АН РУз. Инв. № 11759. Л. 1б.

³ Сама (мн. ч. самаат; слушание, распевание) — в суфизме: исполнение религиозных песнопений; радение с распеванием мистических стихов, которое может сопровождаться музыкой и танцами. С. представляет собой одну из сложнейших проблем теории и практики ислама, сопровождаемую вечным спором о законности или незаконности данного ритуала. С. практиковалась в братствах кубравийя и сухравардийя, а последователи накшбандийя отрицали этот обряд. В защиту С. выступали такие суфийские авторитеты, как ал-Худжвири и уже неоднократно упоминавшийся Ахмад ал-Газали.

⁴ «Худжат аз-закирин». Рук. ИВ АН РУз. Инв. №№ 3386; 11084.

закирин» они преподносятся и оцениваются как ученики Ахмада Йасави. Исключение составляет лишь последняя из упомянутых фигур (Ходжа Дуги), относительно которой в рукописи содержатся следующие сведения.

Однажды Ахмад Йасави готовил пищу и попросил Ходжу Дуги пойти в Гидждуван за кислым молоком (катик) для блюда. Суть данного рассказа в игре слов, поскольку нисба Ходжи Дуги выделилась из слова «дуг» — персидского эквивалента тюркского «катик». По рассказу, Ходжа Дуги отправляется по просьбе Йасави в путь, но еще до того, как он достиг Гидждувана, оказывается, что Ходжа Ариф Ривгари (халифа Ходжи Абд ал-Халика) уже послал катик для Йасави. Это выясняется при встрече Ходжа Арифа Ривгари и Ходжа Дуги, после чего первый отправляется домой, а второй вынужден объявить Абд ал-Халику Гидждувани: «Труд Ходжи Арифа совершенно превосходит мой».

Подобный «поучительный» рассказ мог появиться в условиях соперничества между Абд ал-Халиком Гидждувани и Ахмадом Йасави и их последователями. Сколько затаенной иронии скрыто в самом утверждении, что в доставке требуемого катика «гностики» (ариф) Ариф Ривгари оказался лучше Дуги!

Несколько сообщений, приводимых в трактате «Худжат аз-закирин», повторяют другие хорошо известные рассказы об Ахмаде Йасави. Но к концу персидского текста трактата появляются два особо важных описания. Одно, очень краткое, рассказ Ахмада Йасави о том, что однажды его пир шайх Шихаб ад-Дин Сухраварди вскричал: «Хай, хай, Пир-и Туркестан!» И в тот момент, когда Йасави откликнулся на это обращение, якобы все науки открылись ему.

При чтении трактата «Худжат аз-закирин» возникает ощущение, что вся эта история приводится исключительно с целью показать, что Сухраварди наделяет Ахмада Йасави званием «наставник [пир] Туркестана». Под этим подразумевается: тем самым Сухраварди санкционировал деятельность Йасави в этом регионе.

Другой, более полный, рассказ изображает Ахмада Йасави, который провозглашает, что он сам и вместе с ним Гидждувани, Ходжа Хасан Андаки и Абдаллах Бараки совершенствовались в служении автору «Мифтах

ул-улум» Ходжа Йусуфу Хамадани, который поконитя вблизи города Алмалыка. Согласно этому рассказу, речь идет о некоем Ходжа Йусуфе, обученном шайхом Зул Фази, бывшем «халифа» шайха Зул-Хайра.

Последние из перечисленных имен мало что значат. Интересно другое — в данном рассказе вообще не упоминаются имена, указываемые в традиционных силсила Йусуфа Хамадани. Появление такого расхождения, вероятно, заключается в том, что человек, представленный здесь как «шайх» Ахмада Йасави — не хорошо известный Йусуф Хамадани, умерший в 535/1140 г., популярный и возвеличенный в среднеазиатском суфизме, а другое лицо. В данном рассказе возникает интересная и примечательная контрверсия жизни Йусуфа Хамадани, традиционно изображаемого как шайх Абд ал-Халика Гидждувани и Ахмада Йасави.

Как видно, даже при всех противоречиях, имеющих, как правило, в различных источниках, Йусуфу Хамадани никогда не приписывалось авторство работы, озаглавленной «Мифтах ал-улум». Более того, о Йусуфе Хамадани ни в одном письменном памятнике не говорится, что он похоронен рядом с городом, носящим название Алмалык. Эти две биографические детали соответствуют жизни другого шайха Йусуфа, чья кунья, так же, как и у Йусуфа Хамадани, была «Абу Йакуб». В данном случае речь идет о Йусуфе Саккаки — хорошо известном ханафитском адвокате из Хорезма, действительном авторе «Мифтах ал-улум», который умер как мученик в 626/1228-29 г. в присутствии сына Чингисхана Чагатая в городе Алмалыке в долине Или¹.

Об Ахмаде Йасави имеются и другие сообщения. Например, спустя полтора века после появления «Худжат аз-закирин» другой средневековый автор — Мир Мусайаб Бухари — составляет свой отчет о духовном обучении Ахмада Йасави². Этот труд является наиболее компилятивным, в него включены все наиболее популярные сведения о жизни и предках Йасави с целью изложения полной биографической версии.

По сообщению Мир Мусайаба Бухари, Йасави был

¹ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Том I. С. 542—544.

² Мир Мусайаб Бухари. «Китаб-и макама-и машаих». Рук. ЛГУ. Инв. № 854. Лл. 44f б—442 б.

наделен знаками духовности почти что с раннего детства. Мир Мусайаб упоминает, что Арслан Баб видел его в эти ранние годы и провел с ним некоторое время. По словам автора, Йасави был также принят в это время Хизром, который относился к нему как к сыну и был им обучен голосовому зикру. Основные духовные навыки Йасави получил, практикуя в молодые годы этот метод. Мир Мусайаб затем упоминает о женитьбе Йасави в возрасте 20 лет и вслед за этим говорит, что Йасави после смерти Арслан Баба, исполняя волю последнего, отправляется в Бухару, где поступает в услужение к имаму Фахр-и Рази. Здесь он приступает к изучению эзотерических наук и продолжает воспринимать советы шайхов того времени.

Примерно в этот же период в Мавераннахр прибывает ходжа Йусуф Хамадани и по приказу Арслан Баба и Хизра Ахмад Йасави идет к Хамадани в Самарканд и получает от него статус посвященного (байат). Ходжа Йусуф Хамадани, согласно трактату, наказывает Йасави заняться тем, чему его научил Хизр. Мир Мусайаб утверждает, что «похвальный путь святого Ходжи и его шайхов, которым и является громкий зикр, полностью соотносится с тем, чему его учил Хизр». Йасави идет дальше по пути суфизма под руководством Хамадани и наконец получает от него разрешение наставлять учеников и покров преемничества (хилат-и хилафат)¹.

В отличие от других трактатов, в которых описывается успех Йасави после смерти Хамадани, Мир Мусайаб Бухари сообщает, что после того, как «Хамадани возвращается в Хорасан», Йасави служит его первым двум халифам — Бараки и Андаки. Здесь Мир Мусайаб опирается на более позднюю традицию, согласно которой Ахмад Йасави также служил многим другим шайхам.

Затем Мир Мусайаб возвращается к традиции Хамадани, замечая, что когда два первых халифа умерли, Ахмад Йасави занял их место в Бухаре. Далее автор сообщает, что Йасави провел большую часть времени в расположенном рядом с Бухарой Шафиркане. В этот момент ему поступает просьба вернуться в Йасу. Сначала Ахмад Йасави сопротивлялся этому, но потом, согласно сведениям Мир Мусайаба, Муса Ходжа, его отец Сулайман Ходжа и Хизр будто бы

¹ Мир Мусайаб Бухари. «Китаб-и макаमत-и машаих». Лл. 441 б—442 б.

предстают перед ним и убеждают, что он должен стать духовным наставником в Йасе и что Бог дарит ему срок жизни в 120 лет.

Таким образом, отчет Мир Мусайаба Бухари объединяет все суфийские версии по вопросу обучения Ахмада Йасави и делает из них внешне правдоподобную, но по сути совершенно искусственную биографию.

Следует отметить, что сведения о духовном обучении Ахмада Йасави стали стандартом в большинстве позднейших агиографических источников йасавийского и нейасавийского происхождения. Такие «стандартные» сведения, выделяющие роль Йусуфа Хамадани в обучении Ахмада Йасави, почти целиком основываются на данных «Рашахат», Если какие-то «альтернативные» истории игнорируют версию автора «Рашахат», то, по всей вероятности, это может служить сигналом, что они составлялись на основе материалов, имевших хождение по меньшей мере в конце XV века, а возможно, и в более ранний период.

Таким образом, если критически посмотреть на различные средневековые рукописные источники, то можно обнаружить существование нескольких традиций духовного обучения Ахмада Йасави. Или, иными словами, ряд версий религиозной, исламской легитимности Йасави.

Традиции духовного обучения Ахмада Йасави, во многом скомбинированные, увязанные и примиренные друг с другом со времени появления такого популярного средневекового трактата, как «Ламахат», отличаются большой оригинальностью. Некоторые из них сохранили независимость происхождения и, как можно было в этом убедиться, в отдельном виде дошли до начала XVI века. В основном эти традиции сходятся и базируются на четырех фигурах, которые, как считается, способствовали развитию Ахмада Йасави и направляли его на пути к Богу. Это Арслан Баб, пророк Хизр и два суфийских шайха — Сухраварди и Хамадани. Исследования показывают, что указанные фигуры крайне важны для процесса становления ранней суфийской традиции Средней Азии, а также исламской легитимизации жизни и деятельности Ахмада Йасави.

**ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ
МАЪЛУМОТЛАР (АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ
«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ» АСАРИ АСОСИДА)**

Ўзбек давлатчилигининг узоқ давр мобайнида ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш бугунги кунда тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Республиканинг кўплаб кўлэзма жамғармаларида бой ёзма маданият ёдгорликлари мавжуддир. Уларда Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган давлатчилик ва унинг хусусиятлари, давлат тузилиши, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ва уларнинг айнан ўзига хос сифатлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу масалалар юзасидан айрим маълумотлар ўрта асрларнинг баъзи муаллифлари (Зайниддин Восифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар) асарларида ҳам учрайди. Бу ўринда узоқ йиллар мобайнида Темурийлар давлатида катта амаллардан бирини эгаллаган буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг асарлари катта аҳамиятга эга. Бу борада унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари ўзгача қизиқишга сазовор бўлган китобдир (906 ҳ.ж. — 1500—1501 йй.). Шоир ҳаётининг сўнгги йилларида битилган бу асарда унинг олтмиш йиллик умри давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, одамларнинг характерлари ва саъй-ҳаракатлари ҳақида, мамлакатдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга имкон беради.

Асарда давлат бошқаруви ва унинг хусусиятлари, жамиятнинг турли вакиллари беклар ва ноиблар, садрлар ва шайхулисломлар, муфтийлар ва қорилар, аскарлар ва лашкарбошилар, соқчилар ва асирлар, мунажжимлар, деҳқонлар ва хунарамандлар, савдогарлар ва дўкандорлар, шаҳар камбағаллари, уларнинг турмушлари ўз аксини топгандир. Уларда Навоий ҳар бир касб эгаларига хос бўлган хислатларни очиб бериш билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий равнақи, шаҳар ва қишлоқларнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш учун улар қандай сифатларга эга бўлишларини кўрсатиб беради.

Таҳлил этилаётган асарда, 1469—1487 йилларда Хуросонда йирик давлат арбобларидан бири бўлган шоир ўзининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб тегишли хулосалар қилади. Асосан шу давр мобайнида у жамиятнинг турли табақалари — давлат хизматини ўтовчи зодагонлар, амалдорлар, руҳонийлар, умуман, темиррийлар жамияти иерархик поғоналарининг ҳар хил босқичларида турган турли гуруҳ вакиллариининг ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш имконига эга бўлди. Навоийга хос идрок, зийраклик ва тийран ақл унинг атрофидаги одамлар, уларнинг одатлари ва машғулотлари ҳақида мукаммал фикр юритишига имкон берди ва у айтиб ўтилган асарининг аввалги қисмини атрофидаги кишиларнинг одатлари ва ҳаракатларига бағишлайди. «Бу муқаддимотдин мақсуд буқим, — деб ёзади Навоий, — ҳар куй ва кўчада югурубмен, ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни етқурубмен, ва яхши-ямоннинг афъолин билибмен, ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен. Ҳайр ва шардин нуш ва ниш кўксумга етибдур. Ва лаим ва карим заҳм ва марҳамин кўнглум дарк этибдур ва замон аҳлидин баъзи асҳоб ва даврон ҳайлидин баъзи аҳбобки, бу ҳоллардин хабарсиз ва кўнгуллари бу ҳайр ва шардин асарсиздур»¹.

Асарнинг қирқ фаслида (уларни бугунги тушунча билан параграф деб аташ мумкин) Навоий султон, вазир ва улар атрофидаги амирларни жуда тўлақонли характерлаб беради. Муаллиф уларни одатда подшонинг ўзига ўхшаган бўлишларини таъкидлаб ўтади.

Муаллиф турли урушлар натижасида мамлакатни вайронага айлантирган ҳокимларни кўрган эди. Уларнинг баъзилари одамларнинг уйларини вайрона қилган, шароб сақлайдиган омборлар қуриш учун керакли гиштни топиш мақсадида мачитларни буздирган, кишиларнинг бегуноҳ қонларини тўккан ҳокимлар эди. Булардан Навоий қуйидагича хулосалар чиқаради: «Жамиятга маъқул бўлмаган ишлар учун йўл очилган мамлакатда қонунга риоя қилинмайди; алдов нолойиқ порахўр ноиблар учун ҳақиқатга айланади; жосусларни пора эвазига озод этадилар»².

Шу давр жамиятининг «ҳоким» фигурасига таҳлил этилаётган асарда шоирнинг муносабати ўз аксини

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. — Тошкент, 1966, 13—16-бетлар.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб..., 12—13-бетлар.

топгандир. Навоийнинг фикрича, ҳокимларга уларнинг нолайиқ хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ҳақиқатни айтишга имкон бўлмас эди. Унга қарсақ чалсанг — шарафланасан, агар ҳақиқатни айтсанг жаллодни кут. Ҳоким «Агар ситезаруй бўлса ва худрой — мушфиқ Навоий жонига вой» деб ёзади шоир¹. Бундай шароитда яшаш улуг мутафаккир учун ниҳоятда оғир эди.

Муҳаммад Ҳайдар ўзининг «Тарих-и Рашидий» асарида Навоийни «ҳассос ақл ва яхши тарбия» эгаси сифатида таърифлаб, Мир Алишер ҳамманинг ўзига ўхшаш бўлишини хоҳлар эди, лекин бу рўёбга чиқмайдиган орзу бўлиб қолган эди, — деб кўрсатади. Шунинг учун шоирнинг атрофдаги одамлар билан муомаласи, Муҳаммад Ҳайдарнинг айтишича, бирмунча мураккаблашади. Натижада айрим кўнгилсизликлар вужудга келади ва атрофдагиларнинг баъзиларига у димоғдор шахсга ўхшаб кўринади. «Мир Алишерда нозик таъблик ва тез хафа бўлишдан ташқари бошқа қусур топмас эдилар», — деб ёзади «Тарих-и Рашидий»нинг муаллифи².

Кўпгина тарихий манбалар, айниқса лавозимлар ва амалдорлар ҳақидаги трактатларда давлат арбоблари фаолияти ҳақида маълумотлар мавжуддир. Аммо Ўрта Осиё жамиятининг маълум гуруҳлари, хусусан, амалдорларнинг нафақат вазифа ва бурчлари, балки уларга хос характерли белгилар фақатгина Навоийнинг таҳлил этилаётган асарида очиб берилади. Шу боисдан улуг мутафаккир ўз асарига «Маҳбуб ул-қулуб» деб ном бергандир.

Темурийлар даврида ижод этган ҳеч бир муаллифнинг асарида руҳонийлар вакиллари — садрлар, шайхулисломлар, муфтийлар, қозилар ҳақида очиқ, холис фикрни учратмаймиз. Навоий эса уларнинг айримларига хос хислатлар: таъмағирлик, порахўрлик, шарият қонунларини менсимаслик ва уларни бузиш ҳолларини очиқ кўрсатиб беради.

Шоирнинг ёзишича, руҳонийлар қаторига шундай шахслар ҳам кириб қоладиларки, улар «амал учун... маош оладилар», лекин «уларнинг ақли эзгуликка қаратилмагандир» ва «уларнинг худога хизмат қилишга таъаб ва дидлари мойил эмасдир». Улар бойликка ин-

¹ Ўша асар, 12-бст.

² *Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашидий. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. N 1430, 121-б варақ; Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди. Введение. Пер. с персидского А. Урулбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. Ташкент, 1996, с. 256.*

тилиб, турли нопок йўлларни тутадилар. Жоҳиллик ва бошқа қусурлар руҳонийларнинг айрим вакилларига хос бўлиб, улар ўз эътиқодларини пулга сотадилар¹.

«Маҳбуб ул-қулуб»да ўз аксини топган бу фикрлар дунёвий ва руҳоний феодалларнинг маълум қисми орасида зўравонлик, таловчилик, ноқонуний ҳаракатларнинг кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Мутафаккир дунёвий ва руҳоний феодалларни ҳар томонлама баркамол кўришни орзу қилар эди. У мамлакатни кучли, ўз фуқаролари ҳақида қайғурадиган одил подшо бошқаришини, дин вакилларининг эса чуқур билимдон, халқ ҳақида қайғурадиган мурувватли бўлишларини истар эди.

Мутафаккирнинг савдо аҳли ҳақидаги маълумотлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Навоий турли савдо гуруҳларини характерлаб беради. Савдо аҳли жумласига шоир тужжорларни, шаҳарда олиб-сотувчиларни ва бозор косибларини киритади. Ҳар бир гуруҳга хос хислатларни муаллиф ўз асарида атрофлича кўрсатиб беради. Унинг кўрсатишича, савдогарларнинг («тужжорлар») бир қисми феодал ҳукмдорлар билан ўзаро боғланган бўлиб, буюк султонлар уларнинг шериклари эди. Навоийнинг фикрича, савдогарлар жамият ҳаётида ижобий роль ўйнаганлар. Улар ўзлари бўлган бошқа мамлакатларнинг иқтисодиёти, халқларнинг турмуши, маданияти, одатлари ва диний қарашлари ҳақида кенг маълумотларга эга бўлганлар. Шу боисдан, савдогарлар ўз фаолиятлари билан турли халқларни яқинлаштириш, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва таъсирни амалга ошириш ишига муҳим ҳисса қўшганлар. «Тужжори саёҳат шиор ақолим ва булдон холидин хабардор, ажойибдин афсона гузор ва фаройибдин нодира гуфтор», — деб ёзади Алишер Навоий².

Бозор косибларини у «ориятсиз, ёлғончилар» деб атайти. Навоийнинг фикрича, «Бозорда савдогар косиб — тенгрига хоин ва ваъдага козиб. Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларга минг мубоҳат, мингта тегарни юзга олмоқдин аларга йўқ бир зарра уёт»³. Шаҳарда олиб-сотувчиларни тасвирлаб, шоир уларни «ҳосилсизлик тарафдорлари» деб атайти. «Шаҳр тихи савдогари гардкиш, ўзига суд ва мусулмонларга қаҳат андиш. Эл-

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб..., 18-бет.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб..., 26-бет.

³ Уша асар, 28-бет.

га зиён анинг суди, унгай олиб оғир сотмоқ анинг мақсуди», — деб кўрсатади Алишер Навоий¹.

Шоирнинг фикрича, савдо аҳли кўпчилигининг асосий мақсадини қандай йўл билан бўлмасин, такаб-бурлик ва алдов билан бўлса ҳам бойлик тўплаш ташкил қилади. Улар хазинага закот ва тамга тўлашлари лозим бўлса-да, бу ишдан ҳар томонлама ўзларини олиб қочадилар.

XV асрда Ўрта Осиё шаҳарларидаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда савдонинг роли жуда юқори эди. Буни мутафаккир келтирган қуйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Унинг ёзишича, баъзи ҳолларда дўконларда савдо кечкурун ҳам чироқ ёқиб давом эттирилган. «Туннинг кўпи дўконларда савдо учун шамъ ва авбош кўча гаштидин кўнгуллари жамъ», — деб ёзади Навоий². Бу хабар бошқа тарихий манбаларда келтирилган фикрлар билан ҳам тасдиқланади. Хусусан, XVIII аср муаллифи Мир Муҳаммад Амини Бухорийнинг кўрсатишича, хунармандлар ва савдо аҳлига кун ва тун узлуксиз савдо олиб бориш ҳақида хон буйруғи тақдим этилган³.

Навоийнинг фикрича, қароқчилар ва йўлтўсарлар султонлар томонидан жазоланиши лозим. Бу чора йўлларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва савдони мўътадиллаштиришга ёрдам беради.

Шоир асарларидаги савдо ва савдо аҳли ҳақидаги фикрлар уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида атрофлича мулоҳаза юритишга имкон беради.

Ҳокимлар атрофини доимо турли ҳарбий аристократия вакиллари қуршаб турар эди. Кўпгина лашкарбошилارнинг фаолияти асосан аҳолини талаш билан боғлиқ бўлган эди. Бу бошқа қўлёзма асарлар муаллифларининг гувоҳликлари билан ҳам тасдиқланади. Одатда, тарихчилар ҳарбий ҳаракатлар ҳақида фикр юритар эканлар, ўзлари хизмат қилган сарой ҳукмдорининг буйруғига биноан, асосан, уларнинг ҳарбий зафарлари ҳақида муфассал ёзадилар, ҳарбий мағлубиятларга эса жуда кам эътибор қаратадилар. Улар аҳолининг (солиқ тўловчи райиат) ҳарбийлар томонидан таланишини босқинчининг ютуғи деб кўрсатадилар. Навоий эса, улардан фарқли ўлароқ равишда,

¹ Ўша асар, 27-бет.

² Ўша асар, 10-бет.

³ *Мир Муҳаммад Амин-и Бухари*. Убайдулла-намё. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. N 1532, 13а-варақ; *Мир Муҳаммад Амин-и Бухари*. Убайдулла-намё. Пер. с таджикского с примеч. А. А. Семенова. — Ташкент, 1957, с. 25.

урушларнинг ёмон оқибатларини, қонли курашлар, сепаратизм ва теурийлар тахти учун аёвсиз курашларни кўрган шахс сифатида урушлар ва ўзаро феодал келишмовчиликларга қатъиян қарши чиқади. Шоирнинг сўзларига кўра, ҳаракатдаги лашкар яъжуз ва маъжужга ўхшаш маҳлуқдир. У ёзади: «Ясоғлик деган қора черик, яъжуж ва маъжуж ҳайлига шерик, эмгакдин аларга ором йўқ, ясоқ тортардин бир нафас ком йўқ. Ишлари талай олғонни таламоқ, ёт юртда чугурткадек сабза ва яфроғни яламоқ.

Инсонлик била алар орасида мубояннат, мусулмонлик била алар ўртасида муноазаат... Одабийликда маҳлуқотдин мумтоз ҳайвонликлари кўпу мардумликлари оз»¹.

Феодал жамиятининг асосини ерга эга бўлган деҳқонлар ташкил этган. Шоир асарнинг деҳқонлар хусусидаги фаслида таъкидлайди: «Олам маъмурлиги алардин, алам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот»². Подшо хазинасига даромаднинг катта қисми деҳқонлар томонидан келиб тушар эди. Ўрта Осиё ўрта аср жамиятида деҳқонлар алоҳида ҳурматга сазовор бўлган гуруҳ эди. Шунинг учун баъзи йирик зодагонлар ўзларини деҳқонлар жумласига қўшар эдилар. Бадриддин Кашмирийнинг кўрсатишича, жуда бой шахс — кўплаб савдо иншоотлари, қишлоқлар, катта ер, туялар ва бошқа мулк эгаси бўлмиш Жуйбор шайхи Хўжа Са'ад ўзининг деҳқонларга мансублиги билан мағрурланар эди. «Биз — деҳқонлармиз», — деб айтарди у³.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи деҳқонлар барзигарлар, ўроқчилар, пуштакашлар, шарикларнинг меҳнатидан ўз хўжаликларида фойдаланишар эди.

Навийнинг сўзларига кўра ва бошқа тарихий манбалар муаллифларининг кўрсатишича, деҳқонлар хазинага ўз вақтида хирож тўлашлари лозим эди. Аммо уларнинг баъзи бой намояндалари бу солиқни тўламаслик йўллари усталик билан топа олардилар.

Шоир аҳолининг солиқ тўловчи — озодлар деб атаувчи тоифасини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

¹ *Алишер Навоӣ. Маҳбуб ул-қулуб... 16-бет.*

² *Уша асар, 30-бет.*

³ *Бадриддин Кашмирий. Раузат ар-ризвон. ЎзР ФА ШИ қўлёмаси. Инв. № 2094, 158-а варақ.*

Навоий ўзининг «Вақфия» асарида, улар қонунан озод бўлсалар-да, кўп ҳолларда амалдорларнинг ўзбошимчаликларидан ҳимояланиш мақсадида бой кишиларнинг раҳнамолигига инжулик бўлиб ўтар эдилар, — деб кўрсатади. Муаллифнинг айтишича, даладаги меҳнат аҳлининг бир қисми катта ер эгаларининг қўлида ишлаб кун кечирсалар, баъзилари ғаллазорларда қолган бошоқларни териш билан кун ўтказар эдилар. Мутафаккир келтирган бу хабарлар қишлоқ аҳли ўртасидаги ижтимоий табақаланишдан далолат беради.

Буюк мутафаккир асарида ҳунармандлар: тўқувчилар, зардўзлар, темирчилар, қурол-аслаҳа ясовчилар ва бошқа кўпгина касб эгалари ва улар яратган маҳсулотлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуддир. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳунармандлар фаолияти қаттиқ рақобат, маҳсулотни ялпи сотиб олувчи савдогарларга қарамлик ҳолати билан боғлиқ эди.

Шоирнинг айрим ҳолларда ўз мулкани гаровга қўйган кишилар ҳақидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовордир. Кўпинча бу ҳол унинг бўйнига ёғочдан кишан солиш ва уни зиндонга ташлаш билан тугайди, — деб кўрсатади у.

Алишер Навоий мактаб ва мадрасалардаги дарслар юқори савияда ва ўз вақтида узлуксиз ўтказилишининг тарафдори бўлган.

Котиб, мударрислар ва дабиристон аҳли, мунажжимлар, овчилар каби феодал жамиятининг бошқа вакиллари ҳам «Маҳбуб ул-қулуб»да ўз аксини топгандир. Шоир уларни тасвирлар экан, бевосита солиқ тўловчи аҳоли ва улар меҳнати ҳисобига яшовчи қатлам ўртасидаги ижтимоий қарама-қаршиликларни яққол кўрсатиб беради.

Шоир хонанда ва машшоқларнинг ажойиб тасвирини бериш билан бирга, «Аммо бу тоифанинг соири ҳам агарчи тарабойин ва меҳнатзудодурлар ва лекин фил-ҳақиқат, лаим сийрат ва гаодурлар. Айтқувчи ва чолғувчи зорлиғ ва ийналмак била олғувчи», деб кўрсатади¹.

Алишер Навоий ўз асарида паст табақа вакиллари-нинг ҳаётини ҳам ишончли тарзда очиб берган. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг мазмунидан шу нарса аён бўладики, етимлар, гарибу-бенаволар, гадолар раҳмсиз ҳукмдор-

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 24-бет.

ларга қарши очикдан-очик ҳаракат қилар эдилар. Жазога тортилганлари эса ўлимдан кўрқмас эдилар. Уларнинг бир гуруҳи — деб ёзади Навоий, — худди ёввойи ҳайвонлар сингари ўлим тигидан ҳалок бўладилар, қатл пайтида ҳам Куръон ўрнига ўзларига хос тўртликларни ўқийдилар. Бу тўртликлар халқ шоирларининг ҳукмдорларга қарши қаратилган шеърлари бўлиши мумкин деб ўйлаш лозим.

Жамиятнинг паст табақалари ўз шаҳарлари ҳимоясида ҳам фаол қатнашар эдилар.

Навоийнинг жамиятнинг паст табақалари ҳақидаги фикрлари бошқа тарихий манбаларда келтирилган хабарларни бебаҳо материаллар билан тўлдиради.

Айтиб ўтилганлардан ташқари асарда ўй-рўзгор буюмлари ҳақида кўпгина маълумотларни учратиш мумкин. Шунингдек, бойларнинг ҳашаматли саройларини тасвирлаш билан бирга шоир камбағалларнинг вайрона уйлари — «хокисорлик кошоналарини» ҳам назардан четда қолдирмайди.

Кишининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати фақатгина бойлиги билан эмас, балки кийим-боши билан ҳам аниқланар эди. «Маҳбуб ул-қулуб»да тасвирланган олтин билан тикилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган кийимлар, дарвишларнинг йиртиқ тўни, камбағалнинг жулдур кийимлари, гадоё кўтарган қотган нон халтаси бой ва камбағаллар ўртасидаги қатъий қарама-қаршилиқни кузатишга имкон беради. Ҳаттоки салла, унинг ўралиши, кўриниши ва узунлиги ҳам кишининг қайси қатламга мансублигидан далолат беради эди.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг муаллифи озиқ-овқатларнинг турлари ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Навоийнинг асарида зодагонларнинг ўйинлари ҳам эслаб ўтилади. Булар — шатранж, нард, чавғон ва бошқалар. Бу ўринда миниатюрада акс этган от устида чавғон ўйнаётган аёллар тасвирини эслаш мумкин.

Мутафаккир аёллар масаласига ҳам тўхтаб ўтади. У аёлларни уч тоифага бўлади: авом, хавос, хос ал-хос¹. Унинг фикрича, хос ал-хос аёллар «ҳақ» ва «ҳақшуносдирлар». Улар бошларини донишмандлик матоси билан, юзларини аёллик ибоси билан ўрагандирлар.

¹ *Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. А. Н. Кононов тайёрлаган танқидий матн. — М.-Л. 1948, 58-бет.*

Шоир оқсуяк аёллар ҳақида ҳам ўз фикрини билдириб, уларнинг айримлари ўз юзларини қизил ва оқ ранглар билан пардозлаб, ёноқларига хол қўйиб, пешаналарига тиллақош ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни таққанликларини кўрсатиб ўтади. Одат бўйича келиннинг бошига чодир ёлганлар, қошларини бирлаштириб ўсма қўйганлар, чаккаларини жингалак билан, кафтларини хино билан безаганлар.

Шунингдек, Навоийнинг алоҳида аёллар ҳаммоми ҳақидаги ва бошқа маълумотлари ҳам қимматлидир.

Мутафаккирнинг аёллар ҳақидаги фикрлари борасида сўз борар экан, унинг диққат-эътиборидан чарх йигираётган кампир ҳам, пахта титаётган қиз ҳам четда қолмаганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозимдир.

Алишер Навоий асарларида қурол-яроқлар турлари, ҳарбий кийимлар, от анжомлари ҳақида ҳам маълумотлар бордир. «Садди Искандарий» асарида Искандар Зулқарнайннинг тўплардан фойдалангани ҳақида хабар берилади. Шоирнинг сўзларига кўра, «аравадаги мис қувурлар юнон лашкаридаги оқилларнинг кашфиёти эди. У симоб, бронза ва қалайдан ясалган тўп билан отар эди. Мана шулардан таркиб топган ва иккита тешикдан ўт олдириладиган тўп нишонга етар-етмас портлар эди. Айни пайтда унинг қолдиқлари ва ноҳуш ҳиди душманни забт этишда муҳим роль ўйнар эди. Тўпни ҳаракатга келтириш учун «чин маҳсулоти» — порохдан фойдаланилар эди¹.

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларининг манба сифатидаги аҳамияти шубҳасиздир. Уларни бошқа тарихий асарлар билан қиёслаш муаллиф келтирган хабарларнинг ниҳоятда ҳаққонийлигини, унинг кўп ижтимоий воқеаларни тўғри тушунганлигини кўрсатади. Бу асарларни келажакда янада тўлақонли танқидий ўрганиш Мовароуннаҳрда давлатчилик тарихини янада чуқурроқ тадқиқ этишга ёрдам беради. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, Навоий реал борлиқни ўзининг синфий қарашлари имкон берган даражада тасвирлаб объектив позицияда туради.

Навоийнинг жамиятга қарашлари ўша давр давлатидаги ижтимоий қатламлар ичидаги илғор фикрли кишиларнинг нуқтан назарларига мувофиқ эди. Шоир

¹ *Алишер Навоий. Садди Искандарий. Асарлар.* — Тошкент, 1965. Т. X, 147-бет.

жамиятдаги иллатларни «одил ва оқил» подшо ёрдамида бартараф этишга ҳаракат қилади.

Улуғ шоир «Маҳбуб ул-қулуб»нинг учинчи қисмида «фойдали маслаҳатлар» бериш билан бирга ўзининг амалий мақсадга ҳам интилганини кўрсатиб ўтади. Дунёни билмоқчи бўлган инсон «факирнинг (яъни Навоийнинг) тажрибасидан ёрдам олсин» ва «ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга ҳавас бўлмай, бу факирнинг тажрибаси аларга бас бўлмай», — деб ёзади мутафаккир¹.

Алишер Навоий асарлари бугунги кунда ҳам жуда катта аҳамиятга моликдир. Унинг ўлмас сатрлари ҳозирги мураккаб даврда ҳам инсонларни тўлқинлантириб туради. Бизнинг фикримизча, XV аср шоирининг давлат ва жамиятга оид қарашларини махсус курс сифатида нафақат тарихчи ва шарқшунослар, балки бўлажак ҳуқуқшуносларга ҳам ўқитиш фойдадан холи бўлмас эди.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг кириш қисмида: «Умид улким, ўқувчилар диққат ва эътибор кўзи била назар солгайлар ва ҳар қайси ўз фахму идрокларига кўра баҳра олгайлар, битгучига ҳам бир дуо била баҳра еткургайлар ва руҳини ул дуо футҳи била суюндургайлар»², — деб қайд этади мутафаккир. Бугунги кунда нафақат жумҳуриятимиз аҳли, балки бутун тараққийпарвар инсоният Навоийнинг фикрларини қўллаётганлигини таъкидлаш мумкин. Бу борада қилинаётган ишлар шоир умид қилган «дуо»нинг бир қиррасидир.

Г. АЪЗАМОВА

СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ: НОТЕКИС ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Сўнги ўрта асрларни ўз ичига олган XVI—XIX асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида кечган суронли, қарама-қаршиликларга бой жараёнлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда кўплаб номутаносибликларни

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 9-бет.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 9-бет.

келтириб чиқарди. Бу давлатлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрилаётган давр мобайнида нотекис кечди. Айниқса, бу ҳолат сиёсий ҳаётнинг фаол ривожланиб бориши ва унинг инқирозли даврларининг тез-тез ўрин алмашилиб туриши билан характерланади. Сиёсий нотекис ривожланиш жараёни барча Ўрта Осиё хонликлари тараққиёт йўлига мансуб бўлиб, унинг асосида ерга бўлган мулкчилик шакллари, ўрта аср тузуми асосида таркиб топган бошқарув тизими ётар эди. Олий ҳукмдор — хон ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда олий табақа вакилларининг ҳукмронлигини таъминлаган бу тизим Ўрта Осиё хонликлари сиёсий тараққиётини издан чиқарган кўпдан-кўп қарама-қаршилиқлар ва келишмовчиликлар манбаи эди. Ҳокимият учун кураш ва марказлашган бошқарувнинг сусайиши, ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар, баъзи маҳаллий ҳукмдорларнинг кўшни мулкларга тажовуз-корона юришлари ва бошқалар сўнгги ўрта асрлар ўзбек хонликларидаги сиёсий ҳаётни яққол намоиш этувчи асосий мезонлардан эди. Сиёсий ҳаётда кечган бу жараёнлар Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ривожига салбий таъсир кўрсатди, кўп ҳолларда уни издан чиқариб юборди ва тарихий тараққиётнинг айрим даврларида уларнинг нотекис ривожланишини таъминлади. Аксинча, марказлашган давлатнинг салоҳияти кучли бўлган, нисбатан сиёсий барқарорликка эришилган йилларда эса ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиш белгилари кўзга ташланади.

Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёда шаклланган ўзбек хонликлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекис кечишига таъсир кўрсатган баъзи омилларга батафсил тўхтаб ўтиш лозим. Уларни ажратиб кўрсатиш сўнгги ўрта аср жамияти воқелигини тўғри англашга, «инсонни ҳушёрликка» ўргатувчи «тарих сабоқлари»дан изчил илмий ҳулосалар чиқаришга хизмат қилади. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш жоиздир: «Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шолини курмакдан ажратади»¹.

Ўрта аср жамиятининг моҳиятидан келиб чиқувчи ва унга хос ҳарбий ҳаракатлар оқибатида биринчи нав-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997, 22-бет.

батда қишлоқ хўжалиги қаттиқ азият чекар эди. Қишлоқлар ва яйловлардан турли ҳукмдорлар қўшинининг ўтиши бу худудлар иқтисодиётини ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келар эди. Бу ўринда XVII аср муаррихи Хожа Самандар Термизийнинг қуйидаги сўзлари характерлидир. «Илгариги ҳукмдорларнинг қаттиқ зулми, дала ҳашоратларининг ҳалокатли ҳаракатлари (ҳашорати арази) туфайли деҳқонлар (ерларини ташлаб) қоча бошладилар», — деб ёзар экан, тарихчи қуйидагиларни алоҳида қайд этади: «Айниқса кўп сонли қўшинларнинг ўтиши... ҳам деҳқончиликнинг пасайиши ва аҳолининг тарқаб кетишига сабаб бўлди»¹.

Бундай ҳоллардан яна бири ҳақида XVII аср муаллифи Муҳаммад Козим ҳам гувоҳлик беради. Хусусан у: «Йомутларнинг қабила бошлиқлари Кўҳна Урганч атрофида тўпланиб, ҳар куни у ердан Хива, Ҳазорасп, Хонқа ва Янги Урганчга босқинчилик қилар эдилар. Шу сабабдан бу мамлакатнинг ишлари бузулди, унинг аҳолиси ўз экинлари ва боғлари, бошқа ишлари билан машғул бўла олмадилар ва ҳаттоки бирор ерга чиқа олмас эдилар», — деб ёзади².

Маълум бир вилоят ёки шаҳар худудига ҳукмронликни даъво қилган шахслар ўртасидаги ўзаро низо ва урушлар кўп ҳолларда мазкур вилоят пойтахт шаҳри ёки қўрғонининг қамал қилиниши билан бирга кечар эди. Ҳукмдорлар ўртасидаги бу кураш қамал ҳолидаги шаҳар ва унинг атрофидаги худуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кескин ёмонлашувига олиб келар эди. Бу ҳолат кўпинча шаҳарлар ва қишлоқлар иқтисодий алоқаларининг издан чиқишига, улардаги ҳаётнинг вақтинчалик турғунлик ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлар эди. Одатда, бир неча ойлар мобайнида қамал ҳолига тушган шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт издан чиқиши оқибатида аҳолининг турмуш даражаси жуда пасайиб, кўп ҳолларда очарчилик ҳолатлари келиб чиққан. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида XVI аср бошларида уч ой давом этган Андижон қамали ҳақида шу аср муаллифи Муҳаммад Солиҳнинг сўзларини келтириш мумкин. Бу ҳодисанинг муаррих томонидан адолатли қайд этилган воқелигига кўра, қамал ҳоли-

¹ *Хожа Самандар Термизи*. Дастур ал-мулук (Назидание государям). Факсимиле старейшей рукописи, перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели М. А. Салахетдиновой. М., 1971, с. 134.

² *Муҳаммад Козим*. Надир-намэ. Т. III // Материалы по истории туркмен и Туркмени. т. II М.-Л., 1938, с. 170.

нинг учинчи оёи бошланиши билан аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари кўпайган, шаҳарликларнинг баъзилари ўзларини қалъа деворларидан ташлаганлар, аҳоли қамал ойлари мобайнида «нон юзини кўрмаган», «нон сўзини ҳеч ким ишлатмаган»¹.

Айрим ҳукмдорларнинг ҳарбий юришлари баъзи ҳолларда шаҳар ва қишлоқлар тинч аҳолисини талаш билан бирга олиб борилар эдики, оқибатда бу ҳолат аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топарди. Бундай ҳодисаларнинг бири — Тошкентнинг Шайбонийхон қўшинлари томонидан забт этилиши ҳақида гувоҳлик берган XVI аср муаллифи Камолиддин Биноий қуйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтган. Тарихчининг ёзишича, узоқдан Шайбонийхон қўшинларининг шаҳарга яқинлашаётганлигидан хабар топган тошкентликлар шаҳар томон чолиб, унинг дарвозаларини беркитганлар. «Минг бир хийла билан шаҳарга олиб кириб кетган болаларидан ташқари, — деб қайд этади тарихчи, — ҳамма нарсалари шаҳардан ташқарида қолди, (Муҳаммад Шайбонийхоннинг) аскарлари (буни) кўриб, ўз қўлларини талон-торожликка узатишга шайландилар»².

Ҳукмдорликка даъвогар айрим шахслар ўз мақсадларига етишиш йўлида турли усулларни қўллаганларки, улар охир-оқибатда шаҳар ва қишлоқлар иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 1555 йили Самарқанд тахтига ўтирган Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон томонидан Бухорога қилинган юришларни келтириш мумкин. Муаррих Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича: «... (Наврўз Аҳмадхон) Бухорога юриш қилди, душманлик оловини алангалатди ва бугдой заҳираларини ёқди...»³.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг издан чиқиши ва нотекис ривожланишида сўнгги ўрта асрларнинг айрим даврларида ўзбек хонликларида кузатилган баъзи мураккаб ички сиёсий вазият ҳам катта роль ўйнаган. Бунга Бухоро хонлигига оид бир маълумот орқали амин бўлишимиз мумкин. XVIII аср биринчи ярми бу ерда сиёсий парокандалик авж олган ва хўжалик тамо-

¹ *Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент, 1989, 239-бет.*

² *Камалиддин Бинаи. Шейбани-намэ // Материалы по истории казахских ханств. Алма-ата, 1969, с. 123.*

³ *Ҳофиз-и Таниш Бухари. Шараф-наме-йи шахи. (Книга шахской славы). Факсимиле рукописи Д. 88. Перевод с персидского, введение, примечания и указатели М. А. Салахетдиновой. Ч. 2, М., 1983, с. 190.*

ман издан чиққан бир давр бўлиб, бу воқеликнинг гувоҳи — рус элчиси Флорно Беневенининг 1722 йил шохидлигига кўра, сиёсий кучларнинг қарама-қаршилиги ҳукмрон доира айрим вакилларининг мамлакатдан кетишига ва ташқаридан туриб унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий путур етказишларига олиб келган. Бундай шахслардан бири — «Кўроталиқ» бўлиб, у чўлда «ўзбекларнинг бошқа партизан отрядлари билан дўстлашиб, бутун атрофда (Бухоронинг ўзига қадар) катта талончиликларни амалга оширган». Элчининг алоҳида қайд қилишича, номи зикр этилган шахс «ҳеч бир қишлоқни бутунлигича қолдирмади, ҳамма нарсани талаб олиб кетди. Бундан ташқари шаҳар озиқ-овқат ва бошқа заҳиралардан маҳрум бўлди».¹

Ўзаро низолар ва қарама-қаршилиқлар сиёсий ҳаётни издан чиқариб, қонуний равишда бошқарув тизимининг таназзулга юз тутишига, бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт инқирозига олиб келар эди. Бунини бошқа бир Ўрта Осиё давлати — Хива хонлиги мисолида кузатишимиз мумкин. Хусусан, XIX аср тарихчиси Муниснинг ёзишича, XVIII аср иккинчи ярмида Хивада олий ҳукмдор тез-тез алмаштирилиб турилган — «хон бўлиш ўйини» авж олган бўлиб, ана шундай «хонлардан» бири Жаҳонгирхон даврида «Беш-Қалъада (Хива хонлигида — Г. А.) очлик келиб чиқиб (ва) аҳоли ит ва эшакларни еди, — деб қайд қилган муаррих фикрини давом эттириб, — болаларини қозоқларга сотиб, (шу билан) ўзини боқди. Шу сабабдан ўзбеклар ва сартларнинг кўплари... Орол ва Бухорога кетдилар», — деб ёзади².

Сўнги ўрта асрларда сиёсий ҳаётнинг нотекис ривожланиши оқибатида иқтисодий ҳаёт ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши Хожа Самандар Термизийнинг куйидаги сўзлари билан ҳам тасдиқланади. Унинг ёзишича, ўзаро феодал низолар оқибатида айрим вилоятлар аҳлининг турмуш тарзи жуда ёмонлашиб кетган. Жумладан, муаррих куйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: «Самарқанд вилоятида очлик ўзининг сўнги чегараларига етганида ҳаддан ташқари қийинчиликлар келиб чиқди, (ҳамма) аҳоли қатламла-

¹ Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорно Беневени в Персию и Бухару в 1718—1725 годах. М., 1986, с. 66.

² *Фирдаус ал-иқбал* // Материалы по истории казахских ханств. Алма-ата, 1969, с. 474—475.

рининг ҳеч бирида арпа ёки буғдойдан қилинган нон йўқ эди... Бахтсиз одамлар кўкрагида очлик алангаси ёнган пайтларда улар ҳамма ерда ўз ҳаётларини нон учун беришга (тайёр эдилар), (лекин) ҳеч ким олмас эди»¹.

Ҳарбий ҳаракатлар кўп ҳолларда айрим шаҳарлардаги ҳаётнинг таназзулга юз тутишига олиб келар эди. Шундай шаҳарлар жумласига Хўжандни ҳам киритиш мумкин. У ҳақда XVII аср муаррихи Маҳмуд ибн Вали куйидагича ёзади: «Эндиликда, доимий ғалаёнлар, ундан кўплаб... қўшинлар... ўтиши оқибатида унга катта зарар келтирилди ва у бузулиб кетди. Ундан фақат бир неча қишлоқ ва яшаш жойларигина қолди»².

Айрим феодал ҳукмдорларнинг қўшни давлатларга қилган тажовузкорона юришлари ҳам хўжаликнинг нотекис ривожланишини таъминлаган омиллардан бири бўлган. Хиваликлар амалга оширган ана шундай босқинчилик ҳаракатларидан бири ҳақида XVII аср муаллифи Муҳаммад Юсуф Мунший куйидагича маълумот беради: «Урганч ҳокими Абулғоziхон б. Асфандиёрхон б. Арабхон кўп сонли қўшин билан Мовароуннаҳрни талон-торож қилди, бутун аҳолисини тарқатиб юборди». Тарихчи маълумотининг давомидан аён бўладики, ҳайдаб юборилган Хива қўшини «...яна тўпланиб, иккинчи марта босқинчилик юришини амалга оширди, (Мовароуннаҳр қўшинини) мағлубиятга учратди ва орқага қайтди. Шу тарзда (хиваликлар Бухорога) ўн саккиз маротабагача босқинчилик қилиб, бухороликларни ҳадсиз муҳтожлик ва ғам-аламга ботирдилар»³.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тараққиётига кўрилаётган давр мобайнида кўп ҳолларда турли халқлар вакиллариининг ўзбек хонликларига қарши қилган босқинчилик ҳаракатлари ҳам салбий таъсир кўрсатган. Хусусан, шундай ҳоллардан бири — русларнинг 1603 йили Урганчга қилган босқини ҳақида хон ва муаррих Абулғозий (1643—1663) куйидагиларни маълум қилади. Унинг қайд қилишича, шаҳарда хон бошлиқ ҳарбийларнинг йўқлигидан хабар топган «мингта рус» шаҳарга кириб, «мингта» аҳолини қирган, «мингта» аёл ва

¹ *Ходжа Самандар Термези*. Дастур ал-мулук... с. 165.

² *Маҳмуд ибн Вали*. Море тайн относительно доблестей благородных (География). Введение, перевод, примечания и указатели Б. А. Ахмедова. Ташкент, 1977, с. 40.

³ *Муҳаммад Юсуф Мунши*. Муқимханаекая история / Перевод с таджикского предисловие, примечания и указатели профессора А. А. Семенова. Ташкент, 1956, с. 103.

қизларни асир олганлар, Хоразм моллари билан тўла «мингта» аравани олиб кетганлар. Тарихчининг ёзишича: «Бўз ва бўёғли ва палос ва тўн ва тўшак-ястук — мундаг нимарсаларнинг барчасини ўтга ёқди»¹.

Иқтисодиётнинг нотекис ривожланиши ва ижтимоий ҳаёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири — солиқлар ва турли мажбуриятларнинг бетартиб тизими эди. Ҳукмрон доира айрим вакиллари бу борадаги ўзбошимча хатти-ҳаракатлари аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, унинг баъзи қатламларининг камбағаллашувига олиб келар эди. Шундай хусусий ҳоллардан бири ҳақида Хожа Самандар Термизий келтирган бир маълумот диққатга сазовордир. Унинг ёзишича, Қарши яқинидаги Пуран қишлоғидан ўтган Насаф ҳокими Муҳаммаджон — бий юз бир кишининг буғдой экилган даласини кўриб: «(шу даладан» ҳар куни менинг отларимга (озик) берилсин», — деб амр этади. Муаллифнинг таъкидлашича, бу далага ишлов берган чол талон-торож этилиб «...у томонидан экилган буғдой (амир) отларига ем бўлди»².

Ўзаро низолар оқибатида шаҳарлар, қишлоқлар ва кичик шаҳарлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар узилиб қолар эди. Бу ҳолат, айниқса, савдо соҳасида яққол кўзга ташланади. Алоҳида таъкидлаб ўтмоқ даркорки, ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлган баъзи шаҳарларда савдо мунтазам эмас, балки ҳафтанинг маълум бир кунларида амалга оширилган. Қишлоқлар ва кичик шаҳарлар турли тоифадаги олиб-сотарлар, катта савдогарлар кўрсатмасига биноан хом ашёнинг ялпи харидини амалга оширувчи шахслар томонидан тез-тез қатнаб, савдо-сотик қилинадиган ерлар бўлиб, улар ўз фаолияти билан товар айрибошлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Айрим даврлар мобайнида кузатилган сиёсий ихтилофлар натижасида бу алоқалар издан чиқиб, иқтисод равақининг сусайишига олиб келган.

Аҳоли турмуш даражасининг пасайиб бориши натижасида кўп ҳолларда қимматчилик келиб чиқар эди. 1677 йили Хивадан Россияга қайтган Василий Даудов, жумладан, қуйидагиларни қайд этган эди: «мадад пули ва нон ва от-улов йўқ эди, уруш ва катта ўзаро низо-

¹ *Абулғозий. Шаҳарайи турк*. Тошкент, 1992, 159-бет.

² *Ходжа Самандар Термези*. Дастур ал-мулк... с. 104.

лар сабаб Бухоро ва Хивада нон ва ҳар қандай овқатни жуда қиммат нархда сотиб олдик»¹. Рус кишиси томонидан билдирилган бу фикр Абулғозийнинг бошқа бир маълумоти билан ҳам тасдиқланади. Унинг баён этишича, ҳокимият учун авж олган курашлар оқибатида XVI аср пойтахт шаҳар ҳаёти инқирозга юз тутди. Муаррих: «Урганч улуғ шаҳр. Тез-тез қаҳатлик бўла қолди. Бир эшакнинг калласи қирқ-эллик танга бўлди, топилмади», — деб қайд қилади².

Сиёсий ихтилофлар иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай соҳалардан бири — тоғ-кон қазииш соҳаси эди. XVII аср муаллифи Маҳмуд ибн Валининг қуйидаги маълумоти бу ўринда характерлидир: «Фарғона тоғларида кўплаб олтин, қумуш, мис, нефть, ложувард ва шунга ўхшашларнинг конлари бор. Лекин ҳозир, доимий ўзаро низолар оқибатида (улар) ишлатилмайди»³.

Ўзаро урушлар ва сиёсий келишмовчиликлар оқибатида Ўрта Осиё хонликларининг ташқи иқтисодий алоқалари ҳам қаттиқ азият чекар эди. Ички ва ташқи нотинч сиёсий вазият ҳудудий ва халқаро қарвон йўлларида турли тартибсизликларни келтириб чиқарган. Бу ҳолат ўз навбатида ички, транзит ва ташқи савдонинг ривожига салбий таъсир этиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг нотекис ривожланишини таъминлаган омиллардан бири вазифасини ўтар эди. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида турк адмирали Сейди Али Раиснинг қуйидаги маълумотини келтириш мумкин. Муаллифнинг ёзишича, XVI аср 50-йилларида Хоразм йўли орқали ватанлари Румга (Туркия — Г. А.) йўл олган Сейди Али Раис ва унинг ҳамроҳлари бўлган савдогарлар улар йўлидаги Астраханни руслар босиб олганлиги (1554) боис орқага қайтишга мажбур бўладилар. Шу муаллифнинг бошқа бир хабарига кўра, турли хил тартибсизликлар Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг бошқа қарвон йўлларида ҳам кузатилган. Улардан бири «Туркистон» йўли бўлиб, «қозоқ ва қозоқчилари мусулмонларнинг мол-мулкларини талон-торож этганликлари

¹ Отписка с пути, из Яицкого городка, возвращающегося из Хивы русско-го посланника Василия Даудова ц. Федору Алексеевичу с изложением последних вестей о политической обстановке в среднеазиатских государствах и Индии // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. М.-Л., 1932, с. 339.

² *Абулғозий*. Шажарайи турк... 125-бет.

³ *Маҳмуд ибн Вали*. Море тайн... с. 65.

ҳақидаги хабарлари унга етиб келган» Сейди Али Раис бу йўлдан юришни маъқул кўрмайди¹.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг издан чиқишига баъзи ҳукмдорлар даврида қўшни давлатлар билан юзага келган душманлик муносабатлари ҳам катта роль ўйнаган. Баъзи ҳолларда қўшни давлатлар билан низоли муносабатда бўлган айрим ҳукмдорлар шу мамлакатлар аҳолиси билан ҳар қандай иқтисодий алоқаларни таъқиқлаб қўйган ҳоллар ҳам баъзи манбаларда учраб туради. Хусусан, XVI аср муаллифи Фазлуллоҳ ибн Рузбехоннинг ёзишича, Муҳаммад Шайбонийхон томонидан чиқарилган фармонда «Туркистон аҳли қозоқ савдогарлари билан ҳеч қандай савдо операцияларини амалга оширмасинлар ва улар ва бу ерларнинг аҳолиси ўртасида ҳеч қандай ўзаро борди-келди ва савдогарларнинг сафари бўлмасин», — деб кўрсатма берилган эди².

Иқтисодиёт тараққиётига кўп ҳолларда табиий-иқлимий шарт-шароитлар ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Ҳарбий юришларнинг оғир асоратларини бошидан кечирган аҳолининг ҳаёти табиат ва об-ҳаво инжиқликлари оқибатида бирмунча оғирлашиб, иқтисодий ҳаёт издан чиққан даврлар Урта Осиё тарихида кўп кузатишган. Жумладан, XVI аср бошларида Шайбонийхон томонидан Самарқандни забт этиш чоғида қиш ҳаддан ташқари қаҳратон келиши оқибатида, шоҳидларнинг гувоҳлигига кўра, Мовароуннаҳрнинг «Самарқанд, Кеш, Қарши, Бухоро» ва бошқа ерларида юз минг аҳоли ҳаётдан кўз юмган эди.

Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётининг кўпгина воқеликларига эътибор қаратган Хожа Самандар Термизий ҳам Қарши ҳақида ёзар экан қуйидагиларни қайд этади: «Тақдир тақозоси билан бир минг юзинчи йили (1689) ўз ҳаётларини сақлаш учун зарур бўлган оз миқдор овқатга эгаликлари сабабли хурсанд одамлар юзидан табассум йўқолди... Катта дарёлардаги сув кучсизлигидан етимлар қўли сингари ҳеч қаерга етиб бормади: шамол сув ўрнига (уларни) чанг ва қум билан тўлдириб... булоқ ва ҳовузлар... қуриб қолдилар»³.

Барқарор бўлмаган сиёсий вазият ва ўзаро урушлар

¹ Сейди Али Раис. Миръотул мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). Таржима ва изоҳлар Ш. Зуннуновники. Тошкент, 1963, 106-бет.

² Фазлаллах ибн Рузбехан Исфахани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Перевод, предисловие и примечания Р. П. Джалиловой. Под ред. А. К. Арендса. М., 1976, с. 101.

³ Ходжа Самандар Термези. Дастан ал-мулук... с. 133.

даврида асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган аҳоли сонига қаттиқ зарба берилар эди. Урушлар ва низолар оқибатида шаҳар ва қишлоқлар аҳлининг сони кескин камайиб кетарди. Баъзи ҳолларда, айрим ҳукмдорларнинг иродасига кўра, кўплаб кишилар ҳаётдан кўз юмар эдилар. Бу ҳолатни ёрқин ифодаловчи бир лавҳа Тошкент тарихига мансуб бўлиб, бу ҳақда муаррих Муҳаммад Юсуф Мунший қуйидагиларни баён этади: «XVII аср бошларида (1613) Бухоронинг олий ҳукмдори Имомқулихон (1611—1642) тошкентликлар томонидан ўлдирилган ўғли Искандархоннинг хуни учун шаҳарни олганидан сўнг аҳоли қони отининг узангисига қадар чиқмагунича уларни қириб ташлашини эълон қилади». Тарихчи яна қуйидагиларни ёзади: «Ўша кун пешин намозига қадар ўлим бозори жуда жонланиб кетди ва юз ёшлик чол бир ёшлик гўдак билан бир нарҳда кетди. Ўлдирилганлар сони ўйлаш ва тасаввур қилиш доирасидан чиқиб кетди. Ҳарбийлар бошлиқлари бечора ва айбсиз аҳолига раҳм қилиб (қон тўкишни) тўхтатишни илтимос этиб мурожаат қилдилар»¹.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг нотекис ривожланишида босиб олинган ҳудудлар аҳолиснинг бошқа ҳудудларга кўчирилиши ҳам катта роль ўйнаган. Ишлаб чиқарувчи кучлар бўлган аҳоли асосий қатламлари вакиллариининг бошқа ерларга кўчириб олиб кетилиши бир ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этса, бошқасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатар эди. Оқибатда уларнинг тараққиёти бир маромда эмас, балки нотекис ривожланарди. XVII асрга оид бир манбада қайд этилишича, шайбонийлардан бўлган Убайдуллахон (1534—1540) «Урганчни олиб элни Мовароуннаҳрга элтган»². Тинч аҳолининг ўз еридан кўчириб кетилишини Ўрта Осиёнинг бошқа хонлиқлари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ўзаро урушлар оқибатида нафақат шаҳарлар, балки қишлоқ аҳли ҳам бошқа ерларга кўчириб олиб кетилган. XIX аср муаллифи Мирза Шамс Бухорийнинг кўрсатишича, Амир Ҳайдар даврида (1800—1826) «Урганчлик Элгузархон» (1804—1806) «икки-уч минг кишилар билан Бухоро ҳудудига бостириб кириб, мамлакатни талаб, қишлоқ аҳлини хотинлари ва болалари билан биргаликда асирга олиб кетдилар. Шу тарзда, икки-уч йил мобайнида улар Урганчга 40 минг-

¹ *Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история... с. 87.*

² *Абулғозий. Шаҳарайи турк... 149-бет.*

дан 50 минггача бўлган Бухоронинг қишлоқ аҳлини олиб кетдилар»¹.

Сўнги ўрта асрлар мобайнида тез-тез амалга оширилиб турилган ҳарбий ҳаракатлар ва ўзаро феодал ихтилофлар нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, балки маданият ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатган. XVII асрга оид маълумотларга кўра, Андижонда «...мукамаллик ва илм олиш излари бу вилоятда умуман йўқолиб кетишга бориб тақалди ва урушлар қилиш, навкарликка ёлланнишга мойиллик, аскар сақлашга (эҳтиёж) одатлари равнақ топди. Душманнинг кўплигидан бу вилоят аҳолиси ҳеч қачон қуролиларини қўймадилар. Қишлоқ оқсоқоллари ва деҳқонлар далада ишлаган вақтларида ҳам ўқ-ёйни ўз ёнларида ушлаб турадилар»².

Сиёсий қарама-қаршилиқлар авж олган йилларда қаттиқ талафот кўрган маданият ҳақида Маҳмуд ибн Валининг Тошкентга оид ушбу маълумоти ҳам диққатга сазовордир. Баён этилишича, «Шош»дан «Ўтган замонларда кўплаб асил шайхлар, таниқли олимлар ва турли ҳунар соҳиблари етишиб чиққанлар. Лекин ҳозирда, доимий ғалаён ва фитналар оқибатида, Оллоҳга ҳуш келадиган расм-русмларни амалга ошириш ва илм олиш ниҳоятда қийинлашган»³.

Қайд этиб ўтиш лозимки, ўзбек хонликлари тарихида кучли марказлашган давлатнинг борлиги билан характерланувчи даврлар ҳам бўлиб, бу давлатлар тەрасида турган айрим олий ҳукмдорлар кўп ҳолларда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тараққиёти ҳақида қайғурганлар. Шундай ҳукмдорлардан бири XVI аср иккинчи ярмида Бухоро тахтида ўтирган забардаст Абдуллахон II бўлиб, унинг даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида катта силжишлар кузатилади. Хусусан, бу даврда ҳунармандчилик ва савдо кенг ривожланади. Шаҳарларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Биргина Бухоронинг ўзида бозорларнинг турли хиллари — тим, ток, чоҳарсук, расталар, кўплаб карвонсаройлар, сардобалар ва ҳ. к. қурилади. Уша давр тарихчиси қуйидагиларни қайд этган эди: «Унинг (Бухоро) атрофлари... ҳар қандай йўналишда ҳам, йўлда ҳам, даштда ҳам тунашга тўх-

¹ О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы Шемса Бухари. Изд. В. В. Григорьевым. Казань, 1861, с. 6.

² Маҳмуд ибн Вали. Море тайн... с. 17.

³ Уша асар, 57-бет.

таган саёҳатчилар учун очик ҳавода (тунашлари) тўғри келган ер қолмади»¹.

Сиёсий ихтилофлар кучли бўлган йилларда айрим ҳукмдорлар томонидан амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам талончилик ва зўравонлик билан қўшиб олиб борилмаган. Айрим ҳолларда, баъзи ҳукмдорлар иқтисодиётнинг аҳамиятини, ҳарбий ҳаракатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда акс этиши мумкин бўлган салбий оқибатларини яхши тушунган ҳолда ва баъзи бошқа сабабларга кўра махсус буйруқ билан тинч аҳоли ва унинг хўжалигини талашни ман этганлар. XVIII аср муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг ёзишича, Бухоронинг олий ҳукмдори Убайдуллахон аштархоний (1702—1711) Балх яқинидаги Одина мачит деган жойда ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўрган аскарларга «ўз отлари билан аҳолининг экинларини топтамасликлари», кимда-ким ердан «биргина бошоқ узса, ҳаётининг ҳосили ўлим ўроғи остида нобуд бўлади», — деб эълон қилади².

Ўрта Осиё хонликлари тарихий тараққиётининг айрим даврларида, айниқса, XVII аср охири — XVIII аср 70—80-йилларида кузатилган сиёсий парокандалик ва тарқоқлик, ҳокимиятнинг номарказлашуви ва сиёсий тизим инқирози ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тараққиётига асосан салбий таъсир кўрсатса-да, сўнгги ўрта асрлар жамиятида баъзи ижобий силжишларнинг ўрғонишига ҳам сабаб бўлди. Жумладан, сиёсий ҳаётнинг нотекис ривожланиши натижасида қишлоқ ва шаҳарлар алоқасининг узилиб қолиши оқибатида кўпгина савдо-хунармандчилик марказларидаги ҳаёт таназзулга юз тутди. У ердаги асосий ишлаб чиқарувчи кучлар — хунармандлар, савдогарлар ва бошқалар ўзга ерларга кўчиб ўтиб, янги савдо-иқтисодий марказларга асос солдилар ва уларнинг раванқ толишига катта ҳисса қўшдилар³. Шу тариқа узилган хўжалик алоқалари янги марказларнинг вужудга келишига хизмат қилди.

Шундай қилиб, ўзбек хонликларида сўнгги ўрта асрлар мобайнида кузатилган сиёсий ҳаётнинг барқарор бўлмаган шарт-шароитлари, қарама-қарши кучлар

¹ *Ҳафиз-и Таъши Бухари. Шараф-наме-йи шаҳи. ҷ. 2... с. 222.*

² *Мир Муҳаммад Амин-и Бухари. Убайдулла-наме. Перевод с таджикского с примечаниями члена-корреспондента Академии наук Узбекской ССР профессора А. А. Семенова. Ташкент, 1987, с. 117.*

³ *Чехович О. Д. К истории Узбекистана в XVIII в. // Труды ИВ АН УзССР, 1964, вып. III, с. 45.*

фаоллигининг ўсиши, айрим даврларда марказлашган ҳокимиятнинг сусайиши ва ўзаро феодал урушлари билан боғлиқ равишда рўй берган нотекис ривожланиш Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг кенг ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожига таъсир кўрсатиб, унинг нотекис тараққиётига олиб келди.

Ш. ЭСАНОВА

САДР ЗИЁНИНГ «РЎЗНОМА» АСАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Бухоро амирлигида йигирмага яқин тарихнавислар фаолият кўрсатиб, кўплаб тарихий асарлар яратдилар. Шарқшунос олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан улардан айримларининг ҳаёти ва ижоди ҳамда тарихий асарлари ўрганилиб, илмий жамоатчиликка етказилди¹. Аммо, ҳали махсус тадқиқотта жалб қилинмаган кўплаб муаррихлар борки, уларнинг асарлари Бухоро амирлиги, қолаверса Ўрта Осиё халқлари ҳаётида туб ўзгаришлар даври ҳисобланган XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари тарихининг қоронғи саҳифаларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Илмий-адабий мероси, хусусан, тарихий асарлари тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келаётган шундай тарихнавислардан бири Садр Зиёдир.

Муҳаммад Шариф Садр Зиё 1867 йилда Бухоро амирлигининг Зиёуддин туманида таваллуд топди. Унинг отаси Абдушукур диний илмлар билимдони, шунингдек тарих ва адабиётга иштиёқи баланд Бухоро уламоларидан бўлиб Оят таҳаллуסי билан шеърлар ёз-

¹ *Мирзо Абдал Азим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (История мангитских государей). Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л. М. Епифановой. — Москва, 1962; Епифанова Л. М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России (Бухара). Ташкент, 1965; Трактат Ахмада Дониша «История Мангитской династии». Перевод, предисловие и примечания И. А. Наджафовой. — Душанбе, 1967; Садр Зиё. Наводир Зиёя. Таҳияи М. Шукуров ва С. Сиддиқов, Душанбе, 1991; Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сайид Балжувоний. Тарихи нофеий. Бо эҳтимо, тасҳих ва пешгуфтори А. Мухторов, Душанбе, 1994.*

ган¹. Хат-саводини ўз отасининг олдидан чиқарган Садр Зиё кейинчалик Бухоро мадрасаларида таҳсил олади.

Талабалик йилларида Садр Зиёнинг ҳовлиси Бухоро илғор зиёлиларини бирлаштирган марказга, ўзига хос адабий тўғаракка айланади. Садр Зиёнинг уйида 8 ой давомида хизматкорлик қилган Садрриддин Айний бу ҳақда шундай ёзади: «Ҳафтанинг мадрасада дарс бўлмайдиган сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари Шарифжоннинг ҳовлисида шоирлар, шеърят ихлосмандлари, латифагўйлар, баъзан эса олимлар ва созандалар йиғилар эдилар»².

Бу кечалар Садр Зиёнинг шахс ва адиб сифатида шаклланишида катта таъсир кўрсатгани шубҳасиздир. Замондошлари Садр Зиёнинг маърифатпарвар инсон, моҳир хаттот, истеъдодли ёзувчи, бой кутубхонага эга китобсевар эканлигини эътироф этадилар³.

1896 йили мадраса таҳсили ниҳоясига етгач, Садр Зиёнинг қозилик фаолияти бошланиб, то 1917 йилга қадар давом этади⁴. 1917 йилда амир Олимхон (1910—1920) томонидан хуррият ҳақида Баённома (Манифест) эълон қилиниши арафасида амир Садр Зиёни Бухоро қозикалонини этиб тайинлайди. Аммо орадан кўп ўтмай амир ўзининг ислоҳот ҳақидаги ваъдаларидан воз кечади ва Садр Зиё қозикалонликдан четлатилиб, кейинроқ Қаршига қози этиб жўнатилади.

«Колесов воқеаси»дан кейин Садр Зиё инқилобчиларга хайрихоҳликда айбланиб, ҳибсга олинади ва молмулки мусодара қилинади. Бунинг устига у таълиф этган қатор асарлар қўлёзмалари ёқиб юборилади⁵. Қарийб 70 кунга чўзилган маҳбусликдан катта маблағ эвазига

¹ Садр Зиёнинг ёзишича, Абдушукр Бухоронинг Мавлоно Мискин, Мулло Муҳаммад Шариф ва бошқа мадрасаларида мудarrisлик қилади. Кейинчалик амирликнинг Зиёуддин, Қорақул туманларининг қозиси, 1881—1887 йилларда эса Бухоро қозикалонини бўлган.

² Садрриддин Айни. Воспоминания, перевод с таджикского А. Розенфельда, М.-Л., 1960, стр. 384.

³ Қори Раҳматулло Вохеҳ. Тухфат ул-аҳбоб. Ташкент, 1332/1913—1914 г., стр. 311—312; Афзал Махдум Пирмастий. Афзал ут-тазкор. Ташкент, 1336/1917—1918 г., стр. 78 и сл.; Абдулло Хожо Абдий. Таъкират уш-шуаро. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 64, 103* — 104*»; С. Айний. Намунаи адабиёти тоҷик, М., 1924, стр. 399—405; Садрриддин Айни. воспоминания, перевод с таджикского А. Розенфельда. М.-Л., 1960, стр. 416; Садр Зиёнинг кутубхонаси ҳақида қаранг: У. Ҳамроев. Бир шахсий кутубхона ва унинг каталоги ҳақида. Научные работы и сообщения, кн. 6, Ташкент, 1963.

⁴ ЎзР ФА ШИ хазинасида сақланаётган, Садр Зиёнинг ўз дастхати билан кўчирилган № 2315 рақамли қўлёзманинг О⁴ варағида унинг қайси вилоят ва туманларда қозилик қилганлиги рўйхати илова қилинган.

⁵ Муҳаммаджон Шукроров. Шамма аз рўзгори Садр Зиё. Навоиди Зиёия, Душанбе, 1991, с. 118.

(3 млн. сўм) озод этилган Садр Зиё Шахрисазб ҳокими Акромхон тўранинг (амир Олимхоннинг амакиси) шахсий назорати остида шу шаҳарга қози этиб тайинланади. Бухоро инқилобидан кейин у Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти вақф ерлар бошқармасида ишлайди. «Садр Зиё умрининг охирларида, 1923—1924 йилларда ишламас эди... Кўпинча бетоб ётарди, аҳволи озгина яхшиланиши билан кўлига қоғозу қалам оларди. Унинг ёндирилган асарлари асосан шу йилларда қайтадан ёзилган», — деб эслайди асадр Зиёнинг ўғли академик М. Шукуров¹.

Садр Зиё 1932 йилда 65 ёшида Бухоро шаҳрида вафот этди.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида Садр Зиёнинг ўз дастхати билан кўчирилиб, 9 та жилдга жамланган кўплаб биографик ва жуғрофий характердаги рисолалари, тазкиралари ва тарихий асарлари сақланмоқда. Бу асарларнинг аксарияти олима Л. М. Елифанова томонидан қисқача тавсифланган².

Садр Зиёнинг адабий фаолияти адабиётшунослар томонидан атрофлича ўрганилган³. Унинг «Тарих», «Мунтахаб ут-таворих»⁴ («Сайланма тарих»), «Зикри салтанат ва подшоҳин амир Олимхон»⁵ («Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври ва подшоҳлиги зикри»), «Силсилаи хони гитисетон Чингизхон ва байони аҳволоти салотини авлоди он»⁶ («Жаҳонгир хон Чингизхон силсиласи ва унинг ҳукмдор авлодлари аҳволи баёни») каби ҳали алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган тарихий асарларини Бухоро тарихига оид муҳим манбалар сирасига киритиш мумкин.

Садр Зиёнинг тарихий асарлардан ташқари «Рўзнома»⁷ («Кундалик»), «Аз гузаришоти аҳволи банди шикастабол ал-мутахаллис би-з-Зиё Мирзо Муҳаммад

¹ Ўша асар, с. 120.

² Елифанова Л. М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России (Бухара). Ташкент, 1965, стр. 51—60.

³ Худи-Зиде Р. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. Сталинабад, 1956; Ходизода Р. Адабиёти тоҷик дар нимаи дувуми асри XIX. Душанбе, 1968; Сиддиқов С. Стихотворная тазкира Садри Зиё «Тазкори ашъор» и ее научно критический текст. Автореф. канд. дис. Душанбе, 1966; Алиев В. Бухорода битилган байтлар. Тошкент, 1992.

⁴ ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, инв. № 2241.

⁵ ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, инв. № 2193/У.

⁶ ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, инв. № 1304/Ш 2241.

⁷ ЎзР ФА ШИ қўлёмаси, инв. № 2193/Х.

Шариф Садр бин ақзо улқуззот домулло Абдушукур Садр»¹ («Зиё тахаллусли ожиз банда Мирзо Муҳаммад Шариф ибн қози ул-қуззот Домулло Абдушукур Садрнинг бошидан кечирганлари») ва «Таржимаи аҳволи қози Абдушукур»² («Қози Абдушукурнинг таржимаи ҳоли») номли биографик асарлари ҳам борки, уларда муаллиф ва унинг аждодлари ҳаётига доир воқеалар билан бир қаторда мамлакат тарихини ёритувчи қимматли маълумотлар ҳам кўплаб учрайди. Айниқса, муаллифнинг бизгача ягона нусхада етиб келган «Рўзнома» асари Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги сиёсий-ижтимоий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритувчи муҳим маълумотларга бой. Садр Зиёнинг ушбу асари ҳам, юқорида айтиб ўтилганидек, 1918 йилда бошқа асарлари қаторида ёқиб юборилган ва кейинчалик 1920—1930 йиллар орасида муаллиф хотиралари асосида қайтадан ёзилган³.

Асар 1306/1888/89 йилда амирликда тарқалган даҳшатли вабо ва шу касаллик билан муаллиф отасининг вафот этиши воқеалари билан бошланади. Сўнгра Садр Зиё отасининг сиёсий фаолиятини баён қилиб бўлгач (26–47^а в.), ўзи Хайробод туманига қози этиб тайинланган, 1893 йилдан то 1922 йилга қадар Бухоро амирлигида, хусусан, ўзи қозилик қилган вилоят ва туманларда, шунингдек, хорижий мамлакатларда содир бўлган воқеалардан баҳс юритади. Жумладан, асарда Хутфар, Комот ва Сомжин туманларининг сугорилиш тизими (50^а — 53^о в.), 1900—1901 йилларда рус мутахассислари томонидан Амударёда кўприк қурилиши (91^о в.), 1910 йилда Бухорода рўй берган суннийлар ва шиалар тўқнашуви (141^о — 145^а в.), 1917—1918 йиллардаги сиёсий воқеалар (202^а — 232^а в.), амирликнинг тугатилиши (234^а — 245^о в.), 1921—1922 йиллардаги қаршилик ҳаракатлари (246^а — 250^а в.) ҳақида маълумот берилган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Бухоро амирлигининг чор Россияси томонидан забт этилиши тафсилотлари «Рўзнома»дан жой олмаган бўлса-да, муаллиф йўл-йў-

¹ ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2277.

² ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1304/VI.

³ ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1304/IV.

⁴ Садр Зиё. Рўзнома. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. N 2277, 1-в. Бундан кейин «Рўзнома»нинг varaқлари матн ичида бериб борилади.

лакай чоризм истилоеи билан боғлиқ баъзи воқеа-ҳодисаларга тўхталиб ўтади ва Бухоро кўшинларининг урушда энгилиш сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилади (19^а — 20^б; 91^{а-б} в.). Унинг фикрича, тажрибасизлик (камтажрибаги), қурол-аслаҳанинг етишмаслиги (беасбоби) ва аҳолининг бирлашмаганлиги (беиттифоқии аҳоли) ислом лашкарининг мағлубиятига сабаб бўлди (91^а в.).

Асарда 1328/1910 йилда Бухорода суннийлар билан шиалар ўртасида бўлиб ўтган қонли тўқнашувга кенг ўрин берилган. Унда бу можарони келтириб чиқарган асосий сабаблар, унинг бошланишига туртки бўлган баҳона ҳамда воқеаларнинг кейинги ривожини атрофлича баён қилинади. 1910 йилда Қаршида қозилик вазифасини ўтаётган Садр Зиё Қарши кўрғонида ҳам суннийлар билан шиалар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтгани, шахсан ўзининг раҳбарлигида унинг тезда тарқатилгани, шунга қарамай бир неча киши ўлдирилганлиги ҳақида хабар беради (141^а — 146^б в.).

«Рўзнома»нинг 1917—1920 йиллар воқеаларини ёритувчи қисми алоҳида тарихий аҳамиятга эга (202^а — 260^б в.). Садр Зиё бу даврда амирликда юз берган воқеаларни ҳикоя қилишдан олдин Россия давлатидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар — ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати, айниқса унинг биринчи жаҳон урушида иштирокидан норози бўлган мамлакат аҳолисининг 1917 йил февраль ойида кўзғолон кўтариб, подшоҳ ҳукуматини ағдарганлиги тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтади (202^б — 205^а в.). Унинг фикрича, Россия инқилобидан чўчиган Амир Олимхон ва рус резиденцияси вакиллари Бухорода юз бериши мумкин бўлган кўзғолоннинг олдини олиш ниятида мамлакатда ислохот ўтказиш тараддудига тушган.

Амир ислохот ҳақида Манифест эълон қилишдан аввал давлат бошқарувига илғор фикрли уламоларни жалб қилишга киришади. Шу мақсадда 1917 йил 29 мартда Садр Зиёни қозикалон этиб тайинлайди. Садр Зиёнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «Баъзи инқилобчилар ва бир гуруҳ тараққийпарварларнинг талаби билан амир ва вазир мени бу мансаб (қозикалонлик)га муносиб кўриб, унинг ижросига маъмур этиб тайинладилар» (205^б в.). «Рўзнома»да қайд этилишича, Садр Зиё қозикалон этиб тайинланганидан сўнг амир Олимхон ҳукумат таркибига яна бир қатор тараққийпарвар кишиларни жалб этган. Жумладан, ўз даврининг фо-

зил уламоларидан Абдусамад хожа судур Самарқандий Бухоро раиси этиб тайинланади (206^a в.).

Ниҳоят, 1917 йил 7. апрелда Бухоро амири Манифест эълон қилиб, мамлакатда қатор ислохотлар ўтказишга ваъда беради. Бу фармон Бухорода эскилик тарафдорлари билан ислохотчилар орасидаги курашни янада кескинлаштириб юборади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, 1917—1920 йиллардаги сиёсий вазият Садр Зиёнинг биз тадқиқ этаётган «Рўзнома»сидан ташқари Файзулла Хўжаевнинг «Бухорода инқилоб тарихи ва Ўрта Осиёда миллий чегараланишга доир»¹ асарида ҳам муфассал баён қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, ёш бухороликлар ташкилотининг раҳбари сифатида ушбу воқеаларда бевосита иштирок этган Ф. Хўжаевнинг асарида жадидларнинг мақсад ва вазифалари, олиб борган фаолиятлари, гуруҳ орасидаги бўлиниш, уларнинг амир билан муносабатлари ва тўқнашувлари ва ҳоказолар изчил баён этилган бўлса, амирнинг йирик амалдори сифатида мазкур воқеаларнинг гувоҳи бўлган Садр Зиё асосан ҳукумат арбоблари орасидаги тараққийпарвар ва реакцион кучлар ўртасида давом этган курашга эътибор қаратади. Чунончи, «Рўзнома»да баён этилган воқеалардан шу нарса маълум бўладики, ислохотчиларнинг талаби билан ўз мансаби ва мавқеидан ажралган собиқ қозикалон Бурҳониддин, мулло Изомиддин судур ҳамда аввало ўз манфаатлари йўлида курашаётган бошқа бир қатор амалдорлар ва уламолар мутаассиб аҳолига ислохот ҳақида буткул нотўғри маълумот бериб, уларни янгилик тарафдорларига ва ҳукуматда юқори лавозимларни эгаллаган тараққийпарварларга қарши қўйганлар. Масалан, улар ислохот ҳақидаги Баённоманинг бандларини авомга қуйидагича тушунтирганлар: «Хурриятнинг маъноси шуки, хотинлар ҳижоб ва ёпинчиқсиз юзибоши очиқ ҳолда кўчаларда ва бозорларда юрадилар. Насоро аёллари сингари ажнабий эркакларга ҳамроҳ бўладилар. Тенгликнинг маъноси шуки, ислом уламосининг яҳудий ва хундулардан фарқи қолмайди, яъни, масалан, жадидлар бошларидан дасторларини олиб, руслар каби шапка ёки яҳудийлар каби телпак киядилар...» (215^{a-6} в.). Натижада ислохотга ва ислохотчиларга нисбатан аҳолининг газаби орта борган.

¹ *Файзулла Ходжиев. Избранные труды. Т. 1, Ташкент, 1970.*

8 апрелда ёш бухороликлар Манифест учун амирга миннатдорчилик изҳор этиб, тинч намоёнишга чиқадилар. Иккинчи томондан, уламолар, мадраса толиблари Манифестдан ва ёш бухороликлар намоёнишидан норози бўлиб, амирга арз қилмоқ ниятида Аркка қараб юрадилар. Бироқ Садр Зиёнинг ёзишича, амир бу пайтда Аркда бўлмаган. Ғалаёнчилар¹ қалъага бостириб кирадилар ва Бухоро раиси Абдусамад хожага ташланиб, уни ҳушидан кетгунча калтаклайдилар (210⁶ — 212⁶ в.). Эртасига, яъни 9 апрелда ушбу гуруҳ Садр Зиёга ҳам тажовуз қилади. Бу воқеани унинг ўзи «Рўзнома»да қуйидагича ҳикоя қилган: «Ҳозирда Истиқлол майдони деб юритилувчи Регистонга, Арк дарвозасига етиб келиб кўрдимки, ҳар фирқа ва ҳар тоифадан бир қанча (одамлар) ҳар жойда тўп-тўп бўлиб турибдилар. Мени кўриши билан жоҳиллардан бир гуруҳи ўраб олиб, Аркка киришга йўл бермадилар... Шу аснода собиқ қозикалон Бурҳониддиннинг малайларидан Абдулфаттоҳ исмли мударрис келиб этагимга ёпишди. Ҳамроҳлари билан мени отдан йиқитдилар. Муштладилар ва калтакладилар. Бир фурсатдан сўнг шууримдан айрилиб, ундан сўнг нима қилганларини ва уларнинг чангалидан қандай халос бўлганимни билмайман» (216^{а-б} в.).

Ушбу воқеанинг шоҳиди бўлган Муҳаммадали Балжувоний ўзининг «Тарихи нофёй» асарида келтирган маълумотлар ҳам Садр Зиёнинг фикрини тасдиқлайди: «Мажлисга чақирилган Садр Зиё... Регистонга келиши билан йиғилганлар орасидан баланд овоз эшитилди: «Уринглар, у динсиз жадид қозини, бу қадар ғалванинг содир бўлишига у сабабчи, акс ҳолда жадидлар бу қадар ҳаракат қилолмасдилар». Шу маҳал томошабинлар қозикалонни обрўсизлантириш ва уришга интилиб, ҳужум қилдилар ва уни чунонам урдиларки, зардўзи кийимлари пора-пора бўлиб кетди».²

Мутаассиб муллолар Садр Зиёни ҳалок этолмаганларидан сўнг уни қозикалонликдан бекор қилишни талаб қиладилар. Амир уларнинг талабини қондириб шу куннинг ўзидаёқ Садр Зиёни қозикалонликдан, Абду-

¹ Садр Зиёнинг ёзишича, уларнинг сони 500 кишилар атрофида бўлган.

² *Муҳаммадали Балжувоний. Тарихи нофёй*, бо эҳтимом, тасҳиҳ ва пешгўфтори Аҳрор Мухторов. Душанбе, 1994, с. 46; Садр Зиё билан Бурҳониддин орасидаги адоват Фитратнинг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» китобида ҳам зикр этилган. Тошкент, 1992, 24—28-бетлар.

самад судурни раисликдан олиб ташлайди ва мулло Изомиддинни Бухоро раиси этиб тайинлайди.¹

«Рўзнома»да Насрулло қушбегининг ҳам вазифасидан четлатилиши айтиб ўтилади. Садр Зиёнинг ҳикоя қилишича, Бурҳониддин ва Изомиддиннинг одамлари амирликнинг туманларида ҳам вазирга қарши ташвиқот олиб борганлар. Натижада 15 апрель эрталаб туманлардан келган кўплаб кишилар шаҳар дарвозалари олдида йиғилиб, вазирнинг ишдан олинишини талаб қилиб шовқин-сурон кўтарганлар. Шу куни амирнинг буйруғи билан Бухоро дарвозалари беркитилиб оломоннинг шаҳарга киришига йўл қўйилмаган. Бироқ ғалаён эртасига ҳам давом этади, яқшанба куни амир Насрулло қушбегини вазифасидан четлатиб, унинг ўрнига Низомиддин девонбегини вазир этиб тайинлайди (220^б — 222^а).

Хуллас, Бухоро тараққийпарварларига хайрихоҳ бўлган давлат арбоблари — раис Абдусамад хожа, қозикалон Садр Зиё ва вазир Насрулло қушбеги вазифаларидан четлатилгач, шаҳарда вазият анча юмшайди.

«Рўзнома»да муаллиф 14 апрелда, Аркда Бухоро амалдорлари ва уламолари, яъни эскилик тарафдорлари билан Когондан чақирилган жадидлар — янгилик тарафдорларини яраштириш мақсадида амир Олимхон ҳамда Россия резиденцияси вакиллари бошчилигида уюштирилган йиғин хусусида тўхталиб, шу куни ҳам жадидлар яна қадимчиларнинг таъқибига учрагани, қушбеги ҳовлисидаги хоналардан бирида кун бўйи яшириниб, қоронги тунда зўрға Когонга етиб олганларига гувоҳлик беради.² Аммо архив материалларида ушбу йиғин ҳақида ҳақиқатга зид маълумотлар учрайди: «14 апрелда эски Бухорода, Аркда руҳонийлар, амалдорлар, муллобаччалар ва резиденция вакиллари

¹ Садр Зиё «Рўзнома»да Бухоро раиси ва вазирининг мансабидан аزل этилганлиги тўғрисида маълумот берган ҳолда ўзининг қозикалонликдан бекор қилинганлигини тилга олмайди. Бироқ, унинг шу куни ишдан олинганлиги Россия резиденцияси вакилининг 9 апрелда Петербургда, муваққат ҳукуматнинг ташқи ишлар вазирлигига юборган махфий телеграммасида (№ 46/17) баён этилган. Унда шундай дейилади: «Эски Бухорода намойиш ўтказишни қатъийан ман қилган бўлишимга қарамай, 8 апрель эрталаб намойиш уюштирилди ва бу шаҳар ҳамда шаҳарга яқин аҳолининг ғалаён кўтарилишига сабаб бўлди. Ислохот тарафдорлари — раис ва қозикалон калтақландилар ва улар олдинчиларига алмаштирилди». «Красный архив» журналі Т. 1 (20), стр. 91.

² Ф. Хўжасв ҳам юқорида номи эслатилган асарининг «Амир билан олиб борилган муваффақитсиз музокаралар. Бизнинг қамалишимиз» деб номланган бобида ушбу йиғин ҳақида батафсил маълумот берган.

иштирокида жадидлар ярашганлик белгиси сифатида бош закотчи Мирзо Низомиддин билан намоишкоро-на ўпишдилар».¹ Фикримизча, амирликда тинчлик ва тартиб сақланишини назорат қилишга маъсул бўлган резидентлар Россия ҳукуматига нотўғри ҳисобот жўнатган бўлишлари мумкин.

«Рўзнома»да 1918 йил март ойида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. Колесовнинг Бухоро амирига қарши муваффақиятсиз юришидан сўнг амирликда жадидларга қарши бошланган қирғин тўғрисида ҳам кенг маълумот берилган (226^а — 232^б в.). Садр Зиё Колесов кўшинлари билан амир сарбозлари ўртасида бўлиб ўтган жанг тафсилотларига тўхталмайди. Чунки у бу пайтда Қаршида эди. Амирнинг саркардаси сифатида Колесов кўшинларига қарши курашда иштирок этган Мирзо Салимбекнинг «Тарихи Салимий» аса-рида ушбу жанг тафсилотлари — амирнинг жангга ҳо-зирлик кўриши, жанг бошланишидан олдин олиб бо-рилан музокаралар, жангнинг бориши, шўро делега-циясининг Аркада ўлдирилиши, Қизилтепа сулҳининг имзоланиши ва ҳоказолар муфассал баён қилинган.² «Рўзнома»да эса асосан Колесов воқеасидан сўнг амир-ликда бошланган «жадидкушлик» оқибатида «минглар-ча бугуноҳ кишиларнинг қони тўкилганлигини» тасдиқ-ловчи фактлар қайд этилади (226^б — 232^б в.).

«Бухорода кимларни шу номда (жадид) ёки душ-манлик йўлида деб билсалар ёки шунга нисбат берса-лар, дарҳол келтириб қатл эттирдилар», — деб ёзади Садр Зиё (226а — 227б в.). Муаллиф шу тўхмат билан қатл этилган йирик амалдорлардан кўпчилигининг номларини санаб ўтади. Жумладан, собиқ вазир Нас-рулло қушбеги оила аъзолари билан, собиқ хазиначи Абруҳмонбек бий, унинг акаси, Карки вилоятининг ҳокими Мирзо Зайниддин 16 та фарзанди билан, Ғу-зор қозиси Ҳожи домло Ақром судур икки ўғли билан, Қўрғонтепа ҳокими Ҳожи Муҳаммад додхоҳ, Қабодиён ҳокими Саҳбо бий... қатл этилди. «Кимдан гумонсира-салар (уни) узоқ вилоятларга юбордилар. Баъзиларни қатл этдилар, айримларни ҳибсга олдилар», — деб ха-бар беради муаллиф (224б — 225а).

¹ *Тўхтаматов Т. Ғ.* Русско-Бухарские отношения в конце XIX и начале XX вв. Ташкент, 1966 г., стр. 139.

² *Мирзо Салимбек. Тарихи Салимий.* ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2016, 246^б — 259^б-варақлар.

Шу маҳалда Қаршида қозилик вазифасини ўтаётган Садр Зиё у ердаги хунрезликларни ҳам қаламга олади: «Қаршида Қўрғон дарвозаси майдонида бир кеча-кундузда 450 нафар эркагу аёл, кофиру мусулмонларни ошқора қатл этдилар. Ушбу сатрлар муаллифи мажбуран у ерда ҳозир бўлиб унинг нималигига гувоҳ бўлдим...» (228^а в.). Кўп ўтмай Садр Зиёнинг ўзи ҳам бутун оила аъзолари ва атрофидаги кишилар билан ҳибсга олинади.

Хуллас, «Рўзнома»дан жой олган ушбу қонли воқеа ҳақидаги маълумотлар тарихий адабиётлардаги материалларни тўлдиради.

Асарда 1920 йилда Бухоронинг большевиклар томонидан забт этилиши, амирликнинг тутатилиши, шаҳарнинг вайрон этилиши тафсилотлари умумий тарзда қисқача баён қилинган (234^а — 245^б). Садр Зиё амир ҳокимиятининг қулашига сабаб бўлган жиҳатлар ҳусусида умумий хулоса чиқаришга интилади. Унинг фикрича, амир гўл ва нодон кишиларга ҳомийлик қилиб, ақли ва тадбиркор кишиларни хизматидан четлатгани, оқилна маслаҳатларга қулоқ солмагани боис Бухоро давлати таназулга юз тутди (235^а). Муаллиф амирликда 1921—1922 йилларда олиб борилган қаршилик ҳаракатлари ҳамда 1923—1929 йилларда Афғонистон, Эрон ва Туркияда бўлиб ўтган йирик сиёсий воқеалар тўғрисида қисқача ахборот бериш билан кундалигига яқун ясайди.

«Рўзнома»да биографик ҳамда сиёсий характердаги ахборотлардан ташқари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти, шунингдек, қатор хорижий давлатлар (Эрон, Афғонистон, Япония, Туркия, Россия) тарихи, табиат ҳодисалари (зилзилалар, самовий ҳодисалар) ва ҳоказоларга оид маълумотлар кўплаб учрайди. Бундан ташқари асар ўша давр Бухоро адабий муҳитини ўрганишда ҳам манба бўлиб хизмат қила олади. Бинобарин, «Рўзнома» Бухоро амирлигининг XIX асрнинг охири — XX асрнинг биринчи чорагидаги тарихини ҳар томонлама ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТАШКЕНТСКИХ МАХАЛЛЕЙ ВО II ПОЛОВИНЕ XIX — НАЧАЛЕ XX ВЕКА

История Ташкента насчитывает свыше двух тысячелетий. Он возник на месте родового поселения и формировался на перекрестке международных торговых путей, при тесном взаимодействии оседлых и кочевых народов, что наложило отпечаток на общественный быт его жителей.

Во второй половине XIX в. Ташкент представлял собой типичный среднеазиатский торгово-ремесленный город и являлся главным в Туркестанском крае и одним из крупнейших на Востоке — местом, где были сосредоточены государственные и общественные учреждения.

Население города за вторую половину XIX в. выросло вдвое: если в 1869 г. здесь насчитывалось 73,8 тыс. чел., то в 1902 г. — 164,2 тыс. чел.¹

Как и большинство древних городов Туркестана, он был построен не по определенному плану, а расширялся естественным путем, разрастаясь во все стороны от торгового центра — базара. Еще в X в. город был обнесен высокой глиняной стеной, в которой имелось 12 ворот (дарвоза) — Коймас, Коканд, Кашгар, Лабзак, Тахтапуль, Карасарой, Сагбон, Кукча, Чагатай, Самарканд, Камалон и Бешагач. От ворот начинались главные улицы, расходящиеся неправильными линиями множества переулков по всему городу.

В возникшей рядом со старым городом так называемой новой, европейской части проживало в 1869 г. 2462 чел. За период с 1869 по 1902 г. население четырех даха, т. е. старой части города, увеличилось до 133,8 тыс. человек, т. е. в 2 раза, а новгородской части — в 1,6 раза и составило 33,4 тыс. чел.²

¹ Мулладжанов Н. Р. Население Ташкента. Ташкент, 1983. С. 10.

² Там же. С. 10.

**Численность и размещение населения Ташкента
во II пол. XIX в. (в тыс. чел.)¹**

Часть города	1869	1876	1884	1902
1. Бешагачская	14,3	10,6	16,8	30,0
2. Кукчинская	22,9	13,5	19,1	32,8
3. Себзарская	15,0	12,7	19,7	33,5
4. Шейхангаурская	18,7	15,0	21,5	34,5
5. Новый город	2,1	7,6	13,0	33,4
6. Всего	73,8	59,4	90,1	164,2

Эти данные говорят об относительно быстром росте населения Ташкента во II половине XIX в. Характерно, что его увеличение происходило в основном за счет военных, чиновников, купцов и других предпринимателей — выходцев из различных губерний России, а также лиц, прибывавших из разных районов края в поисках работы.

Ташкент издавна был населен узбеками-сартами. Н. Г. Маллицкий считал, что физический тип сартов Ташкентского оазиса характеризовался смешением двух этнических компонентов — иранского и тюркского. Ташкентские сарты говорили на тюркском языке. Помимо узбеков-сартов, в Ташкенте компактными группами жили и представители других родоплеменных объединений: дурмон, кибрай, канглы, дархан, сиргели и др.

Помимо этого, в Ташкенте проживали представители других национальностей. По данным первой всеобщей переписи населения Российской империи 1897 г., узбеки составляли подавляющее большинство горожан — 82,5%, русские — 11,4%, таджики, татары, казахи, среднеазиатские евреи, армяне и др. — 6,1%².

После вхождения Туркестана в состав Российской империи в Ташкенте возникла русская часть, которая быстро росла, что способствовало увеличению опережающими темпами инонационального населения. За период с 1868 по 1910 год численность всего населе-

¹ Муалляджанов Н. Р. Указ. соч. С. 10.

² Первая всеобщая перепись населения Российской империи. 1897. Т. 86, Сырдарьинская область. С. 67.

ния города выросла в 3,2 раза: узбеков — в 2,4, русских — в 22,6, татар — в 63, евреев — в 15,3 раза¹.

В административном отношении Ташкент с XVIII в. делился на 4 части (даха, юрт), которые соответствовали издревле существовавшим четырем поселениям — Шейхантаур, Себзар, Кукча и Бешагач. Каждая даха управлялась аксакалом (мингбоши), подчинявшимся непосредственно правителю города — беку, имела своего казия, арык-аксакала. Даха состояла из множества махаллей, находившихся в ведении юзбоши. Число махаллей в Ташкенте в конце XIX в. доходило до 150. Как сообщает Н. А. Маев, их было 149, из которых 48 находилось в Шейхантауре, 38 — в Себзаре, 31 — в Кукче и 32 — в Бешагаче².

Махалля была административно-территориальной единицей, жители которой объединялись в своеобразную общину и были связаны узами взаимопомощи, совместным участием в общественной жизни, в семейных обрядах. Каждая махалля располагала общественным центром, куда входили мечеть, чайхана, торговые лавки, базарчик, а иногда и караван-сарай. В ее распоряжении имелись посуда, ковры, различная утварь для свадеб, а также носилки (тоут) для умерших. За ней было закреплено кладбище или его часть. Помимо этого, каждая махалля имела свои земли в загородной части (мауза), где жители города занимались земледелием.

Махалля возглавлялась аксакалом (юзбоши), который подчинялся мингбоши даха. Он избирался на собрании представителей махалли, но по существу его кандидатура определялась богатой, байской прослойкой общества.

Хозяйственной, правовой и религиозной жизнью общины руководили аксакал, мулла, а также группа старейшин. В XIX — начале XX века роль этих лиц в общественной жизни махалли, особенно в проведении обрядов, была весьма значительна: они осуществляли надзор за поведением членов общины, разбирались в конфликтных ситуациях, руководили застольями, наблюдали за чистотой и порядком. Среди женской части сходные функции выполняла выборная старшина

¹ Развитие хозяйства и культуры г. Ташкента. Статсборник. Ташкент, 1972. С. 9.

² Маев Н. А. Азиатский Ташкент. В кн.: Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV, Спб., 1876. С. 262—265.

(кайвони), хорошо знавшая обычаи и традиции. Выбиралась и ее помощница (ходима).

В социальном отношении в начале XX в. население города делилось на следующие группы: крупные и мелкие светские феодалы, духовенство, купцы и ростовщики, ремесленники, мелкие торговцы, земледельцы-издольщики (чайрикеры), а также лица, не имевшие определенной профессии и работавшие по найму (мардикеры). Ташкент в этот период по-прежнему оставался центром ремесла и торговли: в промышленном и кустарном производстве было занято 29,5, в торговле — 17,8, в армии — 15,8, в сельском хозяйстве — 8,1% всего населения¹.

Основными занятиями жителей Ташкента были различные виды ремесел, торговля и земледелие. Изначально жители, занимавшиеся одним и тем же видом промысла, жили в определенных махаллях или частях города. Так, например, жители Шейхантаура славились своим мастерством в литье чугуна, производстве седел, маслобойном деле и в особенности в ткачестве (маты). В Себзаре с давних пор занимались ткачеством и окраской материй, а также сапожным делом. На Кукче было популярно кожевенное дело, ибо к этому располагала сама местность, где протекал Жарарык: в 1871 г. из 695 мастерских, расположенных здесь, 341 были кожевенные². Тут же действовали 6 кирпичных заводов, 7 — по производству глиняной посуды, 22 маслобойни, на которых были заняты жители этой части города. Что касается Бешагача, то его население занималось в основном садоводством. Здесь находились самые лучшие сады и пашни Ташкента.

То, что ташкентские махалли заселялись по производственному принципу, нашло отражение в их названиях по профессиональному составу жителей: Темирчи, Мискарлик, Кошикчилик, Такачи, Эгарчи, Парчабоб, Заргарлик, Укчи, Чакчимон, Дегрез и др. По названию этих махаллей можно определить географию ремесленного производства в Ташкенте. Махалли, расположенные на главном базаре города и вокруг него, именовались по товару, который там продавался: Тунки-базар, Эгар-базар, Туз-базар, Ипак-базар, Сандук-базар и др.

¹ Первая всеобщая перепись... Т. 86. С. 117.

² Маев Н. А. Указ. соч. С. 266.

В названиях махаллей отразился также и этнический состав городского населения, формировавшийся многие годы. Анализ этих названий свидетельствует о тюркско-персидском происхождении жителей при явном преобладании тюркского: 105 наименований было тюркского происхождения, 44 — иранского, 35 происходили от слов, одинаково употребляемых в персидском и тюркском языках¹.

В XIX в. существовали махалли, жители которых заселялись преимущественно выходцами из одной этнической группы: Таджик, Кашгар, Моголкуча, Канглы, Тюрк, Кальтатай, Чагатай. Ряд названий махаллей отражал сословный характер общества: Ходжи, Уламо. В Ташкенте насчитывалось несколько махаллей, в которых проживали преимущественно представители зажиточных сословий: Бойкуча, Казыкуча, Ходжикуча, Ишангузар и др. Однако надо отметить, что наряду с жителями, объединенными в профессиональном, социальном и сословном отношениях, в каждой махалле обитали лица и других сословий, социальных групп и профессий.

Ряд махаллей носили имена известных людей, святых или именовались по названию мечетей: Хаст Имам (Хазрат Имам), Тиллашайх, Юнусхон, Шайх Зайнутдин бува, Акмачит, Салимачит. Одна из махаллей, расположенных вблизи Сагбана, называлась по имени видного ученого и хафиза Хофиз Кухакый (Кухаки — старое название Паркента).

Трудно определить время появления махаллей в Ташкенте, но все обследованные махалли (в пределах городской стены) насчитывают по несколько столетий. По некоторым данным, махалля Обиназир существует 600 лет, наименование махалли Чагатай и время ее возникновения жители связывают с прибытием сюда сына Чингисхана — Чагатая (XIII в.). Однако есть версия, что ее название происходит от наименования жителей одного из узбекских уругов — чагатай.

Как уже упоминалось, основными занятиями ташкентских сартов во II половине XIX в. были ремесленное и кустарное производство, торговля и земледелие.

Ремесленники составляли основную массу населения Ташкента. В основном ремесло было представле-

¹ См.: *Малыцкий Н. Г.* Ташкент махалла ва мавзеълари. Тошкент, 1996. 7-бст.

но домашним и цеховым производством. Все ремесла были поделены по цехам, которые располагались на отдельных улицах и махаллях. Во главе цеха стоял мастер (уста), который строго соблюдал его обычаи. Каждый цех имел свое рисола, находился под покровительством патрона (пира).

Наибольшего развития в Ташкенте достигло изготовление бумажных и полушелковых тканей. В конце 90-х годов XIX в. здесь насчитывалось 775 ткацких мастерских. Ташкентские ремесленники производили бязь, басму (набивная бязь преимущественно красного цвета), алачу (хлопчатобумажная ткань), а также бекасам, шои, шои-ипак и аркок (род атласа). Последние покупала в основном состоятельная часть населения. Текстильное производство в Ташкенте было организовано в форме разветвленной мануфактуры с использованием труда рабочих-надомников и делилось на отдельные виды (очистка хлопка, прядение, ткачество, окраска) между определенными семействами. Причем большая доля труда приходилась на женщин и подростков, которые занимались очисткой хлопка, выделкой пряжи, наматыванием ниток и т. п.

В городе были развиты и другие виды ремесленного производства — такие, как кожевенное, маслобойное, сапожное, кузнечное, литейное, ювелирное и др. В махаллях, расположенных по улице Самаркандарвоза, в 1871 г. имелось 700 ремесленных мастерских, 75 из которых было связано с обработкой кожи. В Ташкенте для местного употребления изготавливали зеленую кожу, мыло, серебряные и медные изделия, а также обрабатывали свинец. О степени развития ремесленного производства говорят также данные о количестве лавок на базарах города.

Нахлынувшие лавиной изделия русских фабрик и заводов стали подтачивать те устои, на которых держалось ремесленное и кустарное производство города, и быстро вытеснять местные ремесла. По данным Н.А. Маева, в 1871 г. кожевенных заведений было 341, в 1885 г. — только 76, а в 1892 г. — 66, красильных мастерских в 1876 г. было 300, в 1885 г. — 48, а в 1892 г. — 20¹.

С одной стороны, кустарям приходилось приспособлять свою продукцию к вкусам русского населе-

¹ Маев Н. А. Указ. соч. С. 265.

ния. Так, например, седельники стали изготавливать английские седла, столяры — шкафы, портные начали шить халаты не вручную, а швейными машинами. С другой стороны, появление крупных предприятий приводило к закрытию множества мелких мастерских.

С 90-х годов XIX в. метные кустари начинают производить ткани по образцам русских материй, выписывая для этого рисунки из центральных губерний России. Однако постепенно увеличивающийся ввоз тканей из России стал вытеснять продукцию местных мастеров с рынка. Занятие ткачеством стало невыгодным, заработки ткачей оказались ниже заработков мардикеров. Правда, иногда в этой неравной борьбе местные кустари все же выходили победителями. Например, мастера по изготовлению сундуков освоились с требованиями рынка и нашли способ изготовления отдельных деталей на месте. В наибольшей степени жертвами конкуренции стали кустари-кожевенники. Ташкентские изготовители зеленой шагрени (сагирчи) издавна умели придавать своему товару особую прочность, поэтому их продукция всегда имела большой спрос. Однако с поступлением на рынок русской кожи он значительно упал. Так, к концу 90-х годов в Ташкенте осталось менее 40 сагирчи, заработок которых составлял не более 30 копеек в день, поэтому они, как и другие кустари — подкладочники (астарчи), брались за кетмень, считая мардикерство более выгодным занятием.

Значительные изменения на рубеже XX в. произошли и в производстве халатов, которым в Ташкенте занимались более 1000 семей, прежде всего в способе производства и распределении труда. Если раньше в этом промысле господствовал ручной труд, то в начале века первенство заняла швейная машина, причем эта эволюция отразилась и в названии лиц, выполнявших такую работу: прежние «тикувчи» стали называться «машиначи». Кроме того, если раньше женщины занимались непосредственно шитьем халатов, а мужчины — их кройкой и продажей, то отныне первенство перешло к последним. Так как работа обычно производилась в лавке на базаре, на виду у всех, считалось, что шитье на швейной машине якобы приличествует только мужчине.

Таким образом, в ремесленном производстве после присоединения Туркестана к России произошли существенные изменения. С одной стороны, началось разо-

рение кустарей в некоторых отраслях, с другой — совершенствовалась работа мастеров, которые стали применять новые приемы труда и инструменты. Так, например, в Ташкенте стали появляться более крупные мастерские, где были заняты преимущественно наемные рабочие (без личного участия в производстве самого владельца и членов его семьи), новые отрасли кустарного производства, началось освоение новых специальностей, неизвестных ранее местным жителям: открылись часовые мастерские, мастерские по производству красок, белешвейные, мебельно-обивочные и драпировочные, слесарные (по типу европейских), стекольные, лесопилки, появились кровельщики, маляры, фотографы и др.

Исключительное место в жизни ташкентских сартов занимала торговля. Как известно, именно купцы и торговцы составляли значительную часть населения города. Человек, обладавший даже незначительными средствами (20—30 руб.), принимался торговать, потому что, во-первых, это занятие было более выгодным, а во-вторых, как сообщает Н. Маев, сарт считал себя скорее купцом (савдогар), чем простолюдином (фукаро), и при первой же возможности бросал поденную работу и заводил лавочку (бакалла)¹.

Если говорить о том месте, которое занимала торговля в жизни городских жителей, то необходимо учитывать тот факт, что ташкентские сарты обычно сочетали основную работу (ремесло или земледелие) с торговлей, поэтому почти в каждой махалле был свой небольшой базарчик на гузаре, где, как правило, имелись бакалейная и масляная лавки, в которых местные жители сбывали свой товар. Естественно, что основную часть продукции горожане реализовывали не на этих гузар, а, конечно же, на крупных базарах. Самый главный был расположен на севере города: обширный базар, видимо, древнего происхождения — «Эскижува». Это был не только географический центр старого Ташкента, но прежде всего экономическое «сердце» города, место встреч, проведения различных зрелищ, празднеств, а также казней. Именно здесь люди обменивались новостями, получали информацию. Огромная площадь, занятая базаром (длина 400, ширина 100 сажень), имела множество улиц, в основном крытых,

¹ Маев Н. А. Указ. соч. С. 265.

по обеим сторонам которых располагались многочисленные лавки со всевозможными товарами. Во II-й половине XIX в. на Эскижува располагалось до 2763 лавок и 16 караван-сараев для оптовых складов¹.

Специализированных рядов, разделявших базар, по некоторым данным, было около 30: фруктовый, хлебный, мясной, ковровый, посудный и т. д. Каждый ряд избирал своего главу — аксакала, который был призван следить за порядком на базаре.

Торговля распределялась следующим образом: первое место по количеству занимали лавки с мануфактурным товаром, затем — мясные и продуктовые, торговавшие самоварами, чайной посудой, шелком, обувью, женскими и мужскими халатами, и далее — кожей, арканами, кошмами и разновидностью бычьей кожи для изготовления махси, тюбетейками, коконами, шелковой тесьмой и шкурками.

Из числа промысловых и ремесленных заведений главные места на базаре занимали мельницы (до 90), за которыми следовали кожевенные, кузнечные, сапожные, красильные, а также лавки серебряников, пирожников, ростовщиков и менял².

Интересно, что торговые лавки фактически представляли собой мастерские, где можно было наблюдать сам процесс изготовления товара. Так, например, починщик посуды (кадакчи) или сапожник сидели у порога и занимались своим нехитрым ремеслом, сшивая махси или чиня посуду; продавцы пельменей или каурдака готовили свои блюда прямо на глазах у прохожих, распространяя вкусные запахи, и это было самой лучшей рекламой; кузнецы устраивали свои очаги и станки прямо на улице, а медники на виду у всех выделывали свои кумганы и другую посуду.

Кроме махаллей, городу принадлежали также и мауза (урочища) — загородные местности, расположенные за городской стеной земельные участки (бог, дала), где ташкентцы жили летом. Н. Г. Маллицкий считал, что они отчасти были общественными, находились в пользовании жителей отдельных кварталов и поэтому назывались по имени соответствующих махаллей (например, Чувалачи, Хиябан, Тахтапуль и т. д.)³.

¹ Моев Н. А. Указ. соч. С. 295.

² Там же.

³ Маллицкий Н. Г. Ташкентские махалли и мауза. Ташкент, 1927. С. 109.

Зона маузы широким кольцом охватывала весь город, составляя от 4 до 6 километров. Владельцы маузы обитали здесь только летом — разводили сады, виноградники, сеяли хлеб и другие сельхозкультуры, заготавливали их на зиму или для продажи. На маузе возводилось временное жилье. Осенью жители возвращались в свои городские дома.

Однако к началу XX в. таких общественных земель почти не осталось, так как шел постепенный процесс их поглощения частными владениями, имевший стихийный характер (подкоп холмов для изъятия глины, застройки, посадка деревьев и т. п.) Входящие в состав маузы кишлаки в начале XX в. растворились в городе, передав свои названия жилым массивам и кварталам. Например, Бешкайрагач, Чупонота, Катартал, Чилонзор, Тахтакуприк, Мирабад, Юнусабад, Актепа, Дархан, Ялангач и др.

Клочки общественных земель уцелели лишь кое-где, особенно в Кукчинской части, в виде неорошаемых холмов¹.

Из-за этого, как считал Н. Г. Маллицкий, в городе почти совсем исчезла старая городская стена: к началу века сохранились лишь остатки стены между Кукчинскими и Чагатайскими воротами и от Бешагачских ворот до Камалонских.

Кукчинская даха — одна из четырех частей старого Ташкента, расположенная в его западной части, — в начале XX в. доходила до улицы Сагбан, а на юго-востоке — до улицы Самарканд-дарвоза. Эта часть Ташкента была названа так потому, что здесь была холмистая местность, покрытая зеленью. В XIX в. ее граница на западе доходила до Кукчинских ворот: здесь была расположена махалля Обиназир. Возникшая рядом с ней махалля Янги-шахър, как и говорит ее название, была частью нового города, расположенного вокруг Кукчинских ворот. Западнее этой территории размещались сады и поля, куда на лето выезжали жители таких кукчинских махаллей, как Гулобод, Сархумдон, Бедазор, Каллахона.

В результате перенаселенности этих махаллей в 20—30-е годы начинается интенсивное освоение новых близлежащих земель, на которых возникают махалли Оклон-1, Оклон-2 (Навруз), Кукча, заселение

¹ Маллицкий Н. А. Указ. соч. С. 109.

выходцами из старых махаллей Кукчи (Обиназир, Каллахона), занимавшимися выделкой кожи (кунчилик), а также земледелием. Эти махалли с самого начала застраивались плановыми домами, поэтому их внешний вид значительно отличался от прежних. Здесь стали селиться и русские семьи, выехавшие из России во время голода или прибывшие сюда на работу в 20—30-е годы. Подобные процессы наблюдались и в других даха, и по названиям ряда местностей, которые в XVIII—XIX в. вошли в состав Ташкента, можно судить о том, как он разрастался. В черту города вошли выселки Алмазар, Хаузбаг, Урикзор, Кадуват, Арпа, Тупкайрагач, Хиябан, Кыркбирба, Каттабог и др.¹

Ряд современных махаллей Бешагачской даха, расположенных на улице Самарканд-дарвоза, в прошлом представляли из себя сады, где в летних постройках селились жители соседних махаллей. Так, известный узбекский писатель А. Кадыри жил в махалле Каттабог, а его сад находился за километр от дома в современной махалле Самарканд-дарвоза, расположенной на окраине города у его ворот.

О том, что ряд бывших выселок в XVIII—XIX вв. превратился в городские кварталы, говорят и следующие названия: Янги-махалля, Янги-шахар. Таким образом, к началу XX в. в Ташкенте вместо 12 исторических ворот и 2 проходов существовали 12 местностей, носивших название ворот (дарвоза), а именно: в Шейхантаурской части — Кашгар-дарвоза и Лабзак-дарвоза, в Бешагачской — Бешагач-дарвоза, Камалон-дарвоза и Самарканд-дарвоза, в Кукчинской — Кукча-дарвоза, Чагатай-дарвоза и Сагбон-дарвоза и в Себзарской — Карасарой-дарвоза, Тахтапуль-дарвоза. А названия Кокандских ворот и Коймас, обращенных в сторону русского города, исчезли совсем.

¹ *Филанович М.* Роль топонимики и археологии в изучении истории Ташкента. В. кн: Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. Тошкент, 1994. 47-бет.

К ИСТОРИИ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ОДЕЖДЫ

(Развитие и трансформация женской одежды
в Ташкенте в XX веке)

Обретение Узбекистаном суверенитета открывает новый этап в исследовании традиционной узбекской культуры.

За годы советской власти традиционное общество в Узбекистане не было полностью разрушено, и, следовательно, традиционные ценности и институты продолжают играть здесь существенную роль.

Сохранился и сегодня обретает новую жизнь такой институт традиционного общества, как махалля. Именно в махалле до сегодняшнего дня сохранились многие обряды и обычаи, традиционная узбекская культура, одной из важных элементов которой является национальная одежда.

Наиболее значительные работы по проблеме узбекского национального костюма были подготовлены такими известными этнографами, как О. А. Сухарева, Р. Я. Рассудова, К. Ш. Шаниязов, Т. Файзиев, М. В. Сазонова, К. Л. Задыхина, Н. П. Лобачева, М. А. Бикжанова. Но среди них нет посвященных одежде ташкентских узбечек, рассматривающих проблему в историко-этнографическом аспекте и охватывающих весь XX век. Попытаемся проанализировать влияние исторических, социально-экономических, этнических, психологических и других факторов на трансформацию форм и функций женской национальной одежды.

Комплекс женской национальной одежды состоял из платья, штанов, халата и головного убора.

Национальный узбекский костюм складывался на протяжении многих веков. На его формировании отразились этнические, исторические и другие процессы. В XX столетии одежда ташкентских узбечек претерпела существенные изменения. Основная их направленность — это европеизация костюма, постепенное наделение его общеевропейскими стандартами. XX век в истории Узбекистана можно поделить на

три этапа: «досоветский», «советский», период независимости.

В начале XX века в гардеробе ташкентских узбеков прочное место заняли платья с отрезной кокеткой, которые представляют собой основную часть национального узбекского костюма, предназначенного как для праздников, так и для будней. До этого времени традиционное платье имело туникообразную форму.

Широкое платье свободного покроя, которое получило распространение в XX столетии, практически и удобно в условиях среднеазиатского климата. Традиционное принятие пищи на полу также позволяет сделать вывод об удобстве и практичности данного фасона. Традиционные узбекские платья шьются как из простых тканей (буз, чит) для повседневного ношения, так и из более дорогих (атлас, товар, парча), предназначенных для праздничных событий. Важное значение всегда имел цвет: молодые женщины надевали платья ярких цветов, а женщины постарше — более приглушенных тонов. Возрастная дифференциация в выборе цвета одежды важна и сегодня.

Показателями возрастных отличий женского костюма ташкентских узбеков являются не только цвет, но и различные элементы одежды. Например, замена девичьего платья с горизонтальным вырезом на платье с глубоким вертикальным вырезом на груди с завязками после бракосочетания.

На возрастное деление в одежде узбеков большое влияние оказывал психологический фактор, который выразался в том, что молодежь обычно тянулась ко всему новому и быстро осваивала его, среднее же поколение относилось к нему с осторожностью и принимало лишь частично, а старики и вовсе отказывались от новомодной одежды. Поэтому один и тот же фасон сначала утверждался в молодежном костюме, затем переключивался в ранг второстепенных и использовался средним поколением, а в конце своего пути оседал в костюме стариков. До сих пор в одежде престарелых людей можно встретить наиболее архаичные элементы, бытовавшие еще в XIX веке (например, туникообразный покрой платья). В современный период возрастная дифференциация костюма узбеков является самой основной причиной его стилистического разнообразия. Но, как отмечал В. П. Богатырев, «костюм подлежит цензуре коллектива, коллектив диктует,

что в костюме можно изменить, а что нельзя»¹. В нашем случае «индикатором», «цензурой» национальной одежды является общественное мнение махалли. Кроме того, существуют определенные нормы мусульманской этики, на которых и основывается общественное мнение местных жителей.

Для развития костюма в Ташкенте имелись все условия, которые сложились издавна, как во всяком крупном, богатом городе с развитыми ремеслом и торговлей. Город был связан с другими районами, откуда поступали различные материалы для производства одежды.

В 20-е годы XX столетия в моду стали входить льняные ткани, ввозимые из России. Узбекское население Ташкента первоначально не воспринимало это новшество, в связи с чем возникли различные поверья. Например, А. Шишов в своей работе «Сарты» отмечал: среди местного населения бытовало мнение, что человек, надевший одежду, сшитую из льняной ткани, будет сильно болеть².

В целом 20—30-е годы были отмечены налетом консерватизма по отношению к новым веяниям моды: все, что было нетрадиционным, принималось с трудом. Военные годы отличались бедностью, когда основная масса населения не имела даже сменной одежды: в это время мужчины и женщины надевали любую одежду независимо от традиций; красивые национальные украшения, вышитые паранджа и чапаны продавались или обменивались на продукты.

Послевоенные годы отмечены возникновением новых тенденций в одежде. В 50—60-е годы в гардеробе женщины-узбечки постепенно появляются платья европейских фасонов («татьянка» и др.). Отрезные по талии платья стали входить в моду под влиянием все расширяющихся контактов с представителями других этнических групп, а также в связи с появлением в продаже одежды фабричного производства. Несмотря на широкое распространение платьев с поясом, женщины старшего поколения до сих пор не воспринимают этот элемент одежды, так как это идет вразрез с традицией — подпоясывание одежды имеет ри-

¹ Богатырев В. П. Вопросы теории народного искусства. М., 1971. С. 300.

² Шишов А. П. Сарты, ч. I. Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области, кн. XI. Ташкент, 1904. С. 43.

туальный смысл: женщины надевают на себя пояс-«бельвог» в случае смерти кого-то из близких. Табуируется и цвет: черный и темно-синий тона — символы похоронно-поминальных обрядов. Запрет накладывался раньше и на ношение женщинами мужской одежды. Мужская одежда, надетая женщиной, по поверью, могла накликать смерть мужа или близкого родственника. Поэтому брюки на молодых женщинах и девушках пожилые женщины до сих пор воспринимают укоризненно. Несмотря на это, молодые женщины-узбечки носят сегодня брючные костюмы. В моде среди них также платья европейского покроя из тканей, ввозимых из-за границы: Турции, Объединенных Арабских Эмиратов. Выбирая наряд, женщины-узбечки стараются не отступать от норм мусульманской морали: длина платья должна быть ниже колен, фасон без глубокого выреза и с рукавами.

Обязательным элементом традиционной одежды ташкентских узбечек были штаны «лозим» (в переводе с арабского означает «необходимое»), которые как раньше, так и теперь шьются из атласных и простых тканей.

К верхней женской узбекской одежде относятся стеганные халаты. Их покрой несколько отличается от покроя мужских халатов: ворот женского халата более открытый и широкий, его борта почти не сходятся. Выбор ткани зависел от возраста женщины: молодым полагалось придерживаться яркой розовой, красной, лиловой гаммы, пожилым — расцветок, в которых преобладала сине-зеленая и фиолетовая гамма. Такие халаты в Ташкенте сегодня почти не носят, они являются частью празднично-обрядовой одежды.

В XIX в. в Ташкенте выходной верхней одеждой был мурсак¹. Его шили из атласных и парчовых тканей. С начала XX века мурсак перестали носить, но считается, что он должен быть у каждой женщины, потому что по обычаю им прикрывают умершую. Для этой цели он употребляется в Ташкенте и сегодня.

Разновидностью женского халата была и особая (городская) одежда — надеваемая на голову паранджа. Нивелирующий характер этой одежды, назначение которой состояло в том, чтобы женщины не отличались друг от друга, был причиной того, что к ней относились

¹ Бикжанова М. А. Мурсак — старинная верхняя одежда узбечек г. Ташкента // Памяти А. С. Андреева. Сборник статей. Сталинабад, 1960. С. 50.

небрежно, приходя в гости, женщины бросали паранджу в прихожей. До того как появился обычай делать нарядные паранджи, эта одежда мало что говорила о своей хозяйке, ее социальном положении, возрасте, внешности¹. Черный цвет паранджи, в которой ходили в Ташкенте, считался символом зла и несчастья.

Ношение паранджи принадлежало к тем атрибутам ислама, от которых отказались в советское время. Этому способствовала целенаправленная политика государства, предусматривавшая раскрепощение женщин². Однозначного отношения к ликвидации паранджи не было. Многие женщины не отрицали, что это негативно влияло на психологический климат в семье. Это, вероятно, объясняет тот факт, что обычай носить паранджу сохранялся в Узбекистане до начала 60-х годов.

Ношение паранджи являлось одной из важных норм мусульманской этики. В Коране есть указание, относящееся к поведению женщин вне дома: это необходимость скрываться от посторонних взглядов, чтобы избежать оскорбления³. Кроме того, паранджа наделялась защитными свойствами отпугивания «нечистой силы». С этим связано, вероятно, то, что позже такими свойствами стали наделяться некоторые виды косметики: сурьма и усьма.

Усьма, например, считалась священной. Сок этого растения в народе называли «слезами Аллаха». Этим соком красили брови и ресницы. Сурьма, употребляемая для подводки глаз, также считается священной: она обладает свойством защищать женщину от чужого глаза.

В данном случае наблюдается перенос защитных свойств с определенного вида одежды на некоторые виды косметики.

Н. П. Лобачева отмечает, что паранджа раньше была ритуальной одеждой, которую женщина надевала в день свадьбы или в день похорон кого-нибудь из близких. Этот обычай затем сменился другим: паранджа стала постоянно использоваться при выходе на улицу⁴. Г. А. Пугаченкова связывает паранджу с

¹ Сухарева О. А. История среднеазиатского костюма. Самарканд (вторая половина XIX—XX вв.). М., 1982.

² Лобачева Н. П. К истории паранджи // Э. О. 1996, № 6. С. 78—79.

³ Коран, сура 24, 31, 35, 59.

⁴ Лобачева Н. П. К истории паранджи. — С. 83.

одеждой богини плодородия¹. Н. П. Лобачева пишет, что паранджа — скрывающая фигуру женщины-мусульманки накидка связана с исламом лишь на последних этапах своего развития и не арабы привнесли ее в Среднюю Азию в таком качестве. Она развивалась из местных форм одежды в соответствии с идеологическими и социальными нормами жизни среднеазиатского общества. В истории паранджи отразились характерные черты среднеазиатского ислама в его бытовых формах — сочетание и переплетение ортодоксальных положений этой религии с остатками древних традиций, воспринимаемых сегодня как исламские²... В 20-е годы в результате борьбы за равноправие, известной в литературе под названием «худжум», женщины начинают появляться на улице в платке или тюбетейке. Но шариат строго запрещал это, и многие женщины-узбечки были психологически не готовы к такому резкому шагу. Тем более что в начале XX века распущенные волосы, непокрытые головным убором, считались символом похоронно-поминальной обрядности³.

Общественное мнение строго осуждало женщин, появившихся на улице только в тюбетейке, так как она не скрывала волос полностью. С другой стороны, были случаи, что женщинам, появившимся в продовольственном магазине в парандже, не продавали хлеб и другие продукты, т. е. им устраивалась экономическая блокада. Паранджу заставляли снимать хитростью и обманом. Известна история о том, как в 20-е годы женщин махалли Самарканд-дарвоза пригласили на празднование 8 Марта, которое проходило в одной из

¹ Луаченкова Г. А. К истории паранджи // С. Э. 1950. № 3.

² Лобачева Н. П. Указ. соч. С. 90—91.

³ Вероятно, это связано с суевением, основанным на завязывании узлов на одежде и волосах (закон подобия, о котором пишет Фрэнсер). Люди во многих частях света питают предубеждение против завязывания узлов на своей одежде в определенные критические периоды жизни, особенно при родах, бракосочетании, погребении. Запрещается завязывать узлы мусульманским паломникам в Мекке, которые находятся в состоянии святости и табуированности. В Коране встречается упоминание о «злосознности тех, кто похаживает узлами». В арабском комментарии к этому отрывку говорится, что слова эти относятся к женщинам-колдуньям, которые завязывают узлы на веревках. Там же рассказывается о некоем иудее, который пытался околдовать пророка Мухаммеда тем, что завязал на веревке девять узелков и спрятал ее. Но верный Алл нашел веревку и спас пророка (Фрэнсер Д. Д. «Золотая ветвь». М., 1986. С. 230). Таким образом, обычай, предписывающий участие в религиозном обряде с распущенными волосами, также основывается на опасении, что наличие узла или чего-либо стягивающего на голове отрицательно скажется на его проведении.

школ Ташкента. Придя на праздник, женщины, как обычно, оставили паранджу в фойе, а когда им пришло время возвращаться домой, во дворе школы горел костер, куда была брошена паранджа.

Но постепенно конфликты, связанные со снятием паранджи, уходили в прошлое.

Предметом особой заботы узбечек был головной убор, так как в мусульманской культуре считалось, что женщина должна скрывать свои волосы.

Религиозное сознание традиционного аграрного общества было неотделимо от веры в существование сверхъестественных сил, а также особой категории людей, обладавших колдовскими способностями и являвшихся как бы посредниками между миром земным и миром сверхъестественным (фолбин, киначи).

Институт ведовства на территории нашего региона был известен задолго до принятия мусульманства. Обычай скрывать волосы имеет корни в доисламских верованиях. Это суеверие можно объяснить законом контакта, о котором пишет английский этнолог Д. Д. Фрэнгер¹. О вере в магическую силу волос писали этнографы Н. И. Гаген-Торн², О. А. Сухарева³, К. Ш. Шаниязов⁴.

Закрыванию волос придавалось особое значение еще и потому, что им принадлежала, по народному поверью, магическая функция, восходящая к представлению о связи волос с силами плодородия. Этим объясняется покрывание волос тибетейкой или платком, дабы предотвратить возможность дурного воздействия через волосы на женщину как продолжательницу рода.

Как было сказано выше, начиная с 20-х годов женщины стали появляться на улицах лишь в одной тибетейке. Но уже в 60-е годы к тибетейке начинают относиться как к архаичному атрибуту. Политика государства в то время осуждала как чуждую социализму традицию ношения национальной одежды, в связи с чем начался процесс унификации народного костюма. Сегодня женские тибетейки перешли в разряд празд-

¹ Фрэнгер Д. Д. С. 226.

² Гаген-Торн Н. И. Магическое значение волос и головного убора // С. Э. 1933. № 5—6. С. 87.

³ Сухарева О. А. История среднеазиатского костюма.

⁴ Шаниязов К. Ш., Исмаилов Х. И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX — начала XX в. Ташкент, 1981. с. 76—77.

нично-обрядовых. Однако в психологии женщины-узбечки еще присутствуют традиции женского затворничества. Несмотря на то, что на улицу они выходят с непокрытой головой и многие из них, идя на работу, не надевают «лозим», дома, в семье, перед мужем, свекровью, свекром, соседями женщина продолжает ходить в традиционном национальном костюме. Время как бы трансформировало, поменяло местами понятия об «ичкари» и «ташкари»¹.

Одной из важных функций узбекской одежды было и является не только утилитарное, практическое назначение, но и отражение через нее миропонимания, идеологических воззрений узбекского народа. Особый пласт традиционной одежды представляет собой ритуальная одежда. К ней относится первая одежда для новорожденного: рубашечка-сорокодневка «чилла-куйнак» которую шили из белой хлопчатобумажной ткани, оставшейся от стариков². До сих пор в народе существует мнение, что «чилла-куйнак» спасает от злых духов.

По народному поверью, охранной функцией обладала и одежда невесты. Как раньше, так и теперь свадебные платья узбечек шьют из тканей белого цвета, который по традиции воспринимался как антитеза черному, тьме, злу; по-своему приближаясь к значению света, огня, очищающего от скверны средства. Анализируя цветовые гаммы в ритуалах, В. Тэрнер отмечает, что цвета выражают магико-религиозные идеи того или иного рода, а также отражают опыт социальных отношений. Например, белый цвет ассоциируется с союзом мужчины и женщины, со связью матери и ребенка³. Обычай покрывания невесты в своем истоке имел значение оберега от козней злых духов и злых людей. В начале века невесты покрывались паранджой, которая постепенно была вытеснена белым платком или шарфом, накидываемым поверх тюбетейки. Невеста в день бракосочетания надевает белое платье традиционного покроя и штаны-«лозим». Се-

¹ Среднеазиатский дом по традиции делился на внутреннюю часть «ичкари» и внешнюю — «ташкари». Во внешней части дома, где могли быть посторонние мужчины, женщина должна была быть в одежде, скрывавшей ее от посторонних взглядов.

² Рассудова Р. Я. называет «чилла-куйнак» — «ит-куйнак» // *Рассудова Р. Я. Сравнительная характеристика // Одежда народов Средней Азии и Казахстана. М., 1989.*

³ *Тэрнер В. Символ и ритуал. М., 1983. С. 100—103.*

годня наряду с традиционным среди узбечек распространен свадебный наряд европейских фасонов (фата и платье отрезное по талии).

Разновидностью ритуальной одежды является траурная одежда. Траурная одежда у узбеков предназначена в основном для женщин, у мужчин не было специального траурного костюма. В комплекс траурной одежды в ташкентском регионе входят платье темно-синего или черного цвета, темный платок, мужской халат, который подпоясывается платком «бельвог».

Сегодня наблюдается процесс сокращения обрядности, который связан прежде всего с экономическими причинами. Сокращение обрядов ведет к изменению ритуальной одежды. Например, представители духовенства считают, что женщина не должна подвязывать платком «бельвог» мужской халат «чапан» в случае смерти кого-то из близких родственников, так как это отрицается законами шарията.

Подводя итог, можно сказать, что развитие и трансформация национальной одежды связана с этническими, социально-экономическими и историческими процессами в обществе, отражают изменения стереотипов мышления женщин-узбечек.

Народный костюм выполнял многообразные социальные задачи на протяжении XX века. Он удовлетворял потребности прагматического характера, кроме того, он являлся выражением миропонимания и идеологических воззрений общества. Вместе с тем одежда в определенные моменты истории становилась как бы барометром общественного мнения. Мнение семьи, родственников, соседей, жителей близлежащих махаллей является регулятором поведения, оказывающего постоянное непосредственное воздействие на формирование и сохранение традиционных воззрений и соблюдение традиционных норм. Наблюдения показывают, что сегодня общественное мнение махалли стало терпимее относиться к появлению европейских стандартов в национальной одежде узбечек, «цензура», требовавшая четкого соблюдения норм мусульманской морали в одежде, стала постепенно ослабевать. И поэтому, особенно молодые, женщины стали смелее в выборе фасонов одежды. Это связано еще и с тем, что ограничительные нормы поведения, как нам кажется, ослабевают по мере удаления от махалли, от среды, в которой воспитывался член общины. Урбанизация

Ташкента является причиной того, что многие женщины-узбечки, живущие в махалле, работают далеко от дома в многонациональных коллективах. Их сознание положительно воспринимает элементы европейской культуры, которые затем оседают в одежде. Часто это происходит на эмоциональном уровне, когда в коллективе складываются дружеские теплые отношения.

Хотя, как видно из сказанного, появление новых тенденций в народной одежде связано большей частью с проникновением европейских стандартов, тем не менее на фасоны одежды узбечек Ташкента наложила отпечаток и традиционная одежда мусульманских стран, связи с которыми стали все больше расширяться с начала 90-х годов.

Таким образом, сегодня правомерно говорить о национальной одежде ташкентских узбечек, являющейся как бы симбиозом культур, на одном полюсе которого сохраняется традиционный узбекский костюм, а на другом происходит смешение европейских стандартов и фасонов одежды мусульманского мира в целом с традиционными элементами узбекского костюма.

Узбекская национальная одежда, характерная для начала XX века, сегодня все больше переходит в сферу домашнего быта и приобретает празднично-обрядовую функцию. Но неверно было бы утверждать, что народная одежда сохраняется в обрядах в первозданном виде. С течением времени многие обряды и обычаи искажались, обрстая новыми элементами, стирались из памяти народа, в связи с чем ритуальный костюм терял четко выраженную смысловую нагрузку. Например, сегодня среди узбечек наряду с традиционным национальным нарядом бытует платье европейского фасона. Однако на сегодняшний день все более нарастает процесс обогащения национальной одежды, что свидетельствует о росте национального самосознания народа.

В годы советской власти национальная культура подвергалась унификации и не получала должного внимания. Но несмотря на это традиционные ценности сохранились и сегодня возрождаются. Национальная одежда, являясь одним из важных элементов народных традиций, была и остается отличительным признаком материальной культуры узбеков Ташкента, служит символом национальной гордости и отражает мировоззрение узбекского народа.

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ (XX АСР 20-ЙИЛЛАР МАТБУОТИ АСОСИДА)

Ўзбек халқи тарихида XX асрнинг бошланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Зеро, бу давр мамлакат ҳаётида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ўзгаришлар билан белгиланади. Юртнинг онгли, юқори савиядаги қатлами халқни янги маданиятга, маърифатга чақириб, миллатни уйғотиш, халқнинг миллий онгини ошириш зарурлигини тўлиқ англаб етди. Пировардида жадидчилик ҳаракати деб ном олган оқим вакиллари мамлакат, халқнинг мустақиллиги учун биринчи навбатда маориф ва таълим-тарбияни тубдан ўзгартириш, янги мактаб тузиш, уларни бошқариш масалаларини асосий ўринга кўтардилар. «Миллатни тараққийси анинг аввал мунтазам мактабларидан бошланур. Зотан, инсоннинг саодати мактаб тарбиясидан вужудга келмасми? Тил ва миллий адабиёт, дин ва ахлоқ таълимининг ўрни мактаб бўлганидан, ҳаёт ва саодат башарнинг эшиги илгиз мактабдур»,¹ — деб ёзган эди Хожи Мўин Шукрулло «Ёшларга мурожаат» мақоласида.

Миллатни, динни муҳофаза этиш учун энг аввал мактабларни замонга мувофиқ ислоҳ қилиш, фарзандларнинг жисмоний, руҳий, диний тарбияларига ниҳоятда қатта эътибор бериш кераклиги хусусида ўша давр қалам аҳллари ҳамфикр эдилар.

Мусулмонларнинг саноат, ҳунар, илм ва сиёсатда бошқа миллат вакилларида орта қолганликларини муаллифлар мунтазам мактабларнинг йўқлигида кўрадилар. Қуруқ хат саводни билгани билан бир иш чиқмаслигини, қоқоқликнинг иллат ва сабабларини тафтиш этиб, хулоса чиқариб, ривожланган миллатлардан ибрат олишга чақирадилар. Масалан, ўзини «Қишлоқчи» тахаллуси билан имзолаган муаллиф ёзади: «Нечукки, рўбарўмизда турган асбоб рўзғор буюмлари: самовар, қозон, пичоқ, чойнак..., маданиятдан қилинган асбобларни ҳамма вақт тутармиз. Андин фойдаланар-

¹ Хожи Мўин Шукрулло. Ёшларга мурожаат // Самарқанд, 1913 йил 9 август, 34-сон.

миз. Ва лекин ўйлаймизки: бу нимадан қилинган, кимлар ясаган, асли неча пуллик нарса? Ҳозирда ани неча пулга сотиб олдик, бизлар ҳам қилар оламизму?»¹ Бундай лоқайдликнинг бош сабабчилари — бу мутаассиб дин йўлбошчиларидир, — дейди муаллиф, — улар турли хил ваз-қарсонларни кўрсатиб, халқни янгиликка интилишларини сўндирмоқдалар. Бундай ҳолатдан чиқишнинг бирдан-бир йўли «мунтазам мактаб, замона аҳволидан яхши хабардор муаллим, миллий газета»ни кўпроқ ташкил этишдир, деб ҳисоблайди у.

Шубҳасиз, жадидлар матбуотида муҳим ва устивор мавзу мактаб, таълим муаммолари бўлган. Бу масалаларнинг қўйилиши ва муҳокама этилиши ниҳоятда серқирра бўлди. Амалда жадидлар ўз ҳисобларидан «Усули жадид», «Усули савтия» номлари билан шуҳрат топган янги мактабларни ташкил қилиб, ёш авлодда миллий онгни шакллантиришга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. М. Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, А. Авлоний томонидан ўз ҳисобларига очилган илм масканлари гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий ва илғор илм-фанни болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша оладиган шахслар қилиб етиштирадиган ҳақиқий халқ мактаблари бўлди. Мутафаккирлар бу мактаблар учун махсус дарслик ва қўлланмалар туздилар. Масалан, Мунаввар қори Абдурашидхонов «Адиби аввал», «Адиби Соний» каби алифбо ва хрестоматия, «Тавжид ал-Қуръон» («Қуръон қироати»)², «Ер юзи» («География»), «Сабзавор» (Шеърӣ тўплам) каби қўлланмалар, Абдулла Авлоний эса «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» сингари дарсликларни нашр эттирганлар. Кейинги муаллифнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги биринчи маротаба тарбия ва ахлоқ масалаларини ўз даврининг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил этди ва XX аср бошлари ижтимоий фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Бугунги кунда ҳам бу бебаҳо китобнинг мазмун-моҳияти ўз қимматини йўқотмаган.

1917 йил февраль демократик инқилоби, Октябрь тўнтариши, Қўқон мухториятининг қонли равишда

¹ Қишлоқчи. Илм ва инсоният // Самарқанд, 1913, 27 август, 39-сон.

² Бу китоб Салим Исмоил Улвийнинг Қуръон қироати бўйича сабоқ берувчи «Тажвид»нинг ўзбекча таржимаси бўлиб, 1914 йили Оренбургда нашр этирилган.

бостирилиши воқеалари Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида кескин бурилишлар ясади. Миллий зиёлилар ўрнатилган Шўролар тузумидан норози бўлсалар-да, ўз мамлакати ва халқининг равнақи ҳамда тараққиёти тарафдорлари сифатида совет ҳукуматининг маданият ва маориф соҳасида қабул қилган қонун ва қарорларига ишониб, уларни амалга ошириш йўлига киришдилар.

Улар миллий урф-одатларга мос, миллий руҳ, миллий ғоя ва миллий тарбияга асосланган мактаблар тузиш тарафдорлари сифатида чиқдилар. Мисол тариқасида Туркистон маорифи муаммоларига бағишланган Шоҳид Эҳсоннинг «Биз ва маориф» номли мақоласини кўрсатиш мумкин. Муаллиф Шарқ тарихи, мусулмон асослари ҳақида чуқур билимга эга бўлган ҳолда мактаб ва маориф тўғрисида теран фикрлар билдиради. Миллат учун мактаб ва маориф зарурлигини тўла англаган ҳолда у: «ҳозирда биз шолмиз, бу фалокат. Хай-хот! Биз Шарқ ва Саодатдин ҳам кўп узоқдамиз. Шу вақтгача ҳам мактаб ва маорифга ҳуркалик ва шубҳа билан боқмоқдамиз. Бу келар маданий ҳиссиётимизни бузатурган нарсаларда деб ҳаёл қиламиз»,¹ — деб куюниб ёзади. Шоҳид Эҳсон ўрганмоқ билан имконнинг имони заифланмас ва инсон динсизликка тушмас, ҳақиқий диндорлар илм билан шуғулланиб, табиат саҳифаларини ўқумоқ билан машғул бўлишлари керак деб кўрсатади. Мақола давомида муаллиф янги мактаблар (шўро мактаблари — *Н. М.*) билан эскидан давом қилиб келган мадрасалар хусусида мушоҳада юритар экан, «мактаблар Оврупога, мадрасаларимиз мазиймизга очилган бирор туйнук ва ё даричаларимиздир. Мактаблар тарих ва анъаналаримизга бир оз ёввойи кўринади. Бу сабабдан шахсиятимизга энг лозим бичмани (маҳаллий хусусиятларга мос андоза кўзда тутилмоқда — *Н. М.*) бермақдан ожиз қолса керакдир. Бир минтақанинг ўт ва ёғочлари бошқа минтақада кўкарилмаганидек, машру виждонли муносабати бўлмаган (бу ерда шарият қонунларига зид бўлган муносабатлар назарда тутилмоқда — *Н. М.*) янги таомиллар ҳам, кўпинча яшаёлмас, бу таомиллар яшаса ҳам тақлид маҳсулидир. Тақлид эса таррақийдан узоқ»² деган хулосага келади.

¹ Шоҳид Эҳсон. Биз ва маориф // Ҳақиқат, 1922, 1-сон, 4-бет.

² Шоҳид Эҳсон. Биз ва маориф // Ҳақиқат, 1922, 1-сон, 5-бет.

Тараққиёт, ривожланиш учун мозийга суянмоқ, тарихни чуқур англамоқ зарур. Янгиланишда янглишмаслик, ижтимоий ҳодисаларда сакрашлар бўлмаслиги керак. Мадрасалар хусусида тўхталар экан, муаллиф чекланган, ҳаётдан холи ва истеъмолдан алоқасини узган жонсиз бир муассаса сифатида баҳолаб, тараққиётни таъминлай олмайди, деб ҳисоблайди. Ва натижада «маънавиятимизни на ёлғуз гарбдан келган, на да ёлғуз шарқдан келган зиё ёруғлата олур. Балки ҳар иккисининг бирлашмоғи билан ҳосил бўлган бир зўр зиё ёруғлата олур»,¹ — деган ғояни илгари суради. Бундай зиё, яъни Туркистон хусусиятларига мос мактабларни тузишда Шоҳид Эҳсон ўз тарихини, урф-одатларини яхши билган ўқимишли инсонларга — мутафаккир, муридларга ишонч билдиради ва суянади.

Бундай инсонларга талаб кучли эканлигини яхши англаган Исмоил Ҳаққий ўзининг «Маориф масаласи» мақоласида қуйидаги фикрларни беради: «Бизнинг муаллимларга эҳтиёжимиз бордир. Фақат ортиқ ҳар ўқув-ёзувни билган кишини қўлидан тутиб муаллим қилмасмиз ва қилмайлик ҳам. Бу миллатнинг эҳтиёжи биргина муаллимга эмас, докторлар, муҳандисларга, адвокатларга, адиб, муҳаррир ва шоирларга, хулоса белгили одамларга эҳтиёжи ортиқдир»².

Бундай мутахассисларни етказишда бу давр муаллифлари Туркистон ўлкасида ихтисослашган гимназия, лицейлар очиш фикрини ўртага ташлайдилар. Шокиржон Раҳимий «бу очиладурган курслар ҳозирга қадар бўлганлари каби ўн-ўн беш турли фандан иборат бўлмасдан биринчи навбатда риёзиёт, табиат, она тили, тарих ва жуғрофия каби аниқ фанларга аҳамият керак ҳам ҳар бир фан ила баробар усули таълим йўллари методикаси) кўрсатмалари мутлақ зарурдир»,³ — деб ёзади. И. Ҳаққий эса бундай лицейларда ишлаш учун хориждан, Москвадан иқтидорли муаллимларни таклиф этиш, у ерларга ўқувчилар юбориб, кейинчалик мутахассислик олгач, миллий кадр сифатида лицейларда дарс берувчи муаллимларни тайёрлаш ва бундай тилакларни амалга ошириш учун маориф халқ назоратига таклифлар юбориш кераклигини айтади. Бундан

¹ Ўша ерда, 6-бет.

² *Исмоил Ҳаққий. Маориф масаласи // Иштирокиюн. 1919, 5 июнь, 126-сон.*

³ *Исмоил Ҳаққий. Маориф масаласи // Иштирокиюн, 1919, 10 июнь, 130-сон.*

ташқари Исмоил Ҳаққий хотин-қизлар ўқишига ҳам алоҳида эътибор беради. «Бир миллатнинг олға бормоғи учун эркаклар ила хотинларни баробар ёритмоқ, уларни бирлик ва баробаринлик ила ҳаракат эттирмоқ нақадар зарур» деб ҳисоблайди у.

Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида тўхталиб, муаллиф ривожланган жамиятни аёлларсиз тасаввур этиб бўлмаслигини, уни яратиш учун аёлларни албатта, мактаб ва маориф соҳасига жалб этиш кераклигини таъкидлаб, «жамият, башариятнинг ҳақиқий саодати яхши тарбия кўрмиш, фазилатли аёллар ила қойимдир», — деб ёзади. Исмоил Ҳаққий аёлларни аввало бир оила раисани эканликларини билишлари, ташкил этган оилаларини қудратли ишлари ила идора этмоқлари шарт, бунинг учун илм-ирфон муҳитини ҳозирлаб, руҳларини юксалтириш кераклигини исботлайди. Аёллар, қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар. Оиланинг мусоффао муҳити, фарзандларнинг тақдири, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши онанинг билими, дунёқараши, истеъдодига бевосита боғлиқ.

Баъзи бир муаллифлар болаларга тарбия берувчи инсонларнинг ахлоқий хусусиятларига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаганлар. Бу ўринда Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг «Қандай киши мураббий бўла олур?» номли мақоласи мисол бўла олади. Муаллиф болалар тарбиясига бепарво бўлмасликка, мактабларга ахлоқи бузуқ инсонларни яқинлаштирмасликка чақиради. Унинг ёзишича, ... тарбиясиз, одобсиз бир киши ҳар қанча зийрак ва маълумотли бўлса-да, мураббий бўла олмас, хати қуруқ маълумотли мураббий бўлишга етмайди. Негаки, болалар ишида ҳамма вақт катталарга тақлид этадилар». ¹ Аҳрорий мақоласига сарлавҳа этиб олган саволига қуйидагича жавоб беради: «Мураббий деган кишининг сўзи билан иши бирга боргандагина унга бола топширилсун. Одоб ва тарбияда берган насиҳатларга ўзи амал қилғувчи киши бўлсун... Фақат зийрак маълумоти етмайдилар. Балки маълумотидан кўпроқ покиза ахлоқли, яхши муомалали бўлиши керакдир. Айниқса покиза ахлоқли эканлигини ишда кўрсатиш жуда зарурдир». ² Бундай қиммат-

¹ *Муҳаммад Саид Аҳрорий. Қандай киши мураббий бўла олур? // Маориф ва маданият. Бухоро. 1923, 1-сон, 50—51-бетлар.*

² Уша сзда, 51-бет.

ли фикрларни бугунги кунларимизда ҳам қўлласак, фойдалан холи бўлмайди.

Бу давр муаллифлари маориф тизимини тубдан ўзгартиришда «мактаб ила турмушни бирлаштирув, хунар ўрганмоқ, ўқувчиларга ҳуррият таҳсили бермоқ»¹ лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтадилар. Эркин фикрловчи шахсларни камол топтиришда, энг аввало мактаб тизимида янгича тарбия усулларини жорий этиш, унинг ривожланиш йўллари ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Масалан, Ҳ. Ҳ. Ниёзий мактабларда озод тарбияни йўлга қўйиш таклифи билан чиқади ва ўқитиш усулида «болаларнинг ўзлари истаб топиб, ўзи чалиб, ўзи ўрганиб, ўзи турмушга татбиқ этадир. Муаллим фақат йўл кўрсатувчи ўрнини оладир. Озод тарбия болаларни турмушга ўргатади², — деб ҳисоблайди. С. Уйғур эса болаларни ёлғиз мактаб дарси билан қаноатланиб қолмасдан, турмушга чуқурроқ кириб ижтимоий ҳаётга яралиши керак, деган фикрни илгари суради. У: «...ҳаётни ўзгартириш учун ёлғиз билимнигина тараққий эттириш кифоя қилмайди. Балки болаларнинг ўзлари очикдан-очик амалий ишлаб ҳақиқий иш билан иштирок этишлари лозим. Шаҳар, қишлоқ мактаблари ўз муҳит атрофларига усул тарбиясига қараб турмуш тилагига мувофиқ программа тузилиши керак»³, — деб ёзади.

Туркистонлик муҳандис Зиё Мужаварнинг «Амриқо мактаблари» мақоласи ҳам диққатга сазовордир. 1914 йилда Америкада бўлиб қайтган муаллиф у ердаги хусусий мактаблар ҳақида ва уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш тўғрисида сўз юритади. Унинг фикрича, маориф ва маданиятга етишиш учун: «... маданият ва техника оламида бутун дунёга устун бўлгон Амриқо билан танишиш ва техника илмини тўғридан-тўғри Амриқодан олиш бизга юксалиш учун энг яқин йўлдир»⁴. Бундан ташқари ушбу муаллифларнинг мактабларда жисмоний тарбия фанини кенг ёйиш зарурлиги, болаларни меҳнатга жалб этиш ҳақидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Афсуски, большевиклар ғоясининг чуқур илдиз отиб боргани сари, коммунистик мафкуранинг тазйи-

¹ Маориф комиссариатининг доклади // Иштирокиюн 1919, 28 март, № 84.

² Ниёзий Ҳ. Озод тарбия // Таълим-тарбия.—1925, 1-сон, 26-бет.

³ Уйғур С. Турмушни тузишда мактабнинг роли. Маориф ва ўқитувчи, 1927, 2-сон, 16-бет.

⁴ Амриқо мактаблари. Маориф ва ўқитувчи. 1925, 2-сон, 43—49-бетлар.

қи ортгани сайин миллатпарвар зиёлиларга, уларнинг маориф, маданият, таълим-тарбия хусусидаги фикр-мулоҳазаларига салбий муносабат билдирилди, таъқиб остига олинди. Чунки Шўро ҳукуматига ўзлигини англаган, миллатини озод кўришни истаганлардан кўра бир тахлитдаги итоатгўй кадрлар афзал эди. К. Ясперс таъбири билан айтганда, «маънавий буюкликни баргараф этиш учун ўртамиёна, фикрлаш қобилияти чекланган халқни кўпайтиришнинг ўзи кифоя»¹ бўлди.

Умуман жадидлар жамиятнинг тараққиёт сари юксалишида, жамият учун зарур бўлган мукаммал, комил инсонларнинг етишишида энг аввало ёш авлодни тўғри тарбиялаш муҳимлигини ўз вақтида англаб етдилар. Улар таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилишда авваламбор халқнинг психологиясини, миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий тамойилларга асосланган, таълим-тарбиянинг барча компонентларини, жумладан, маънавий, ақлий, диний, жисмоний ва бошқа турларини ўзида мужассам этган, шу билан бирга Шарқ ва Ғарб таълим усулларини қўллаб бутун бир дастур ишлаб чиқдилар. Бунда улар нафақат назариётчи, балки амалиётчилар сифатида бу ғояларни қўллаб мактаблар очдилар, дарслик, ўқув қўлланмаларини яратдилар, маданий-маърифий ташвиқотлар ўтказдилар.

Жадидлар орзу қилган озод мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш мақсадларига катта аҳамият берилди бошланди. Президентимиз И. А. Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» рисоласида алоҳида-алоҳида қайд этиб ўтган эркин фикрловчи шахсларни тарбиялаш, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналарини акс эттирган дарсликлар тузиш, хорижий тилларни мукамал билиш, ўқитувчи кадрлар савиясига эътибор, ихтиёрий касб-ҳунар ўргатишни жорий этиш каби тамойиллар асримизнинг бошларидаёқ жадидчилик вакилларини ўйлантирган ва уларнинг бу йўлдаги бевоқифлиги саъй-ҳаракатлари бугунги таълим соҳасидаги ислохотларнинг пойдеворида замин яратди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

¹ Ясперс К. Смысл и назначение истории. М.: изд. Полит. лит. 1991, с. 259.

**ИСҲОҚҲОН ИБРАТНИНГ «ТАРИХИ ФАРҒОНА»,
«ТАРИХИ МАДАНИЯТ», «МЕЗОН УЛ-ЗАМОН»
АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ, ИЛМИЙ, МАДАНИЙ
МАНБА СИФАТИДА**

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимизда чуқур ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг энг муҳимларидан бири, фан тараққиётига муносабатнинг тубдан ўзгарганлигидир. Жумладан, тарихий илмларни ўрганиш, тўлақонли таҳлил этиш, миллий манбаларни чуқур ўрганиш асосида илмий ва ҳолисона ҳулосалар ишлаб чиқиш бугунги кунда тарихчилар олдидаги энг масъулиятли вазифадир. Шу жумладан, тарихимизда ўзининг тугган ўрни ва кўлами жиҳатидан эътиборли ўрин тугган жадидчилик ҳаракати, унинг намояндалари ва улар томонидан қолдирилган илмий меросни ўрганиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Шу нуқтаи назардан XIX аср охири — XX аср бошларида яшаб ижод этган жадид олими Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибротнинг тарихий, маданий, ижтимоий ҳаётга оид асарларини ўрганиш бугунги кунда, айниқса, аҳамиятлидир.

Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Иброт XIX аср охири — XX аср бошларида яшаб ижод этган Наманган жадид зиёлиларидан бири бўлиб, бу мутафаккир 1862 йилда Кўқон қасабодларидан бири Тўрақўрғонда (ҳозирги Наманган вилояти Тўрақўрғон шаҳри) туғилди. У ўз замонасининг фозил, билимдон, ўқимишли оиласида тарбия олди. Унинг ёшлик йилларида олган таълим ва тарбиясида отаси Жунайдуллоҳўжа ва онаси Ҳурибибининг хизматлари катта бўлган¹. 1878 йилдан Кўқондаги Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида таҳсил олган. Бу вақт давомида у араб, форс, пушту, кейинроқ эса рус тилларини ўрганган. 1886 йилда ушбу мадрасани тамомлаб, 1887—1892 йилларда Истамбул, София, Афина, Рим, Қобул ва Жадда шаҳарларида бўлган. Ҳиндистоннинг Бомбай, Калькутта шаҳарларида яшаган (1892—1895). Мазкур мамлакатларда юрган вақтларида

¹ Қаранг: Ҳ. Бобобеков. Исҳоқхон Ибротнинг «Тарихи Фарғона» асарига ёзилган сўзбоши. Т., 1991, 268-бет.

инглиз, ҳинд, урду тилларини ўрганган. 1895 йили хориждан қайтгач, 15 йилдан ортиқ Тўрақўрғонда, сўнгра Хонобод қишлоғида қозилик лавозимида ишлаган. Шунингдек, мактаб, маориф ишлари, нашриётчилик билан шуғулланган. Кейинчалик, совет тузуми даврида 75 ёшли аллома қатағонлик сиёсати қурбонига айланган. 1937 йилда Давлат Хавфсизлик Кўмитаси томонидан олиб чиқиб кетилиб, орадан кўп ўтмай Андижон вилоят турмаҳоналарида вафот этган¹.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Ибрат ўз ижодий фаолияти давомида 20 дан ортиқ асарлар ёзган. Бироқ, буларнинг кўплари бизгача етиб келмаган. Исҳоқхон Ибрат ўз асарларида қадимий тарихчилик анъаналарини давом эттириб, Одам Атодан то 30-йилларга қадар бўлган тарихни босқичма-босқич ёритиб беришга интиланган. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг кўп асарлари йўқолган. Булар жумласига «Тарихи Хуррият», «Қурбошилар замони» асарларини киритиш мумкин.

Аср бошларида жаҳид намояндаларининг кўплаб тарихий, илмий асарлари яратилган. Шулар жумласига Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Меъзон ул-замон» каби асарларини киритиш мумкин. Ушбу рисолалар Ўзбекистон тарихи, маданияти, ижтимоий ҳаётини ёритиб берувчи муҳим манбадир. Жумладан, унинг «Тарихи Фарғона» рисоласи Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда аҳамиятлидир. Рисола икки нусхада бўлиб, Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади². Бу нусхаларнинг иккиси ҳам Ибратнинг «Тарихи маданият» рисоласи билан бир муқовада жойлашган. Асардан биринчи мартаба О. Усмон ўзининг «Зулмат ичра нур»³ номли мақоласида ҳамда «Рус тилининг илк тарғиботчилари»⁴ номли рисоласида илм-фанга оид маълумотлардан, кейинроқ, У. Долимов «Ибрат — маърифатпарвар олим»⁵ номли мақоласида ҳамда «Исҳоқхон Ибрат»⁶ номли рисоласида Қўқон хонлигидаги ижтимоий вазият, Худоёрхон ва Насруллохон даврида Қўқон хонлиги тарихига оид баъзи маълумотлардан

¹ Долимов У. «Исҳоқхон Ибрат». Т., 1994, 108-бет.

² Ибрат И. «Тарихи Фарғона». Ўзбекистон Фанлар Академияси қўлёзма фонди. Инв. № 11616.10117.

³ «Шарқ юлдузи» журнали. 1961 йил, 1—2-сонлари, 139-бет.

⁴ Усмон Ю. Рус тилининг илк тарғиботчилари. Т., 1962, 66—68-бетлар.

⁵ Ҳаёт ва адабиёт. Тўплам. 1968 йил, 331-сон, 115-бет.

⁶ Долимов У. Исҳоқхон Ибрат, 40-бет.

фойдаланганлар. Бироқ, асар тарихий манба сифатида биринчи марта тарихчи олим Ҳ. Бобобеков томонидан ўрганилган. 1991 йилда нашрга тайёрланган ва қисқача шарҳ билан чоп этилган¹. Лекин бу асарни таҳлил этиш ва фойдаланиш системали бўлмагани, махсус чуқур изланиш объектига айланмаганлиги сабабли ушбу рисола ҳамда И. Ибратнинг тарихнавислик мактабида тутган ўрни охиригача ёритилмаган. Рисола 1916 йилда ёзилган ва 1926 йилда Иноятхон Тўрақўрғоний томонидан айнан ва тўлиқ кўчирилган. Бу ҳақда рисола охирида «Қалами Иноятхон Тўрақўрғоний 1344, валад Улуғхўжа эшон марҳум»² каби маълумотлар ёзиб қолдирилган. Мазкур нусханинг сиёҳи қора, хати насталиқ, ҳар бети 13 қатор, кўк картон муқовада ишланган. Шунингдек, «Тарихи маданият» асари билан бир муқовада, 75 арақ, 150 бет.

Исҳоқхон Ибрат ўз даврининг таърихий аъёналарига мувофиқ, рисола ёзишда аввал умумжаҳон тарихини Одам Атодан бошлаб³, кейин маҳаллий тарихни ёзишга киришади ҳамда Кўқон хонлиги ташкил топгунга қадар бўлган тарихни асар муқаддимасида ёритиб беришга ҳаракат қилади⁴. Шунингдек, Исҳоқхон ушбу муқаддима баёнини берар экан, тарих ёзишга бўлган иштиёқи ва муҳаббатини изҳор этишда усталик билан ўзи ҳақида ҳам қизиқарли биографик фактлар келтиради.

Жумладан, бу асарда қуйидагича ўз ифодасини топади: «Аммо баъд бу бандаи худо ва уммати ҳазрати Муҳаммад Мустафо алкан ул-лисони инсоноти нотавон, аъно Қози Исҳоқхон соқини қалъаи хон, раъйи Тўрақўрғон, мин музофоти Фарғон ва аз иқлими Туркистон...»⁵. Ушбу фикрларни ўқиган ҳар бир киши унинг рисола ёзишдан мақсадини билиш билан бир қаторда Туркистон иқлими, Фарғона музофотидаги Кўқон хонлигига қарашли Тўрақўрғондан эканлигини англаб етади. Шунингдек, Ибрат ўзининг тарих ёзишдан мақсадини ифодалар экан «Ҳосил ул калом ал муддао вал маром инсон анча мунча бақадри илми башарият тарихидан билмак лабудда ўлмоқи маълумдир. Лоақал киши ўз муваттин (туғилган — В. К.) ерини билмак заруриётдан дур... Тафсири ва ақодисларда ва тарихларда мубаййин-

¹ *Ибрат И.* Фарғона тарихи. «Камалак», Т., 1991, 268-бет.

² *Ибрат И.* Тарихи Фарғона. Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, инв. № 11616, 150-бет.

³ *Ибрат И.* Шу асар, қўлёзма фонди № 10117, 1—4-бетлар.

⁴ Уша асар, 1—22-бетлар.

⁵ Уша асар, 1-бет.

дурки, кўрмак ва билмак илмдандур»¹, — дейди ҳамда «Фарғона аҳлига ўз иқлим ва мамлакатларин тарихини билдирмак»² мақсадида эканлигини баён этади.

Ибратнинг рисолаи ёзиш давомида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарига суянганлиги яққол кўринади. Чунки у рисолаи ёзиш давомида дастлаб аҳли Фарғонанинг сўзлашмоқ тили, дини, урф-одати, машғулоти, Фарғона музофоти ҳақидаги маълумотлар, Фарғона сўзининг луғавий маъноси, қадимий шаҳарлари тарихи ҳақида фикр юритадикки, бу каби маълумотлар Ибратни рисола ёзиш давомида ўлкашунос олим сифатида ҳам гавдалантиради.

Исҳоқхон Ибрат ўз рисоласида манба сифатида куйидаги асарлар номини китобнинг ҳар хил жойларида тилга олади. Жумладан, «Тарихи Қутадғу», «Шоҳнома», «Равзат ус-сафо», «Мулхақот ус-Суроҳ», «Табоқати Тохирий», «Қомус ул-аълум», «Тарихи Табарий», «Ажойиб ул-Булдон», «Тарихи шоҳ Хурмиз» каби асарлар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам «Тарихи Фарғона» асари Фарғона музофотининг олдинги замонларидаги тарихий қатламларини ўрганишда ҳам қимматли манбадир.

Рисола 15 дан ортиқ кичик сарлавҳали қисмларга бўлинган. Бу қисмларда ҳар бир ҳукмдорнинг ҳукмронлик даври алоҳида ўз таснифини топган. Булар куйидагилардир:

- Муқаддима.
- Хўқанд шаҳри биноти.
- Асри Норбўтахон.
- Олимхон ибн Норбўтахон асри.
- Асри Умархони Жаннат макон ибн Норбўтахон.
- Таърихи вафоти Умархон ва жулуси Муҳаммад

Алихон.

- Асри Муҳаммад Алихон ибн Умархон.
- Жулуси Шералихон.
- Шоҳмуродхоннинг жулуси ва азли, ва Худоёрхоннинг такрор хонлиги будир.
- Воқеаи султон Саййид Ибн Маллахон.
- Худоёрхоннинг тўртинчи хонлиги.
- Фулодхон ибн Муродхон.
- Ҳикоя.
- Шаҳри Андижон тарихи.
- Тарихи Наманган.

¹ Ўша асар, 3-бет.

² Ўша асар, 3-бет.

Ибратнинг рисоласи асосий маълумотлари Кўқон хонлигининг тарихи, маданиятига оид бўлиб, баъзи масалаларни кенгроқ ва аниқроқ ёритиб бериш учун ёрдам беради. Тарихий ва адабий манба сифатида ана шу маълумотлар Кўқон тарихнавислик мактабида «Тарихи Фарғона» асарининг тугган ўрни ва аҳамиятини кўтаради.

Кўқон хонлиги ҳақида ёзар экан Исҳоқхон Ибрат ўзидан олдин ўтган алломалар асарлари билан яқиндан танишади ва уларнинг анъаналарига мувофиқ «Олтин бешик» қиссасидан фойдаланади. Маълумки, бу қисса Кўқон хонлиги ташкил этилишида асосий ўрин тутган Чодак хўжалари фаолияти билан боғлиқдир¹. Бу билан хонларнинг саидлар авлодига мансублиги ва тожу тахтага даъвогарлиги исботланар эди.

Рисолада Исҳоқхон Ибрат Олимхон ҳукмронлик қилган давр ҳақида ёзар экан, марказлашган кучли давлат тузиш учун қаттиққўллик билан сиёсат юритаётган Олимхоннинг халққа, пиру эшонларга, ўзининг тожу тахти атрофидаги қариндошларига нисбатан тутган сиёсатини очиб берувчи муҳим фактлар² келтиради. Бунинг оқибатида Олимхон ўзининг қўллаб-қувватловчи таянчидан маҳрум бўлиб, ўз тарафдорлари томонидан ҳалок этилганлиги ҳақидаги фактларни тўғри баён этади. Шу нуқтаи назардан рисоланинг бу қисми Олимхон давридаги ижтимоий ҳаётни очиб беришда муҳимдир.

Шунингдек, Исҳоқхон Ибрат Умархон давридаги давлат бошқарилуви, Умархоннинг ички ва ташқи сиёсати, тадбиркорлиги, айниқса илм аҳлларини қўллаганлиги ҳақидаги фактик маълумотларни келтиради. Жумладан, бу ҳақда: «Аҳли камоли комил муҳаббати ила ва аҳли хунар тамоми муваддати ила ... Бухоро ва Хева, Хоразм хонларидан ва Ҳиндистон ва Курдистон каби мамлакатлардан аҳли фазллар келиб, хизматинда бўлгон эканлар»³, — дейди. Ушбу фактлар бизга Умархон давридаги маданий ҳаёт ҳақида қимматли фикрлар бериш билан бирга, Ибратнинг Умархон даврида яшаб ижод этган уламолар, фузалюлар, шоирлар ва умаролар ҳақидаги ахбороти бизни шу йўналишда изланишлар олиб боришни давом эттиришга йўналтиради.

¹ Воҳидов Ш. Кўқон тарихчилари Фазлий ва Мушриф. Т., 1996, 22-бет.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. Шарқшунослик институти. Қўлёзмалар фонди. № 10117, 28—30-бетлар.

³ Уша асар, 30-бет.

И. Ибрат ўз асарида айниқса рус босқинчиларига қарши олиб борилган кураш ҳақида муфассал баён этади. У Туркистоннинг рус босқинчилари томонидан босиб олинишига қатъий қарши чиқиб, бу урушни қоралайди, Ўрта Осиё халқларининг душманга қилган қаршилигининг батафсил баёнини беришга интилади. Айниқса, Россияга қарши курашда мулла Олимқул (кўп манбаларда Алимқул) хизматларини, қаҳрамонлигини мамнуният билан тасвирлайди. Шунингдек, у бу даврда ёш бўлса-да, ўз кўзи билан кўрган воқеликларни манбалар асосида исботлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, Россия босиб олгандан кейин иқтисодиётнинг тобора оғирлашиб бораётганлигига, пахта якка-ҳокимлигига қарши чиқади, аҳолининг катта қарздорлик юки остида қолганлиги, аҳволнинг ночорлигини чуқур қайғу билан ифодалайди¹.

Қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, рисола Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда қимматли мерос, Қўқон тарихнавислик мактаби давомчиларининг ишларини кўрсатиб берувчи тарихий манбадир.

Ибрат тарихий рисола ёзишда, албатта, ўзидан олдин ўтган тарихчилар фикрларидан, ёзган асарларидан фойдаланади. Ўзи яшаган давр воқеаларини ёритишда эса ўз кўзи билан кўрган воқеликлар асосида исботлашга ҳаракат қилади. Бу билан у ўзидан олдин ўтган тарихнавис алломалар Фазлий, Фарғоний ва Мушриф, Дилшод Барно, Андалиб ва Мутриб, Муҳаммад Ҳакимхон, Тожир, Абу Убайдулло, Абдулвасеъ Манзур, Муҳаммад Олим Тошкандий, Мулло Холбек, Муҳаммад Солиххўжа, Муҳаммадризо Марғилоний, Муҳаммад Тойиб ва бошқа Қўқон хонлиги олиму мутафаккирларининг бевосита меросхўри, яъни уларнинг тарихчилик мактаби давомчисидир.

Шунингдек, Исҳоқхон Ибратнинг иккинчи бир асари «Тарихи маданият» рисоласидир. Алломанинг маданият ва тарихий тараққиёт талабларини ўзида акс эттирган «Тарихи маданият» номли қўлёзма рисоласи XX асрнинг дастлабки 30 йиллигига оид қимматли маънавий мерос сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу рисоланинг ёзилиш вақти давр жиҳатидан XX асрнинг дастлабки 30 йиллигига тўғри келади. Ушбу давр муаммолари билан биринчилардан бўлиб шуғулланган тарихшунос олима Д. А. Алимова ўз мақоласида қуйидагича мулоҳаза юритиб, бу давр маданият тарихини ўрганиш «маданий тараққиёт тарихи-

даги энг машаққатли ва зиддиятли давр»¹ эканлигини таъкидлайди.

Аср бошларида жадидлар мустақил давлатнинг моддий ҳамда маънавий заминини яратиш юзасидан кўплаб ишларни амалга оширдилар. Шу жумладан, бу соҳада қатор асарлар нашр эттирилди. Ибрат ҳам ўзининг «Тарихи маданият» номли рисоласида мустақил давлатнинг моддий ва маънавий замини ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради. Бунда унинг узоқ вақт хорижий юртларда бўлгани ва бу юрт илм-фани, техникаси, ижтимоий ҳаёти, тили ва дини билан яқиндан таниш бўлгани жуда катта фойда беради.

Рисоладан биринчи марта О. Усмон юқорида келтирилган асарларида Ибрат таржимаи ҳоли ва ижодини ёритиб беришда фойдаланади. Бироқ, бу рисола мазмунини ёритиб бериш учун етарли эмас. Ушбу рисола ҳақида бошқаларга нисбатан адабиётшунос олим У. Долимов мақолаларида кўпроқ факт ва маълумотлар келтирилган. Жумладан, унинг «Маърифатпарвар шоир»², «Туяда келтирилган матбаа»³, «Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди»⁴ мақолаларида ва «Исҳоқхон Ибрат»⁵ номли рисоласида Ибратнинг «Тарихи маданият» рисоласи ҳақида факт ва маълумотлар берилади. Бироқ, таҳлилларнинг қисқалиги, Ибратнинг бу муаммоларга муносабатини ва ечиш йўл-йўриқларини кўрсатиб бериш имконини бермайди. Шунингдек, асар бугунга қадар тадқиқот манбаи сифатидан ўрганилмаган. Ушбу рисола бугунги кунда Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида икки нусхада сақланиб ҳали кўпчилик омма эътиборига маълум эмас. Бу икки асар ҳам Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари билан бир муқовада жойлашган. Биринчи асар Қ-11616 рақами остида сақланади, қаттиқ муқовали, 20 варақ, 40 бетдан иборат. Қўлёзма охирида ёзилган вақти хижрий 1344 йил, милодий 1926 йил деб кўрсатилган. Бу ҳақда Исҳоқхон Ибрат рисола охирида «1344-нчи хижрийда, милодий 1926 йил 10-нчи январда тамом қилдим»⁶, — деб ёзади.

¹ Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т., 1995, 10—12-сонлари, 93-бет.

² «Наманган ҳақиқати» рўзномаси, 1968 йил, 19 июнь сони.

³ «Гулистон» журнали, 1969 йил, 3-сон.

⁴ Ҳаёт ва адабиёт. Тўплам. Т., 1968, 331 чиқарилиши, 115-бет.

⁵ Долимов У. «Исҳоқхон Ибрат», 434-бет.

⁶ Исҳоқхон Ибрат. «Тарихи маданият». Шарқшунослик институти қўлёмалар фонди, № 11616, 139-бет.

Рисоланинг иккинчи нусхаси қўлёзма фонди № 10117 рақами остида сақланади. Муқова қаттиқ жилдли, 18 varaқ, 36 бет, икки бети бўш қолдирилган. Асарнинг охириги бетиде 1925 йил милодий, 1344 йил хижрийда охирига етказилган деб кўрсатилган. Бу нусхада Ибрат томонидан ёзилган «1344 йил хижрийда, 1925 йил милодийда, тамом вассалом»¹ — деган ёзувлар асарнинг 2-бетиде, яъни эътизор қисми охирида ёзиб қолдирилган.

Биз ўрганаётган нусха 2-нусха бўлиб, унинг охириги бетиде «1374 хижрий ҳамда 1955 йил милодий»² ёзувлари ҳам бор. Бу ёзувлардан шундай хулосага келиш мумкинки, бу нусха бошқа бир хаттот томонидан 1955 йилда кўчирилган. Бироқ, хаттот бу нусхада ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумот қолдирмаган. Рисола хатига қараб шуни айтиш мумкинки, у Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарини кўчирган хаттот Иноятхон Тўрақўрғоний томонидан кўчирилган.

Икки асар ҳам араб графикасида, хат турларидан насталиқ ёзувида ёзилган. Рисола устида олиб борилган татқиқотлар натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, рисола дастлаб 1917 йил Октябрь тўнтаришидан олдин ёзиб тугалланган, бироқ асар босмаҳонада йўқолганлиги сабабли ҳам Исҳоқхон Ибрат 1925 йилда уни қайта ишлаган. Бу ҳақда муаллиф ўз рисоласида куйидагича ёзди: «Маданиятга тарғиб қилиб мундин муқаддам бу рисолаи матбаага берган эдим, йўқолибдур. Сиз бу асарни ани ўрнига тайёр қилиб, муни ҳам авлоди исломга ёднома деб, бандадан бир асардур, деб бир неча саҳифа таҳрир этдим»³. Ушбу маълумотлар рисола ҳақиқатдан ҳам қайта ёзилганлигидан далолат беради.

Ибратнинг «Тарихи маданият» асари таҳлилини беришда Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобийнинг (870—950) «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» номли асарини келтирмаслик мумкин эмас. Чунки, бу асарда Форобийнинг давлат бошқаруви тизими, давлат арбоблари, уларнинг феълу-атворлари, ижтимоий ҳаёт, жамият, илм-маърифат кабилар ҳақидаги қимматли фикрларининг баёни берилади. Ибрат ҳам ушбу асарида маданиятга эришган давлат қандай бўлмоғи керак, унинг моддий ва маънавий замини нима-

¹ Исҳоқхон Ибрат. Шу асар, қўлёзмалар фонди, № 10117, 106-бет.

² Уша асар, 138-бет.

³ Ибрат И. Шу асар, № 10117. Тўрақўрғон, 1925, 114-бет.

лардан иборат бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритади. Жумладан, у хорижий давлатларни кўрган, уларнинг турмуш тарзи билан яқиндан таниш бўлган аллома сифатида маданий тараққиётга эришган давлатни қуйидагича таърифлайди: «Маданият деган сўз низом ва қонун остида идора бўлиб, халқи илм ва хунарни билиб, қилиб турғон касби ила бахузур тириклик қилса, ана ўшал ерни шаҳар ва одамларини маданий дерлар»¹.

И. Ибрат ўзининг «Тарихи маданият» асарини ёзиш давомида халқнинг маданий тараққиёт ва таназзул ҳақидаги фикрларини кенгайтириш, тараққиёт моҳиятини тушунтириб беришни мақсад қилиб олади. Шунингдек, хусусий мактабларда таълим олаётган талабаларни тараққиёт йўл-йўриқларидан маълумот олишлари, бинобарин, ушбу тараққиёт йўналишларини ўзида акс эттирган рисола муассаса кишиларига ҳам фойда беришини кўзда тутган ҳолда, миллатга ўз фикр ва мулоҳазалари орқали ёрдам беришни мақсад қилганлигини баён этади. Ушбу фикр асарда қуйидагича ўз ифодасини топган: «Бу «Тарихи маданият» асарини ёзмоқдан мақсад халқни маданиятга ошно қилиш, ани зилди бўлган ваҳшиятни, беилм ва беҳунарлик, тараққий ва таназзулни билдириш ва аларни бу тўғрида фикрларини кенгайтиш, хусус мактабларда ақлий ва фикрий яхши талабаларни бу йўллардан маълумот олишлари, муассаса кишиларига ҳам фойдалик бўлуши ва ўқуғонлар маданиятни асоси илан билиш ва миллатга қалам ва фикр илан фойда еткузиш»².

Шунингдек, у ўз асарининг «Муқаддима» қисмида «маданият» сўзига таъриф бера туриб бутунги кунда ҳам қўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган тил муаммосига тўхталади. У аср бошларида ибораларнинг бир-бирига қўшилиб омихта тил бўлиб бораётганлигидан ташвишланиб қуйидаги фикрларни ёзиб қолдиради. «Ота-онаси туркий, шаҳари туркий, тилда форсий. Бу маданият Эрондан қонезь ўтурғон, ҳаттоки дарслар таржимасигача. Ҳозиргача муни ҳеч ким билмади ва билса ҳам қилмади. Мана эмди мухторият бўлиб, ўз қўлимизга ихтиёр берилгандан буён анча мунча туркий қилмоқдур. (Туркий тил) Русий, туркий, арабий ҳаммасидан ихтилот бўлғон бир омихта тил бўлиб турибдур. Маса-

¹ Ўша китоб, 109-бет.

² *Ибрат И.* Шу асар, 105-бет.

лан, муассаса сўзларида «авижроқум» десак, ав — русий, ижро — арабий, қум — арабий. Қани туркий мунда? «Ўлка буйруқлари» деганда эҳтимол тамом туркий бўлса, эмди кам-кам бўлур»¹. Асарда Исҳоқхон Ибрат томонидан кўтарилган бу муаммо бугунги кунда ҳам аҳамиятлидур. Чунки, бугунги кунда ўзбек лисонининг жозибасини қайтариш, унга жон бағишлаш фан арбоблари, атамашунослар, луғатнавислар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Ибрат ўз рисоласида асосий эътиборни мустақил давлатнинг ҳам моддий, ҳам маънавий заминини яратишга қаратади. Жумладан, у давлат тараққиётининг моддий замини сифатида маҳаллий саноатни ривожлантириш, суғориш иншоотлари қуриш, мамлакатда қишлоқ хўжалигини юритиш, ички ва ташқи савдони йўлга қўйиш, мамлакатдаги фойдали қазилмалар, уларни ўлкада қайта ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, четга хом ашё ўрнига тайёр маҳсулот чиқаришни ҳамда турли ихтисосликка, шунингдек, муҳандисликка оид фирмалар ташкил этиш муаммоларини кўтариб чиқади. Шунингдек, у хориж фирмалари ишбилармонлари ва тадбиркорлари тажрибаларидан ўрганишга чақиради. Давлат тараққиётининг маънавий замини сифатида мактаблар ташкил қилиш, ҳунар-техника, олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари ташкил қилиш каби вазифаларни кўрсатиб беради.

Ибратнинг «Тарихи маданият» асари бугунги кун тарихий талаблари билан ҳамоҳангдир. Бу асар ҳам илмий, ҳам маданий, ҳам тарихий мерос сифатида ўз қадр қимматига эга.

Алломанинг яна бир илмий тарихий асари «Мезонул-замон»² рисоласидир. Китоб қоғозлари, ўлчови, хатининг ва муқованинг бир хиллигидан бу асар ҳам Ибратнинг бошқа рисоалари қатори Иноятхон Тўрақўрғоний томонидан кўчирилганлигини билдиради.

Асардаги ёзувларни синчиклаб текшириш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, асар 37 вароқ, 74 бетдан иборат бўлган. Бугунги кунда 3 вароғи тушиб қолиб, 34 вароқ, 68 бетдан иборат бўлиб қолган. Бундай дейишимизга сабаб, ҳозирда сақланиб қолган биринчи бетида «Мезон, Исҳоқхон тўра, 37-вароқ»³ — деган ёзувлари бор. Сиёҳи кўк, ҳати настаълиқ,

¹ Ўша асар, 108—109-бетлар.

² Ҳозирги кунда ушбу асар Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида. 11618 рақами остида сақланмоқда.

³ Ўша асар, 3-бет.

ҳар бети II қатордан иборат. Асарнинг ёзилгай вақти маълум эмас, баъзи бетлари ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолган.

Рисола бугунги кунда Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, 11618 рақами остида сақланади. Чунончи, у ҳақда даврий матбуотда фақат номини келтириш билан чекланилган ҳолда, бугунги кунга қадар татқиқот манбаи сифатида бирон-бир муаллиф томонидан ўрганилган эмас. Рисолани ўрганиш асосида уни Октябрь тўнтаришидан кейин ёзилган, деган хулосага келиш мумкин. Рисола етти мезонга бўлинган бўлиб, Ибрат ҳар бир мезонда алоҳида муаммо бўйича фикр юритади. Ушбу рисолада аллома халқимиз ҳаётидаги, турмушидаги, урф-одатларидаги, кийим-кечакларидаги, қадим ва жадид муносабатларида таҳлил бериш орқали у жадидлар томонидан илгари сурилган ғояларни халқга тушунтиришни ўз олдига мақсад қилиб олади. Жумладан, у бу ҳақда қуйидагича ёзади: «Кичкина фикр ва мусулмончилик илан муддаога етиб бўлмайди. Катта йўлдан юриб борадур худованди олам баргоҳига, авони-авони илм ва ҳунар ва касб бўлганда, атрофи-акноф ўртага чиқиб ийд қилиб турса, биз халқи-ғариб ожиз бўлиб бир ганжида (бурчакда) ўтурсак, ўз аҳлимиз майли, ажнабийлар нима дейдилар, бас ўқимас, ҳунар-касб этмак учун ҳаракат даркор экан, кўриб турибсиз»¹. Шунингдек, у ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида жадидлар ғояларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади ва ўзининг ҳар бир фикрини Куръони каримда келтирилган оятлар, қўллаб ҳадислар орқали исботлашга ҳаракат қилади. У ёзади: «Аллоҳ таоло бизга юсрни (осонликни) хоҳлади, усрни (қийинлик) хоҳлаган эмас, чунончи, Ародаллоху бикумул йўсра, вале арода бикумул-усро, (худо сизларга осонликни ирода қилди, қийинликни эмас) деса, биз ўзимизни ўзимиз қийинликка солган, худо солган деб қийинликдан чиқмай юришимиз, муни худо қилган деб иймонга келмаган қабилидандур!»².

Исҳоқхон Ибрат ўз халқининг қийинчиликларини беилмликлдан деб билади. Бу ҳақда у қуйидагича ёзади: «Бу халқларимизни бу феъллари беилмликлдан, шаҳар кўрмаганликдан ваҳшиятдекдур... Бу ахлоқлари тарбия илан ақлдан йўқ қилмаса танбаллик тухуми кўкариб,

¹ Исҳоқхон Ибрат. Мезон ул-замон, 11-бет.

² Уша асар, 10-бет.

Туркистонни истило қиладир, халқни зулматга солур»¹. Шунингдек, у Муҳаммад пайғамбар хадисларидан келтириб, илм ҳақида қуйидагича ёзади: «Расулulloҳ ҳазратлари марҳамат қилибдиларки, «Ал-илму иззуд дунё ва шарафул-охирати» деб (Илм-дунё азииз, мукаррамлиги ва охираат шарафидир). Иккинчи бир хадислари «Утлубил-илма ва лав бис-сини» (Гарчи, Чинмочиндан бўлса ҳам илм талаб қил). Бу хадислар бизни илмталаб қилмоққа таклиф қиладир»²,

Ушбу фикрлари билан Ибрат халқини жаҳон илм ва фан-техникасини ўрганишга чақиради. Мамлакатнинг хориж мамлакатларидан орқада қолишининг сабаби сифатида ҳам илмсизлик ва жаҳолатни кўрсатади. Бу ҳақда у «Бинобарин, қийинликда бўлган асли илаг ... илм ва ҳунарсизлик»³, эканлиги ҳақида, «илм ва ҳунар бўлса мактаб ва мадрасалар барпо бўлур»⁴, — каби фикрларни билдиради.

Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон» асарлари тарихий, илмий, маданий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқимизнинг аср бошларидаги ҳаёти ва фаолиятини ёритиб беришда ҳамда Кўқон хонлиги тарихини ўрганишда қимматли манбадир.

Д. ЗИЯЕВА

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШ ТАРИХШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Туркистонда миллий озодлик учун кураш масалалари қарийб 80 йилдан бери нафақат ватан тарихшунослигида, балки жаҳон тарихшунослигида алоҳида диққат эътибордаги муаммолардан бири бўлиб келган. Бунга энг аввало ушбу курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг ўз ватанида нотўғри талқин этилиб, бузиб кўрсатилган, иккинчидан эса бу курашлар (асосан 1918—1924 йиллардаги кураш) ўзини «меҳнаткашлар

¹ Ўша асар, 8-бет.

² Ўша асар, 8-бет.

³ Ўша асар, 10-бет.

⁴ Ўша асар, 10-бет.

ҳокимияти» сифатида жаҳонга эълон қилган совет ҳокимиятининг Туркистонда зўрлик билан ўрнатилиб, куч билан ҳукмронлик қилиб турганини фош этгани билан изоҳланади.

Ушбу кураш воқеаларининг турли йўналишлардаги талқинини ўрганиш асосида маълум бўлишича, дастлабки 70 йил давомида, яъни собиқ СССР ҳукм сурган ва жаҳон икки лагерга бўлинган даврларда бу муаммолар тадқиқи кескин ғоявий кураш майдонига айланган. Бу ғоявий курашларда масалага ўз сиёсий манфаатлари, ғаразли стратегик мақсадлари нуқтаи назаридан бир ёқлама ёндошган совет тарихшунослиги ташаббусни қўлига олиб, баҳсларга илмий тус беришга йўл қўймаган, пуч даъволар, сиёсий айбловлар ва кескин танқидга, назарий ақидаларга, синфий кураш таълимотига асосланиб, бир ёқлама, асоссиз қарашларни зўрлик билан тарғиб ва ташвиқ қилиб келган.

Совет тарихшунослигининг манбавий асослари, тадқиқот услублари, реал воқелик — ҳақиқатни акс эттира олиш имкони, ҳаққонийлик ва холислик даражасини аниқ нашрлар, манбалар мисолида ва ижтимоий-сиёсий муҳит билан узвий боғлиқликдаги таҳлилдан намоён бўлишича, мустабид тузум даврида тарих фанида олиб борилган тадқиқотлар, жумладан, мустақиллик учун кураш воқеалари (айниқса шу тузумга қарши қаратилган ҳаракатлар) тадқиқи бутунлай ҳукмрон мафкура назорати ва тазйиқи остида олиб борилган. Синфий кураш ғоялари билан қуролланган бу мафкура жамият ҳаётининг барча соҳалари — иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий ва маънавий соҳаларга синфий зиддиятлар нуқтаи назаридан ёндошиб, синфий манфаатлар асосида баҳолаган ва умуминсоний, умумхалқ ва умуммиллий манфаатларни четга суриб қўйган. Гарчи бу мафкура ғоялари меҳнаткашлар синфи манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги баландпарвоз ваъдалар билан безалган бўлса-да, амалда энг аввало шу меҳнаткашлар кўп эзилган. Реал воқеликдан узоқ бўлган бу мафкура ҳаёт ҳақиқатини тан олмай, унга ҳамиша қарши борган, бу ҳақиқатни ҳаққоний ёритиш у ёқда турсин, тан олишни ҳам истамаган. Ана шундай ҳақиқатлардан бири Туркистонда совет давлати ва тузумига қарши олиб борилган кураш воқеалари бўлиб, оммавий халқ ҳаракатига айланган бу курашлар ҳукмрон мафкуранинг реал ҳаётга зидлиги, меҳнат-

кашлар манфаатига хизмат қила олмаганини намоён этарди. Дастлабки 5—6 йил мобайнида шиддат билан давом этган бу кураш ҳақиқий халқ ҳаракати бўлиб Туркистон жамиятининг барча табақаларини умум-халқ, умуммиллий манфаатлар йўлида бирлаштирди ва коммунистик мафкуранинг синфий кураш таълимоти реал ҳаётда ҳақиқий маъно ва асосга эга эмаслигини кўрсатди. Бироқ зўрлик ва куч билан ҳокимият тепасига чиқиб олган коммунистлар партияси халққа ўз таълимотини ҳам зўрлик ва куч билан сингдиришга киришди, халқ ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостирди.

Бу курашларнинг ҳаққоний талқини ушбу мафкура манфаатларига жавоб бермас, аксинча, унинг ҳаётий эмас, хаёлий эканлигини, Туркистон халқларини озодлиги, эркидан маҳрум этиб, жиловлаш учун баҳона бўлганини фош этар эди. Шу сабабли ҳам бу курашлар ҳақида 20-йилларнинг бошларида янграб улгурган ҳақиқат садолари¹ тез орада бўғиб ташланди ҳамда реал воқеликни бузиб кўрсатувчи, ҳукмрон мафкура ва давлат манфаатларига мослаштирилган, синфийлаштирилган, аниқроғи сохталаштирилган талқинлар яратилди. 30—50-йилларда большевикча концепция², 50-йиллар иккинчи ярмидан марксча-ленинча концепция (яъни қарашлар тизими) сифатида таърифланган бундай сохта талқин нафақат тарих фанига, балки адабиётга³, санъатга, жамият онгига зўрлик билан сингдирилди.

Зўрлик билан қарор топган бу бир ёқлама, чекланган сохта талқиннинг манбавий асослари ҳам сохта, чекланган эди, уни яратишга хизмат қилган тадқиқот услублари ҳам илмий ёндошишга, реал фикрлашга эмас, партия ва унинг синфий кураш ғояларига, яъни партиявийлик ва синфийликка асосланган эди. Муаммога шу асосда ёндошиш пировардида тарихий ҳақиқатни мутлақо сохталаштиришга, унинг реал аҳволга

¹ *Рискулов Т.* Из истории борьбы за освобождение Востока//Новый Восток, 1924. Кн. 6.; *Сафаров Г.* Колониальная революция (Опыт Туркестана). Москва, 1921.: В. К. «Басмаческий фронт»//Коммунистическая мысль. 1920, № 1 ва бошқалар.

² *Галузо П.* За большевистскую концепцию восстания 1916 года в Средней Азии (К 15-летию восстания)//Туркменоведение. 1931, № 7—9; *П. Алексеевко.* Что такое басмачество? Т., 1931.

³ *Берегин К.* Гражданлар уруши тарихи тўғрисида (1935 йилда бўлган Ўзбекистон ёзувчилари Союзининг II Пленумида қилинган доклад). Тошкент, 1935.

зид, ҳукмрон ғоялар манфаатига мос талқинини яратишга олиб келди¹.

Совет тарихшунослигининг синфий кураш таълимотига асосланган тадқиқот усуллари нафақат совет даврида, балки ундан олдинроқ содир бўлган тарихий воқеалар ва жараёнларни ҳам ҳолисона ва ҳаққоний талқин этиш имконини бермади. Бунинг биринчи сабаби совет тарихшунослигининг синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкура ақидаларига асослангани билан изоҳланса, иккинчи сабаби ҳукмрон давлат халқни ўзлигидан, тарихий хотирасидан, ҳаққоний тарихидан маҳрум этиш ва ўз ғояларига ишонтириш, ҳукмрон давлат манфаатларига, хоҳиш-иродасига бўйсунувчи, итоаткор, коммунизм мутаассибларига айлантириш мақсадини кўзлагани билан изоҳланади. Ўтмишнинг ҳар бир воқеаси халққа ўз илдиэлари, ҳаёт тарзи, маънавий меросидан дарак бериши, уни руҳий озиклантириши шубҳасиз эди. Зеро, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек «ўз тарихини яхши билган, ундан руҳий озуқа олган халқ енгилмасдир»². Шу сабабли ҳам бу халқни енгил, уни ўзлигидан, тарихидан айириб, зўрлик билан турли миллатларнинг сунъий чатишмасидан иборат (аммо рус тилида сўзлашувчи!) «совет халқи»нинг таркибига кўшиб юбориш, итоаткор оммага, ҳаёлий ғоя фидойисига айлантириш учун унга ҳаққоний тарихни эмас, сохта, совет ғояларига мослаштирилган тарихни яратиш лозим топилди.

1916 йилда Туркистонда Россия империяси зулмига қарши кўтарилган оммавий халқ кўзғолонининг синфий талқини ҳам шу мақсадда яратилди. Чунки бу воқеанинг ҳаққоний талқини халқда миллий мустақиллик ва унинг учун кураш истагини оловлантирар, кўзғолонда қурбон бўлган эрксевар аждодлар мисолида ватанпарварликка ундарди. Кўзғолоннинг Россия ҳукмронлигига барҳам бериш мақсадлари эса бу империя меросхўри бўлган совет давлатининг ҳукмронлигига таҳдид соларди. Шу туфайли ҳам кўзғолоннинг асл моҳияти ва мақсадларини илк бор илмий асосда ёритишга уринган замондошлар — миллий зиёли-

¹ *Коканбаев А.* Борьба за установление и упрочение советской власти в Ферганской долине. Ташкент, 1958; *Шамгадиев Ш. А.* Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент, 1961; *Зевелев А. И., Поляков Ю. А., Чукунов А. И.* Басмачество: возникновение, сущность, крах. Москва, 1981.

² *И. А. Каримов.* Тарихий хотирасиз келижак йўқ.//Мулоқот, 1998, 5-сон, 13-бет.

лар (Т. Рискулов ва бошқалар) кескин танқид ва ғоявий ҳужумларга дучор бўлди, ҳукмрон тузум «душманлари» деб эълон қилинди. Бу кўзғолоннинг ниҳоятда маъхум, синфийлаштирилган, сийқалаштирилган талқини яратилди ва зўрлик билан қарор топтирилди. 30—40-йилларда большевикча-сталинча, 50-йиллар ўртасидан эса марксча-ленинча концепция (қарашлар тизими) деб аталган бу талқинда 1916 йил кўзғолони Россия ҳукмронлигига эмас, Россия империализмига, рус буржуазияси ва маҳаллий бойларга қарши миллий озодлик кураши сифатида ёритилди, лекин рус империализми, маҳаллий бойлар, рус буржуазиясининг совет давлати томонидан тугатилиши Туркистон халқларига миллий озодлик бера олмагани, ўзини гўё «Туркистон меҳнаткашларини озодликка олиб чиққанлиги» ҳақида жар солган совет давлати ўзига қарши шу халқ олиб борган курашларни 5—6 йилгача енга олмагани эндиликда яхши маълум. Бироқ совет ҳокимияти ва унга хизмат қилган коммунистик мафкура бунни тан олмай, 1916 йил воқеалари талқинида ва умуман, доимо Туркистон халқларига ўзи ваъда қилган, аммо қозғоғда бор, амалда йўқ миллий озодликни пешлаб келди. Бу кўзғолон талқинида унинг мағлубият сабаби «улуғ рус халқи»нинг раҳбарлик қилмагани билан изоҳланди, уларга тобелик, мутелик, ўз кучига ишончсизлик тарғиб этилди.

Россиядан ажралиб, мустақил бўлиш мақсадларида аниқ уюшган ҳаракат олиб бориб, ўз мустақил бекликларини эълон қилган Жиззах воқеалари «реакцион чиқишлар» сифатида қораланди¹.

Ҳар икки кураш воқеалари — 1916 йил кўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги оммавий халқ ҳаракатлари моҳияти жиҳатидан бир хил — мустақил тузум зулми ва ҳукмронлигига қарши қаратилган бўлса-да, улар совет тарихшунослигида турлича баҳоланди. Биринчиси, яъни 1916 йил кўзғолони эзилган синфлар кураши деб, 1918—1924 йиллардаги курашлар эса «синфий душман», «эзувчи синфлар» қаршилиги сифатида кўрсатилди. Оммавийлиги, давомийлиги, шиддати, кўлами, уюшқоқлик даражаси ва сиёсий мақсадлари аниқлиги жиҳатидан 1916 йил кўзғолонига нисбатан анча юқори поғонада турган 1918—1924 йиллар воқеаларининг со-

¹ Материалы Объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана. Ташкент, 1955; Туреунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1962.

вет тарихшунослигидаги сохталаштирилиши ҳам юксак даражада бўлди. 1916 йил воқеалари талқинида унинг сабаблари сифатида, тор доирада бўлса-да, империализмнинг мустамлакачилик зулми кўрсатиб ўтилди, кураш умумий тарзда империализмга қарши миллий озодлик ҳаракати сифатида талқин этилди, лекин 1918—1924 йиллардаги воқеалар талқинида уларнинг сабаблари, моҳияти ва мақсадлари бутунлай қораланди, чунки 1916 йил воқеалари совет ҳокимияти барҳам берган Россия империясига, 1918—1924 йиллар курашлари эса бевосита шу ҳокимиятга, совет давлати ва тузумига қарши қаратилган эди.

Совет тарихшунослигида Туркистондаги курашларда маҳаллий зиёлилар, жадид тараққийпарварларининг роли ҳам ўзининг холисона талқинини ололмади. 1916 йил воқеалари талқинида жадидлар «хонин» сифатида, эзилган синфларга қарши чиқиб, мустабид ҳукуматни қўллаганликда» айбланса, 1918—1924 йиллардаги курашларда «синфий душман — эзувчи синфлар»ни қўллаб-қувватлаганликда айбланди. Умуман жадид тараққийпарварлари ҳамisha халққа қарши қўйиб келинди, уларнинг маърифатпарварлик ва сиёсий фаолияти, юксак орзу-истаклари, Туркистон тараққиёти ҳамда мустақиллиги учун курашлари нотўғри талқин этилиб, бузиб кўрсатилди, улар «халқ душмани» сифатида қораланди.

Хуллас, совет тарихшунослигида Туркистон халқларининг мустабид давлатлар ҳукмронлигига қарши курашлари ўзининг ҳаққоний талқинини ололмади, аксинча, бу курашлар тарихи сохталаштирилди, нотўғри, бузиб кўрсатилди. Бу курашларнинг умуммиллий ва умумхалқ манфаатлари учун олиб борилгани яширилиб, мутлақо асоссиз равишда синфий манфаатлар ва инқилоб ғоялари соясида кўмиб юборилди, ҳатто 1918—1924 йиллар воқеалари талқинида курашнинг умумхалқ характери инкор этилиб, унинг шиддати ва давомийлиги, умуман авж олиши ташқи омиллар — чет эл империалистларининг хизмати сифатида кўрсатилди, асл моҳияти, сабаблари ва мақсади эътироф этилмади.

Ўз ватанида яширилган, бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқат хорижда ошкораликка йўл излади. 20-йиллар охиридаёқ муҳожир ватандошларимиз Туркистон мустақиллиги учун курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни жаҳон жамоатчилигига етказиш мақсадида бу воқеаларнинг ҳаққоний талқини битилган илк мақолалар ва

хотираларини хорижий матбуотда эълон қила бошладилар. 30—40-йилларда уларнинг илк илмий асарлари, 50—60-йилларда йирик монографиялари чоп этилди. Инглиз, немис, турк, француз тилларида чоп этилган бу асарлар хорижий тарихшуносликда Туркистон мустақиллиги учун кураш воқеалари ўзининг ҳаққоний талқинини олишида катта роль ўйнади. Кураш воқеаларининг гувоҳлари, замондоши ва иштирокчилари бўлган Абдулла Ражаб Бойсун, Закий Валидий Тўғон, Мустафо Чўқаев каби ватандошларнинг аниқ фактлар ва далиллар билан асосланган хотиралари¹ бошқа манбалар билан тўлдирилган ҳолда йирик тадқиқотларга асос бўлди. Натижада хорижий тарихшуносликда ХХ асрнинг биринчи ярмидаёқ бу курашлар моҳияти тўғри баҳоланди, 50-йиллардан бошлаб эса илмий асосланган қарашлар сифатида қарор топиб борди.

Хорижий тарихшуносликда 1916 йил кўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги курашлар моҳияти жиҳатидан бир хил, кейингиси аввалгисининг давоми, анча уюшган, сиёсий тус олган шакли, юқори босқичи эканлиги, эътироф этилди. Ҳар икки воқеа Туркистон халқларининг миллий озодлиги учун олиб борилган халқ ҳаракати сифатида баҳоланди. Совет ҳокимияти эса мустабид Россия империясининг давомчиси, меросхўри эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу кураш воқеаларининг асосий мақсади Туркистонда Россия ҳукмронлигига, зулмига чек қўйиш бўлганлиги қайд этилди.²

Хорижий тадқиқотларда, масалан, немис, ва турк тарихшунослигида совет ҳокимиятига қарши курашнинг даврий чегаралари 30-йилларнинг ўртасига қадар белгиланади ва мустабид тузумнинг қатағон қилиш, яъни қириш сиёсати билан барҳам топгани таъкидланади. Умуман хорижий тарихшуносликда немис ва турк тарихшунослиги бу муаммолар талқинида алоҳида ўрин тутади, катта илмий натижалари билан ажралиб туради ва бу энг аввало бу тилларда муҳожир ватан-

¹ Abdulla. Rajab Boysun. Turkistan Milli Hareketlari. Istanbul. 1943-45.; Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar. Izstanbul, 1969.; Choceay M. The Basmachi movement in Turkestan — Zhe Asiatic Review. London. 1928. vol. XXIV. April.

² Ali Bademci. Korbasilar. 1917—1934. Turkistan Milli Hareketi ve Enver Pasa. Istanbul. 1975.; Baymirza Hayit. Turkestan im XX Jahrhundert. Darmstadt. 1956; Islam and Turkestan under Russian Rule. Istanbul. 1987; Turkestan im Herzen Euroasiens. Koln. 1980; Turkestan Russland Und China. Amsterdam. 1971; Some Problems of Modern Turkistan History. An Analysis of Soviet Attacks on the Alleged Falsifiers of the history of Turkistan. Dusseldorf. 1963; Olcott M. Basmachi or Freemans in Turkestan 1918—1924//Soviet Studies. University of Glasgow. 1981. vol. XXXIII; 3; Tohir Chigatoy. Qizil imperiazlm. Anqara, 1967.

дошларимиз ижод қилгани билан изоҳланади. Туркистондаги маҳаллий шарт-шароит, хусусият ва ички омиллардан, содир бўлган воқеалардан яхши хабардор бўлган, халқнинг орзу-армонларини яхши билган муҳожир ватандошлар ижодида Туркистон мустақиллиги учун кураш тарихининг энг муҳим масалалари илк бор ўзининг ҳаққоний талқинини олди.

Совет ҳокимиятига қарши кураш сабаби ва мақсадларини тўғри баҳолай олган инглиз-америка тарихшунослигида баъзи масалалар, масалан, кураш босқичлари, мағлубият сабаблари, сардорлар — қўрбошиларнинг маънавий-сиёсий қиёфаси, фаолияти каби масалаларда шошилинч, юзаки ёки зиддиятли мулоҳазалар ҳам учраб туради ва бу энг аввало маҳаллий шарт-шароит, ички омиллардан беҳабарлик, манбаларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Лекин бундай камчиликлар хорижий муаллифларнинг кураш моҳияти ҳақидаги яқдил қарашларини инкор эта олмайди.

Хорижий тарихшуносликда Туркистонда мустабид давлатлар ҳукмронлигига қарши қаратилган курашлар моҳияти ҳақида яқдил хулосалар билдириш билан бирга айрим тадқиқотларда бу воқеаларни диний ҳаракат (яъни мусулмонларнинг кофирларга қарши юриши) ёки миллатлараро кураш, миллий ихтилоф сифатида талқин этишга уринишлар ҳам учраб туради. Ўлкадаги ҳақиқий аҳволдан беҳабарлик, манбалардан фойдаланиш имкони чеклангани туфайли юзага келган бундай юзаки ва шошилинч мулоҳазалар айрим тадқиқотларга хос нуқсон бўлиб, муаммо тарихини ниҳоятда сохталаштириб юборган совет нашрлари таъсирида яратилган.

Хорижий тарихшуносликда, хусусан, инглиз-америка тарихшунослигида бу муаммога Афғонистон воқеалари ёки ислом дини билан боғлиқ равишда тўхтаб ўтган тадқиқотларда масалани сиёсийлаштиришга уриниш ҳоллари кўзга ташланса-да, бу ҳол умумий, хос хусусиятга айланмайди, айрим муаллифларнинг шахсий мулоҳазаси сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда хорижий тарихшунослик намуналари масаланинг моҳиятини тўғри баҳолай олиш, ҳолисона ёритишга уриниш билан совет тарихшунослигидан катта фарқ қилади ва муаммонинг «марксча-ленинча» талқинига мутлақо зид қарашларни илгари суради.

Хорижий тарихшунослик ва совет тарихшунослигининг манбавий асослари таҳлилидан маълум бўлиши-

ча, хориж тадқиқотчилари муҳим тарихий манба сифатида замондошларнинг хотиралари, кўрсатмалари, асарларидан кенг фойдаланганлар. Совет тарихшунослигида эса асосан мустабид ҳукумат архивидаги расмий ҳужжатлар сараланган ҳолда, чекланган доирада, голиб тараф манфаати нуқтаи назаридан жалб этилган, ҳаққоний ва холис қарашлар эътиборга олинмаган, атайин четга сурилган, улардан фойдаланиш, илмий истеъмолга киритиш ман этилган.

Тадқиқотларнинг манбавий асоси ҳамда масалага ёндошувда кўзланган мақсадлар уларнинг илмий натижаларини белгилаб берган. Энг ишончли манбалар — замондошлар гувоҳлиги ва хотираларидан холисона фойдаланган хорижий тадқиқот намуналарида совет ҳокимиятига қарши кураш моҳияти, сабаб ва мақсадлари ўзининг тўғри баҳосини олишга мушарраф бўлган бўлса, чекланган, бир ёқлама расмий маълумотлардан нохолисона асосда, ноилмий мақсадларда, тор манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, сохталаштирилган тарихни асослаш учун фойдаланган совет тарихшунослигида бу муаммо мутлақо нотўғри талқин олган.

Туркистонда мустабид давлатларга қарши олиб борилган кураш воқеаларига оид муҳим тарихий манба ўша даврдаги ижтимоий фикр — замондошларнинг гувоҳлиги ва хотиралари эканлигини таъкидлаш билан бирга, уларнинг холислик ва ҳаққонийлик даражасини тўғри баҳолай олиш катта аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Турли миллатлар (мазлум, маҳаллий миллат ва голиб, ҳукмрон миллат), сиёсий кучлар, ҳукмрон ва мухолиф доираларнинг вакиллари томонидан турли вазиятда ва мақсадларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни бирдек ҳаққоний қарашлар сифатида баҳолаб бўлмайди. Миллати, маслаги, мақсади, сиёсий позицияси, воқеаларга қай даражада алоқадорлиги нуқтаи назаридан турлича бўлган замондошларнинг айнаи бир воқеа ҳақидаги кўрсатмаси турлича бўлиши мумкин. Яна айнаи бир замондошнинг расмий ва норасмий вазиятда билдирган қарашларида ҳам катта тафовут бўлиши мумкин. Бу курашлар айнан ҳукмрон давлатга қарши қаратилгани туфайли ушбу воқеалар ҳақида жамоатчилик ўз фикрини ошкора билдириш имконига эга бўлмагани, жамоатчилик фикри сифатида матбуотда чоп этилган қарашлар эса ҳар доим ҳам ҳаққоний бўлавер-

маганини эътиборда тутиш лозим. Умуман замондош ижтимоий-сиёсий қарашлар сифатида талқин этилиши мумкин бўлган бу фикр-мулоҳазаларни қуйидаги асосларда ажратиб олиши зарур:

1. Расмий қарашлар.
2. Норасмий қарашлар.

Ҳар икки гуруҳдаги қарашлар ҳам ошкора ёки махфий тарзда билдирилган бўлиши ва бу албатта уларнинг ҳаққонийлик даражасига таъсир этганлиги шубҳасиз.

Замондошларнинг хотираларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган халқ вакилларининг хотиралари.
2. Курашга алоқадор бўлмаган, лекин воқеаларга гувоҳ бўлган холис замондошларнинг кўрсатмалари.
3. Курашни зўрлик билан бостирган, шафқатсиз мустабид ҳукумат вакилларининг баёнотлари.

Ҳар уч турдаги хотираларнинг ўзаро қиёсий, танқидий ва тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этиш асосидагина тарихий ҳақиқатни аниқлаш мумкин. Бу гуруҳлардаги замондошлар хотираларининг ҳаққонийлик даражасини аниқлашда уларнинг расмий ёки норасмий асосда баён этилганини ҳам аниқлаш муҳимдир. Чунки мустабид тузум ҳукмронлиги шароитида унга қарши қаратилган курашлар ҳақидаги замондошлар хотираларининг қайд этилишида ошкоралик ва ҳаққонийликка имкон берилмагани яхши маълум.

Хуллас, Туркистонда мустабид давлатлар ҳукмронлигига қарши олиб борилган курашларга оид муҳим тарихий манба — замондошларнинг хотиралари, шу давр ижтимоий-сиёсий қарашлари қиёсий, танқидий ва тарихийлик нуқтаи назаридан, давр руҳи, ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда ўрганилгандагина тарихий ҳақиқатни тиклашга хизмат қилиши мумкин. 1916 йил кўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги кураш воқеаларига оид замондош ижтимоий-сиёсий қарашларининг айнан шу асосдаги таҳлили ушбу муаммолар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга имкон беради ва бу воқеалар Туркистонда мустабид давлатлар — Россия империяси ҳамда совет ҳокимиятининг зулми ва ҳукмронлигига қарши қаратилган ҳақиқий халқ кураши бўлганлигини исботлайди.

1991 йилда, яъни собиқ мустабид совет давлати таркибидан ажралиб чиққан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги қўлга киритилиб, мустанлакачилик мафкуравий қуллик, иқтисодий, сиёсий, маънавий қарамликка барҳам берилгач, ватанимизда қонуний асосда қарор топган хурфикрлилик ва ошкоралик шароитида ривожлана бошлаган тарих фанида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзининг аввалги мажбурий юки — ғаразли сиёсатга, коммунистик мафкурага, ҳукмрон мустабид давлат манфаатига хизмат қилиш вазифасидан соқит бўлган тарих фани зиммасига ҳаққоний, ҳолисона тарихни яратиш, жамят, халқ, миллатнинг маънавий юксалишига хизмат қилиш масъулияти юкланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган қарори¹ билан бу масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун барча имконият, зарур шарт-шароит яратилди, аниқ ҳаракат дастури белгилаб берилди. Бунга қадар ҳам республикамизда сўнгги 7 йил давомида олиб борилган илмий изланишлар янада жонланиб, изчил ва мақсадли йўналишга солинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ барча тарихий манбалардан эркин фойдаланиш имкони яратилиши билан тарихимизнинг сохталаштирилган, бузиб кўрсатилган ёки унутилган саҳифаларини қайтадан, ҳаққоний асосда тиклаш мақсадида бошлаб юборилган изланишлар ўз илмий самарасини бермоқда.

90-йиллар давомида Туркистонда Россия империяси ва Совет давлати ҳукмронлиги ҳамда зулмига қарши олиб борилган курашлар тарихининг жуда кўп масалалари ўзининг ҳаққоний ва ҳолисона талқинини олди². Энг муҳими, илмий жамоатчиликнинг алоҳида диққат-эътиборида бўлиб келаётган бу курашларнинг асл мо-

¹ «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон овози, 1998 йил, 27 июль.

² *Ибодитов А.* Қурбони Мадаминбек (хужжатли қисса). Тошкент, 1993; *Карим И.* Мадаминбек (ижтимоий-сиёсий очерк). Тошкент, 1993. *Суюнова О.* Туркистонда 1916 йилги миллий-озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). Тошкент, 1997; *Исмоилова Ж.* Қонга беланган халқ ҳаракатлари // Шарқ юлдузи, 1998, 2-сон; *Ражабов Қ.* Мадаминбекнинг Сафоновга мактуби. Саодат, 1993, № 4–5; *Ражабов Қ.* Истиқлолчи деган маъқул // Фан ва турмуш. 1995, № 3; Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати йўлбошчилари. // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент, 1995; *Ф. Хўжаев* ва миллий истиқлол ҳаракати // Файзулла Хўжаев 100 йил. Тошкент, 1997; Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент,

ҳияти, сабаблари ва мақсади ўзининг ҳаққоний баҳосини олишга сазовор бўлди.

Бугунги кунга келиб, Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «биз тарихимизнинг қораланган, бузиб кўрсатилган саҳифаларини оқлаб бўлдик, эндиликда асосий вазифа унинг илмий асосланган талқинини яратишдир».¹ Дарҳақиқат, илмий жамоатчилик олдида турган навбатдаги муҳим вазифа — бу ўтмиш тарихимизни, хусусан, Туркистон мустамлакачилик даври тарихининг ҳам чуқур илмий асосланган талқинини яратишдир. Шу даврнинг энг муҳим муаммоси бўлган Туркистондаги мустабид тузумга қарши курашлар тарихи ҳам ўзининг шундай талқинини кутмоқда. Ҳозирга қадар ватан тарихшунослигида эришилган дастлабки натижалар шундай талқин учун пойдевор, замин ҳозирлади. Эндиликда бу курашларнинг кам ўрганилган, муаммоли, мунозарали ёхуд ҳали тадқиқ этилмаган масалаларини ўрганиш, илмий истеъмолга киритилмаган манбаларни қиёсий ва ҳолисона тадқиқ этиш лозим. Бу борада муаммонинг асосан қуйидаги масалалари ўз тадқиқини кутмоқда:

Туркистонда 1916 йил кўзғолони бўйича:

— кўзғолоннинг умумхалқ характери, унда мулкдор тоифаларнинг ва аёлларнинг фаол иштироки, жадид тараққийпарварларининг муносабати;

— Жиззах воқеаларининг бошланиши, ривожланиб бориши, сардорлари, мақсадлари ва фожеали оқибати;

— Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги кўзғолонлар;

— кўзғолоннинг енгиллиш сабаблари, тарихий аҳамияти ва сабоқлари, кўзғолончилар, мардикорликка сафарбар этилганлар қисмати;

— «туземлилар комитетлари»нинг фаолияти;

1994; *Чориев З.* Туркистон ўлкасида мардикорлар ҳаракати ва мардикорларнинг Россиядаги ҳаёти тарихини ўрганиш манбалари // «Ўзбекистон халқлари тарихининг долзарб масалалари». Маърузалар тўплами. Тошкент, «Университет», 1995; *Новые источники по истории тыловых рабочих Туркестана. Общественные науки в Узбекистане*, 1998, № 2; *Шамсиддинов Р. Т.* Босмачилар ким бўлган? // *Фан ва турмуш*, 1997, № 1; *Фарғона қўрбошилари* // *Фан ва турмуш*, 1997, 2-сон. *Хидоятова Н.* Басмаческое движение в современной советологии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1993; *Норжигитова Н.* Туркистонда «босмачилик ҳаракати» тарихшунослиги. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент, 1994; *Зиёев Ҳ.* Туркистонда Россия тажовузига ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII—XX аср бошлари). Тошкент, 1998.

¹ *И. Каримов.* Ўзбекистон XXI бўсағасида... Т., 1996, 141-бет.

— қўзғолончиларнинг хотиралари, замондошларнинг кўрсатмалари, қўзғолонга бағишланган халқ оғзаки ижоди намуналари (ашула, шеър, лапар, дostonлар);

— 1916 йил воқеаларининг ана шу кам ўрганилган ёки чуқур очиб берилмаган масалаларини қамраб олган ҳолда қайд этилган манбаларни архив ҳужжатлари билан қиёсий таҳлил этиш асосида бутун Ўзбекистон миқёсидаги илмий асосланган талқинини ёритиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1916 йил воқеалари нафақат ҳозирга Ўзбекистон, балки бутун Туркистон ҳудуди доирасида, қўшни республикалар олимлари билан ҳамкорликда тадқиқ этилиши лозим, чунки 1924 йилга қадар ягона оила сифатида яшаб келган Туркистон халқлари мустабид тузумга қарши биргалликда, бир сафда туриб курашганлар.

Совет ҳокимиятига қарши курашлар (истиқлолчилик) тарихини ўрганиш бўйича:

— кураш сабаблари — совет ҳокимиятининг зўравонлик, талончилик, миллий зулм ва адолатсизликка асосланган мустамлакачилик сиёсати, Туркистон халқларининг оғир иқтисодий асоратга солиниши, сиёсий ҳуқуқсизлик ва ҳ. к.

— курашнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, ғоявий-мафкуравий асослари, асосий мақсадлари, ундаги жадид тараққийпарварларининг тутган ўрни ва роли, маҳаллий коммунистларнинг муносабати;

— кураш frontiдаги ички аҳвол: ҳарбий интизом, моддий-ҳарбий таъминот, ташкилий масалалар, жисмоний ресурслар, кенг халқ оммасининг муносабати;

— курашнинг ривожланиш босқичлари, асосий сардорлари, ҳаракат доираси ва ҳудудлари, қароргоҳлар;

— Бухоро ва Хива ҳудудидаги мустабид тузумга қарши фронтларнинг ўзаро алоқалари, ўзига хос ва умумий хусусиятлари;

— кураш фронтининг ташқи ва қўшни давлатлар билан алоқалари, Туркистон ҳудудида совет ҳокимиятига қарши бошқа кучлар, фронтлар, ташкилотлар билан алоқалари;

— курашнинг сўнгги босқичлари, мағлубият сабаблари, қизил армиянинг ҳарбий террорга асосланган жиноий босқинчилик, оммавий-қирғин, гаровга олиш, риёкорлик сиёсати;

— кураш давомида миллий давлатчилик ғояси учун интилишлар ва уларнинг оқибатлари;

— кураш иштирокчиларининг асосан хорижда сақланиб қолган ва чоп этилган хотира ва кўрсатмалари, муҳожирликда бўлган кўрбошилар, миллий арбобларнинг шахсий архивлари (Франция, АҚШ, Афғонистон, Туркияда сақланиб қолган);

— хорижий тарихшунослик (немис, инглиз, турк, француз, араб тилларидаги) намуналари ва уларнинг манбалари.

Бу масалалар хусусида ҳозирга қадар маълумотларни умумлаштириш, янги фактларни, манбаларни ўрганиб, қиёсий таҳлил этиш асосида собиқ Туркистон Автоном республикаси (1918—1924), Бухоро ва Хоразм халқ республикаларида мустабид совет ҳокимиятига қарши халқимиз олиб борган курашларнинг чуқур илмий асосланган талқинини яратиш навбатдаги муҳим вазифадир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, ўтмишда «...ватан озодлиги учун курашган аجدодларимиз меҳнатини юзага чиқариш... бутунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарзидир».¹

С. АГЗАМХОДЖАЕВ

ДВЕ МОДЕЛИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕРЕУСТРОЙСТВА ТУРКЕСТАНА: БОЛЬШЕВИСТСКАЯ И НАЦИОНАЛЬНО-ДЕМОКРАТИЧЕСКАЯ

30 апреля 1918 года была провозглашена Туркестанская АССР, которая в советской исторической науке восторженно оценивалась как «важнейший исторический акт, свидетельствующий о громадной притягательной силе идей дружбы народов, идей совместной борьбы за социалистические преобразования». Теперь стало очевидно, что данная оценка носила пропагандистско-декларативный характер. Как же проходил реальный процесс образования ТАССР?

Ликвидация Туркистон мухторияти — Туркестанской автономной республики — в феврале 1918 года с

¹ И. А. Каримов. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги табрик сўзидан. 1997 йил 19 октябрь.

помощью военной силы высветила тугой узел противоречий в национальном вопросе. Она показала очевидное отсутствие связи большевиков с местным населением и вместе с тем — силу и зрелость регионально-освободительного движения, которое с этого времени последовательно стало приобретать форму открытого вооруженного сопротивления. Обоснованно усмотрев в действиях большевистских властных структур неприкрытое стремление насадить чуждую национальному менталитету государственность, коренные жители края и их политические лидеры все больше склонялись к мысли, что возможности мирного разрешения национального вопроса оказались исчерпаны и что осуществить сокровенную мечту о независимости и свободе можно будет лишь с помощью оружия.

Стремительный рост движения за национальное самоопределение «снизу», сопровождавшийся усилением антирусских настроений и стремлением отмежеваться от России, поставил руководство страны и края перед необходимостью серьезной корректировки советской практики национально-государственного строительства. И, на первый взгляд, здесь как будто обозначились перемены. Пытаясь в короткий срок смягчить сложную этнообстановку, потушить пожар обострившейся национально-освободительной борьбы, оно попыталось несколько расширить национальную базу новой власти, придав ей черты некоторой самостоятельности... Однако, как показала жизнь, решающих изменений в доктринальном подходе к проблеме национальной государственности не произошло. В концептуальном плане большевистское руководство по-прежнему исходило из посылки национально-государственного самоопределения «сверху», под жестким контролем партийно-советских структур. Это «самоопределение» целиком подчинялось идее создания унитарного советского государства, было проникнуто идеологией классового подхода, упрочения «диктатуры пролетариата».

Говоря иначе, будущее Туркестана большевистские руководители неизменно связывали с коммунистическим государственным устройством, предполагавшим тотальный унитаризм; с обеспечением верховенства русского рабочего класса, прикрываясь именем которого, ленинцы упорно насаждали новые имперско-колониальные структуры.

В тактическом плане между московской большевистской элитой и пришедшими на волне октябрьского переворота к руководству Туркестаном местными коммунистами, представителями, как правило, русской миграции, сохранились разногласия в методах реализации стержневых задач «коммунистического созидания». Однако в целом их позиция по национальному вопросу по-прежнему оставалась великодержавной, основанной на крайне примитивном восприятии марксистской схемы построения «государства диктатуры пролетариата».

После разгрома Туркистон мухторияти туркестанские большевики под влиянием центральной власти постепенно стали осознавать, что единственным средством прочного союза Туркестана с Россией является провозглашение автономии края, тем не менее противились этому, хотя советская модель «национального самоопределения» в корне отличалась от автономистских требований национальных демократов, и всячески затягивали решение этого вопроса.

Проблема «национального самоопределения» оказалась в центре внимания проходившего 20—26 января 1918 года IV Краевого съезда Советов. Программная позиция большевиков на нем была изложена делегатом И. О. Тоболиным. В своем выступлении лидер местных большевиков внешне поддержал идею автономии. Более того, он подчеркнул, что «нельзя ограничиваться лишь разговорами о самоопределении, надо дать продолжение этой идеи в ежедневной практике. Большевики борются с оружием в руках против контрреволюции, откуда бы она ни исходила — от русской или местной буржуазии. В то же время они не только признают за народом этой территории права на автономию, они признают и его право на полное отделение, если таково его желание... Большевики говорят, что территория Туркестана была захвачена силой и, если бы воля этого народа, выражаемая в референдуме, была — отделиться от России, мы выступили бы в защиту его суверенного права на отделение»¹. Но в конечном итоге Тоболин высказался против введения реальной автономии, ибо ее «проведение в жизнь» являлось, по его мысли, «несвоевременным». Провозглашение автономии, предлагаемой национальными де-

¹ См.: ААП РУз. Ф. 60. Оп. 1. Д. 2. Л. 30.

мократами, полагал Тоболин, потребует вывода русских войск, чем будет нанесен «удар в спину революции, ибо не дремлющая контрреволюция не замедлила бы предпринять свои шаги и весь край, где проливалась на баррикады кровь революционного народа, очутился бы опять во власти контрреволюции»¹. Иными словами, опасаясь коренного населения, Тоболин и поддерживающие его большевики стремились утвердить режим, опирающийся на русские штыки, выражающий интересы узкой прослойки местных русских рабочих и солдат.

Шовинистический настрой четко проявился и в выступлении Г. И. Павлюченко, говорившего от имени близких большевикам меньшевиков-интернационалистов. Он резко протестовал против определения «хозяина страны», данного «туземцам». Павлюченко дал понять, что европейские революционные демократы считают себя просвещенным авангардом революции и их долг — вести мусульманские трудящиеся массы, не обладающие политической зрелостью, по правильному пути. Меньшевики-интернационалисты принципиально выступили против федерации, так как она, по их мнению, «распыляет силы», но не считали себя вправе противодействовать образованию автономии, если этого хочет народ. Выходит, что ничего другого, кроме своего руководства на этом «правильном» пути, меньшевики-интернационалисты не предлагали.

Сегодня очевидно, что представители местных русских «революционных демократов» отождествляли понятие автономии с отделением от России. В то время как туркестанские национальные демократы в тот исторический момент воспринимали ее иначе — как самоопределение в рамках существующего многонационального государства на демократических федеративных началах. Но будущая государственность виделась им в опоре на традиционные нормы жизни местных народов, принципы рыночной экономики, политический плюрализм, что вступало в явное противоречие с доктринальными установками ортодоксальных марксистов.

Показательно, что намерение сохранить организационные и экономические связи с Центральной Россией выступило в 1917 году доминантным во всех му-

¹ ААП РУз. Ф. 60. Оп. 1. Д. 2. Л. 30.

сульманских регионах российского государства. Это, к примеру, прослеживается в речах и письмах лидеров национально-мусульманских движений тех лет: А. Салихова (Цаликов) — председателя Всероссийского мусульманского Совета, М. Чокаева — главы Туркестанского автономного правительства, Д. Досмухамедова — председателя Алаш-Ординской автономии и многих других.

На первом послеоктябрьском этапе большинство лидеров национального движения еще надеялось, что ленинское центральное правительство признает мусульманскую культуру, религию, политические традиции, а также с пониманием отнесется к чаяниям угнетенных народов о реальной национальной автономии. И только после того, как стали очевидны политические методы большевистской власти, разрыв ее многообещающих призывов с практическими делами, началось психологическое и политическое разделение империи на части.

В период обсуждения вопроса об автономии Туркестана на IV Краевом съезде Советов еще сохранялось «двоевластие»: Параллельно с большевизированным Совнаркомом действовало национальное автономное правительство, избранное в Коканде на демократической основе. Однако тогда еще сохранялась возможность компромиссного решения противоречий, возникших между двумя властными образованиями. Тем более что наряду с широкими мусульманскими массами Туркистон мухторияти поддерживали меньшевики и эсеры, которые недвусмысленно заявили об этом.

